

R-496 1970 7-12

77 12



17
ГУЛЖИСТОН
7/43/1970

НАВҚИРОН ВОДИЙ

Мухбиримизнинг Ўзбекистон КП Сирдарё область
комитетининг биринчи секретари
ўртоқ Э. Тасанбоев билан суҳбати

Эгамқул Тасанбоевич, билишимизча, сиз шу ерда ўсиб-улғай-
гансиз Мирзачўлнинг ўтмишгина эслайсизми?

— Яхши эслайман. Болалигимда чўл негадир поёни йўқдек кўри-
нарди. Баҳорги майсаларнинг умри жуда қисқа бўларди. Кўклардаёқ
қовжираб, шамол тўзгитиб, учириб кетарди. Тупроқ бамисоли кўпчиб
билкиллаб ётган хамирга ўхшарди, баъзи ерлари шўр, баъзи ерлари
унумдор, хуллас, жон киргизувчи хамиртурушга зор бўлиб ётарди.
Бу ерларга ҳаёт келтирган Ленин даҳоси эканини ҳозир ҳар бир деҳ-
қон яхши билади.

— Бутун дунё билади.

— Ҳақ гап. Революциягача Мирзачўлнинг инжиқ табиати билан
озмунча курашганлар дейсизми! Қўл кучи билан ариқ қазиганлар. Не-
не машаққатлар эвазига ўша вақтларда атиги 36 минг гектар ер ўз-
лаштирилган.

Ленин чақириги билан 1920 йили ўлкани ўзлаштиришга отланган
илк мутахассислардан профессор В. Ф. Булаевскийнинг эсдаликларини
ўқигандирсиз. «Сирдарё бекатига келиб тушганимизда,— дейди у,—
поездни ҳеч ким кутиб олмади. Чунки ҳамма безгак балосига мубта-
ло экан». Ўз номи билан Мирзачўл деб аталган бу саҳронинг бағри
тош эди. Бу ерда бир томчи сув олтинга тенг бўлган. Халқнинг азал-
дан тўқиб келган эртақларидан ҳам қанчадан-қанча орзу-умидлар чи-
пакка чиққанини биласиз. Фарҳод ва Ширин афсонасини одамнинг бу
нотанти чўл билан олишувини тасвирловчи энг яхши ажойиб афсона
деса бўлади.

— Эндилликда чўлқуварларнинг ўзлари афсонавий қаҳрамонларга
айланиб қолдилар, демакчисиз-да?

— Ҳа. Чўлга ҳужум бошланган йиллари кетмонга даста Фарғона-
дан келтирилар эди. Ҳозир ҳар бир хўжалик ўзининг ям-яшил бог-
роеларига эга. Собиқ чўлни ҳозир қумуш каналлар, равон асфалт
йўллари чулғаган. Областида меҳнаткашлари бу йил давлатга 520
минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга аҳд қилганлар.

— Областидаги Мирзачўлнинг деғанларича бор.


— Ҳа қачондир бу ном жуда ўринли бўлиб қолади. Чўл тамом че-
кинадиган кун яқин.

— Эшитишимизча, йил-йил беш йил ичида тағиқ бир миллион гектар
майдонни чўл бағридан тортиб олмоқчи экансизлар.

— Бу ердаги ҳаётнинг ўзига ҳослиги ҳам шунда. Биз ҳам деҳқон,
ҳам қурувчимиз, сирдарёликларни чўлқуварлар деб бежиз айтиш-
майди. Албатта, республиканинг яна бир неча областларида ҳам янги



В. И. Ленин Мирзачўл харитаси олдида.
ЎзССР халқ рассоми Л. АБДУЛЛАЕВ чизган.



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



№ 7 (43) 1970

Июль

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашрийоти

Ўзбекистон
Компартияси
Марказий
Комитетининг
журнали

1925 йилдан
чица бошлаган



«Союз—9» космик кемаси ер атрофи орбитасида узоқ муддатли учиш программасини ба-жариб бўлгандан сўнг 1970 йил 19 июнда Москва вақти билан соат 14 дан 59 минут ўтганда белгиланган жойга қўнди—Совет космонавтика фани яна бир улкан ютуқни қўлга киритди. Фазогир қахрамонларимизнинг бу беқиёс жасорати оламни яна бир бор лол қолдирди. Миллионларнинг тахсину офаринларига сазовор бўлди. Космонавтикада космик фазода киши бошқарадиган давомли учишларни бошлаб берган янги муҳим қадам қўйилди.

С у р а т д а : Совет Иттифоқи Қахрамонлари, СССРнинг космонавт-учувчилари полковник А. Г. Николаев билан техника фанлари кандидати В. И. Севастьянов.

ЖАҲОН ҚОЙИЛ, СИЗГА, ФАЗО БАҲОДИРЛАРИ!

ерлар ўзлаштирилмоқда. Лекин сирдарёликлар ҳеч қачон чўл ўзлаштиришни сулғаштирмайдилар. Бу шонли анъана. Ҳали истаганча жасорат кўрсатишга кенг майдон очик, чўлқуварларни янги-янги истиқболлар кутади... Областиимизнинг таърифини айтган билан тугамайди. Сирдарёда 74 миллат вакиллари яшайди, ҳамжиҳат бўлиб меҳнат қилади. Биргина «Пахтаорол» совхозида қирқдан зиёд миллат вакилини учратасиз. Бундай совхозлар — бизнинг моддий ва маънавий қудратимиз. Аиниқса, Сирдарё ГРЭСининг қурилиши областининггина эмас, Ўзбекистоннинг саноят қудратини ҳам кескин ошириб юборди. У Фарҳод ГЭСидан 55 баравар катта, Европадаги энг кучли электр станциялардан 2 ҳисса қувватли бўлади. Бундан ташқари, Мирзачўл қурилиши бошқармаси каби катта ташкилотлар областиимиз учун хизмат қилади. Бу бошқарма чўлга ҳужумни йил сайин кучайтирмоқда.

— Ер ўзлаштириши ҳам ҳазилакам касб эмас-да?

— Жиддий, оғир касб. Мирзачўлда ер билан эҳтиёткорона муомала қилмас бўлмайди. Сув ер юзасига яқин. Беҳисоб ер ости ариқлари қазишимиз, артезиан қудуқлари орқали шўр сувни оқизиб туришимиз керак. Бундай масъулиятли юмушлар ҳаммаси бошқарма зиммасида.

— Механизациянинг қудратини деҳқонларимиз аиниқса Мирзачўлда кўпроқ кўришяпти.

— Пахтани ялпи машинада теришни чўлқуварларимиз бошлаб берди, десан муболага бўлмас. «Малию», «Самарқанд», «Пахтаорол», «Олга бос» каби йирик хўжаликларда «оқ олтин» аплақачон ёлпасига машинада терилляпти. Келгусида чўл ҳисобига яшил далапаримиз яна ҳам кенгайиб бораверади. Давлатга пахтадан ташқари гўшт, сут, дон, тухум, сабзавот, мева каби ноз-неъмат етказиб бериш тобора кўпаяди.

— Саволим ўринсиз туюлмас, шу нарсани билмоқчи эдим. Қўчиб келганларнинг ҳаммаси ҳам чўлнинг шиддатига бардош бераолдими?

— Ўзингиз биласиз, чўлни ўзлаштириш осон иш эмас. Битта-аримта бебардош чўлнинг шиддатли синовларидан ўтолмай, жўнаб қолса ажаб эмас. Бу — мардлар майдони. Менинг кузатишимча, мирзачўлликларнинг сафи камаёйтгани йўқ, аксинча, ўсяпти. Мана, биргина ўт-

ган йилнинг ўзида республикаимиз ва мамлакатимизнинг турли томонларидан яна тўрт минг киши келди. Улар орасида аjoyиб мутахассислар бор.

— Областиимиз уч республика чегарасида. Қозоқ, тожик ва ўзбеклар қуда-қудагай бўлиб кетишгандир?

— Булар қадимдан оға-ини. Авваллари ҳам бирга қазиган ариқдан сув ичар эдилар. Энди қўлни-қўлга бериб, бир-бирларига деҳқончилик сирларини ўргатмоқдалар. Қайроққум денгизга каби гигантларни, энг совхоз ва комбинатларни бирга қурганимиз.

— Чўлқуварларнинг миришкорлигини, бу ернинг меваларини кўп мақташади.

— Мирзачўлнинг инжиқ табиатига бардош бераолган, уни ўзига бўйсундирган, шу борада ўзи ҳам тобланган меҳнат аҳли ҳақиқий миришкор деҳқонлардир. Даставвал чўлга келганларнинг аксариятига деҳқончилик сөнъати нотаниш эди. Аста-секин улар мапакали деҳқон, боғбон, мироб бўлиб қолишди. Минглаб тажрибали хўжалик кадрларига эгамиз. Кейинги йилларда кўпгина хўжаликларнинг ўзида қисқа курслар очдик. Уларда кўп ёшлар тахсил кўриб, деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик илимдан баҳраманд бўлмоқдалар. Мирзачўлда обрў қозонган Социалистик Меҳнат Қахрамонлари Назира Йўлдошева, Мамажон Дадажонов каби кишиларимиз оламга машҳур. Механизатор Жавад Кўчиев Ленин мукофотини мана шу Мирзачўлдаги жасорати учун олди.

— Сўнги илтимос — журналхоналаримизга навқирон областининг истиқболи ҳақида бир неча сўз айтсангиз.

— Режаларимиз катта. Область маркази — Гулистон шаҳри беш йил ичида беш план асосида қайта қурилади. Шу муддатда 80 минг гектар янги ерда боғлар гуллайди. «Оқ олтин»нинг салмоғи эса 586 минг тоннага етади. Бир неча йирик совхозлар ташкил қилинади. Шунинг учун ҳозир ўша янги хўжаликларни ишни кучи билан таъминлаш вазифаси турибди. Янги сув омборлари бунёд қилиш мўлжалимиз бор. Булар — яқин йилларда қилинажак ишларнинг бир қисми, холос.

Мирзагулистонимизга келинлар, сайру толоша қилинлар. Унинг бугунги жамоли сизни мафтун қилади.

САЙХУНДАН



Мирзачўлнинг чаманзорга айланишида Ильичнинг мислсиз ҳиммати бор. Гулистон шаҳридаги доҳий ҳайкали кўриқ очганларнинг чин садоқатини ифодалайди.

Э. ПЕНСОН фотоси.

ТУЗКОНГАЧА

ИККИ ҚУШИҚ

Кўхна Сайхун ёқалаб борамиз. У бизга ўз қисмати ҳақида икки хил қўшиқ айтгандай бўлади. Бир — ҳазин, маънос, бири эса — завқли, қувноқ қўшиқ. Сайхун — Сирдарё не-не тарихларнинг забонсиз гувоҳи бўлмаган! Исқандар Зулқарнайн соқларга қарши қўшин тортганда, Чингиз Мовароуннаҳрни топтаганда Яқсортнинг ҳасратига қулоқ солганмиди? Тадбиркор Темуру ҳам бу наҳрдан кўп нечган... Аммо жаҳонгирнинг фикри-ёди жангу жадаллар билан банд эди. Катта Сўғд йулидан Фарғона водийсига, Туркистон шаҳрига, европа мамлакатларига юз тутган сайёҳлар, савдогарлар ташнаизор бўлиб, ҳолдан тойганлар. Чўлу биббона букири туя ўртасида қалқинганча нум уммонида паришон сузганлар.

Сирга ҳам осон эмас эди. У чўг устида жон талвасада билангалаган илон мисоли қайноқ нум бағридан тўлганиб оқар эди. Ниҳоят саҳрога исиз сингиб кетарди. Дарҳақиқат ўттиз минг йиллар муқаддам Сир Оролга бориб етмасди.

Бир аср бурун мустамлакчи чор маъмурлари Сирдан «сир» сўрадилар. Аммо у соқовлигича тураверди. Мустамлакчилар яна бир ноинсофлик қилдилар. Улар Хўжанд яқинидаги чўнг қояни дарёнинг ўқиси бағрига қўлатдилар. Харсанглар йўртоқи тўлқинлар қаърига худди нумдай қўшиб кетди. Улуғ инъаз Константин ва генерал-губернатор фон Кауфман чўл чехрасини тилиб, канал қаздирди. Бу ишлар хом-хатала режа асосида шошқалоқчилик билан қилинди. Негаки, инглиз, француз, ҳатто америкалик корчапонлар ҳам Мирзачўлга баднафсли билан ўз тинкан эди. Улар чўлда чодир тиниб, ишладан ҳам тап тортмадилар. Ҳамма бало мислсиз жазина — пахтада эди. Улар бу бойликини маҳаллий аҳолининг қони билан сугориб етиштиришга ҳам тайёр эдилар. Чор ҳукумати ана шу қабиҳ масъулиятни эпчиллик билан ўз гарданига олди. Бари бир, кўхна Сайхун мурувват қилмади. Каналнинг шўр қирғоқларини сув ювиб кетди. Ёшан, юлгун усиб ётган чўлни қамиш босди, талай ерлар безган маснани — ботқоқликка айланди.

Сир ёқалаб незамиз. Ана шундай унинг биринчи ҳазин қўшиғи...

Сир ёқалаб незамиз. Унинг иккинчи — қувноқ қўшиғини тинглаймиз. Бу янграқ қўшининг авжи банд ва у сизга ёқимли бир суруру бағишлайди. Энди беҳудага кумга сингиб, беҳудага оч булутларнинг чанқоғини қондирмайди. Энди у бамисоли волида сийнаси, энди у ноз-неъматлар ато қиладиган илдишларга ҳаёт улашади. Бир сийнаси Киров канали бўлса, яна бир сийнаси — Жанубий Мирзачўл канали.

Кўхна Сайхуннинг инжуга тенг қатрасидан бизни баҳрамад қилган улуг зот Владимир Ильич Ленин бўлди. Доҳиймиз Мирзачўл ерларини узлаштириш учун 50 миллион сўм ажратиш билангина кифояланмаган. У иқболли режалар тузган, бир қанча мутахассислар юборган. Владимир Ильич 1922 йилнинг сентябрида Марказий Комитетнинг Урта Осиё бюроси раиси билан телефонда суҳбатлашган ва сув иншоотлари ишларининг қай тариқа бораётгани билан қизиққан. Доҳийнинг заковати истиқболни кўзлаган эди.

Сирнинг қувноқ қўшиғини ҳар қадамда эшитасиз, ҳис қиласиз. Сўл қирғоқ ёқалаб борамиз. Энди қирғоқлар тўшини гйҳларнинг қуюқ илдишлари, дов-дарактларнинг теран томирлари туйиб турибди. Соҳилдан эсан эпкин шоли майсаларидан сизиб ўтади. Бир маҳаллар тўңай хукмдори — йўлбарслар наъраси қулқони батанг қилган. (Чор офицерлари кўнгли очар эрман учун уларни қириб юборган эди.) Ҳозир сув айилган соҳилларда мўйнаси қоракўл билан бас бойлашадиган ёввош нутриялар боциладди.

... Биз нум-шағал комбинатиға кўз ташлаб ўтамиз. Азамат механизмларнинг нудратидан шу финрга наеласиз: Кўхинофни келида туймоқ осон экан!

Йўл бизни дарё нафаси келиб турган «Ленинград» колхозининг марказига бошлаб келди. Бу Мирзачўлнинг бир чамани, уни қўли гул одамлар ҳаёт суви бериб яратган. Турфа-туман эллар элат бўлибди. Раис Қўйбоқар ана Синдорон бир пиёла чой устида икки оғиз гурунғ қилди:

— Олти юз эллик оилға янги уй-жой ку-

риб бердик. Мижозларига ёнди. Бир умрга истиқомат қилиб қолишди. Уй-жой, водопровод, элентр, радио бари нолхоз ҳисобидан... — Жуда соз — деб юбордим. Мен бундай имтиёзни биринчи марта кўришим эди.

Хайр-хўшладик. Машинамиз асфальт йўлдан гизиллаб борарди. Ҳадемай Мирзачўлнинг тўнғичи — «Пахтаоролга» етиб келдик. Уз исмига монанд бу совхоздан олган таассуротимизни сўзсиз тавсифлаб битириш қийин... Бир шингил таъриф: совхоз маркази қирқ гектарлик боғ ичида бурканиб ётибди. Хўжаликда қирқ беш миллатдан иборат ўттиз минг аҳоли яшайди. Совхоз Ватанга йигирма минг тонна «оқ олтин» тортиқ қилади. Доҳиймиз Ленин совхозининг «Пахтаорол» деб номланишидан завқланган, қанчондир океанга айланади, деган экан.

ГУЛИСТОНЛИК МЕЪМОР УЙЛАРИ

Бу сокин шаҳарчага қоқ тушда етиб келдик. Гулистон!.. Бундан бошқа чиройли ном топиш қийин. Унинг рамиш маъноси ҳам бор. Утишда шаҳарчининг ўрни тўңайзор бўлган, Сарйоб деган чорвадорнинг моллари боцилган. У чўпонларни ёллайверган. Аста-секин улар ўтроқлашиб қолишган.

Бу ерда биринчи суҳбатлашган кишимиз — шаҳарнинг бош меъмоори Ботир Тошқўзиёв бўлди. Еш меъмор турли чизма ва лойиҳалар ичида кўмилиб ўтирарди. У бизни шаҳарнинг нуриллаган лойиҳаси билан таништирди. Узоқ гаплашдик. Менга лойиҳанинг ўзиданоқ шаҳарчининг қиёфаси янқол аён бўлиб қолди.

— Ботирнон, лойиҳа худди кўнглингиздагидайми? У сизга ёқадими? — дедим ниҳоят мен.

— Нима десам экан? Масаланинг ҳаммавақт бира «лекин» бор. Ҳозир шаҳарларни, умуман, уй-жойларни бугунги куннинг талабларига мос қилиб қуриш муаммоси ҳамма жойда кўндаланг турибди. Бунга Иттифоқ миёсидидаги муаммо дейиш мумкин. Қолаверса, Мирзачўл воҳасида уй-жойлар қуриш масаласида бошқа-ча мулоҳазам бор. Сиз нўрган Киров канали келгусида шаҳарнинг ноқ ўртасидан ўтади. Заводлар четроққа кўчирилади. Ҳйебонларга

кунпроц майдон эжратилади. Булар ҳаммаси яхши. Лекин уйлارнинг кун қаватли бўлиши ерли аҳолининг турмуш йўсинига тўғри келмайди. Яна бу ерларда сув ерининг юзасига яқин. Кўпгина лойиҳалар уша жойнинг табиати ҳисобга олинмай тузилади-да! Яқинда бухоролик ҳаммасим Элтузар Қўзаев билан шу тўғрида бахслашиб қолдим. Барибир, фикримиз бир жойдан чиқди. Республика давлат лойиҳалаш тақшилотининг жойларда филиаллари бўлса эди... Лойиҳа тузувчи жойларда яшаб кўрмаса, кишиларнинг хоҳиш-истагини, майлларини ҳисобга олмас, рельеф ва иқлим хусусиятларини ўрганмаса, ўзингиздан қолар гап йўқ, нима бўлади? Уша Элтузар дўстимнинг фикрича, ҳатто баъзи меъморлар илмий иш қилиб олган лойиҳасини аввал кўриб кўрсатсин, унда истиқомат қила бошлаганларнинг ўзлари ҳам меъморнинг ишига баҳо беришин.

Менга ёш меъморнинг бу куюнчақлиги ёқиб қолди. Бу ерда сўз фақат шаҳарлар қурилиши хусусида бораётгани йўқ, албатта. У ҳар бир посёнка, ҳар бир қишлоқнинг бундан кейинги қиёфаси ҳақида қайғурмоқда. Мен унинг фикрларини қаниб кўришга ҳаракат қилдим. Биздаги одатни, ҳонадонларни кўз ўнгингизга келтиринг-а. Серфарзанд, тўй-ҳашамга иштироб, нақш-безакка майл қўйган оналар кўп бўлади. Чақалоқнинг нафтиден ерлари бўлган тақдирда ҳам уруғ, гул кучати қадашлади. Лоп этиб эсимга «Ленинград» колхозининг раиси Қўйбоқар ака Синдоровнинг айтган лўқмаси эсимга тушди: «Минжозларига ёқди». Бу гапнинг боиси бор экан.

— Баъзи совхозларда тақриба учун турар жойлар қуришибди,— дедим мен.

— Ҳа,— деди мийғида кулиб у,— ҳовлиси бор, икки қаватли. Уша ҳам қарияларга ёқмабди. Ун еттинчи совхоздамикан... бир қариядан сўрашибди: «Қалай, уй-жой кўнглингизга ёқдими?», деб. «Ҳа, дурустликка дуруст-ку-л, болохонасига бурноғи йили бирров чиққан эдим», дебди уша чол. Ҳар холда тақриба учун хилма-хил уй-жойларни кўриб кўриш керак. Менинчча, уша чолга устки қаватдаги хоналар ёқмаган, зинапоси эса ниҳоят тик қўйилган.

Урни келганда архитектор айтмаган бир нарсани эслатиб ўтмоқчимиз. Мирзачўлда қурилган талайгина тўрт қаватли биноларни совхоз ишчилари ташлаб чиқиб, ўзлари бошқача ҳовли-жой кўриб олишган. Ҳамма бало кўпгина лойиҳаларнинг маҳаллий шартини ҳисобга олмай, марказий шаҳарларда тузилаётганига экан. Меъморнинг айтишича, тагин бир ишнал белга тепади. Қурилиш ташкилотларида маблаг масаласида анча тортишув бўлади. Натинжада лойиҳанинг асл қиёфаси тамом ўзгаради. Айниқса, унинг эстетик ниҳатлари эътибордан қолиб кетади.

Ботир Тошқўзиев тўла-тўқис ҳақ эди. Балки бошқа меъморлар ҳам худди шундай фикрда-дилар. Ахир, бошқа муаммолар олдига бу ҳеч гап эмас-ку! Тап-тақир чўлу биебонга ҳам жон киргизган одамларнинг иродаси-ку. Эрта-

ми, нечмин диди а монанд кошоналар қурилади, албатта.

Мен бунини Гулнстон бош архитекторининг режа ва уйларида кўрдим.

ЧўЛ ГАРНИЗОНИ

Агар таъбир жоиз бўлса, Мирзачўл қурилиш бошқармасини чўл гарнизони, мислсиз истеҳком дейиш мумкин. Бошқарма жуда катта кудратли техникага эга. У чўл билан курашда чиниқмоқда. Икки илмий текшириш институти бошқарма буюртмаларининг лойиҳаларини тайёрлайди, янги механизмлар кашф этади. Техника бошқармасининг бошлиғи Геннадий Николаевич Бастиев бир йилнинг ўзига уч хил янги техникага эга бўлишганини фахр билан гапириб берди:

— Бетон ётқизадиган ва сизот сувларни ҳайдайдиган машиналаримиз иш берапти. Яна бир роторли экскаваторнинг чизмасини тайёрлаб қўйдик. У бетон ётқишдан олдин ариқни биратўла тозалай олади.

Геннадий Николаевич билан Мирзачўлнинг харитасини кўздан кечирдим. Ҳаёт барқ урган Мирзачўлнинг ҳали сўнгисиз чўллар уртасидаги мовий оронни эслатади.

— Эҳ-ҳе, қадам етмаган чўллар уфқ билан туташиб кетибди-ку!— дедим мен ҳайрат билан.

— Ҳа, чекни йўқ!— Геннадий Николаевич қўлидаги чизғич билан кўнғир доғларни кўрсата кетди.— Мана буларга эътибор берайсизми? Бўм-бўш етган жойларнинг ҳаммаси ҳисобимиздан бир нарра ўтган. Мана шу рақамлар исмисиз совхозларнинг белгиси. Унлаб совхозлар барпо этилади. Эндиги совхозларнинг пахта майдони беш-олти минг гектардан ошмайди. Катта-катта совхозларни бошқариш бирмунча ўнғайсизлик туғдирапти. Ун минг гектар экин майдони бор совхозларни бўлиб юбориш ниятимиз бор.— Уйга толган Геннадий Николаевич кутилмаганда:— Узоқ истиқболларимиз ҳақида эшитилди,— деб қолди.

— Ҳа,— дедим мен,— лекин батафсилроқ эшитсан ёмон бўлмасди.

Дарҳақиқат, Бастиев айтганидан келгусидаги режалар кишини ҳаяжонлантирмай қўймайди. Бир кунмас-бир кун Обь, Иртиш, Енисей дарёлари Урта Осиёни чулбаб олади. Биргина Мирзачўлнинг ўзига 15—20 йил ичида 1 миллион гектар ер ўзлашади. Мана бу рақамлар магзини қаққан икки ҳаёт мантиқи шунга олиб келишига қатъий ишонлади. Совет Иттифоқида суғориладиган ер майдони 10,3 миллион гектар. Қозоғистон ва Урта Осиё республикаларида эса ҳали ўзлаштирилмаган унумдор ерлар 20 миллион гектардан зиёд. Тўғри, бу эзгу ният бугун туғилмаган. Юз йил бурун Я. Демченко деган олим Сибирь дарёларини Урта Осиёга буриш лойиҳасини тузган эди. Совет кишининг ишироати, кудрати, зановати бунини амалга оширади.

Сўхбатимиз мавзун келиб Орлга тақалди.

— Ород қисмати бизнинг чўлуварларни ҳам қизиқтиради. Кейинги мулоҳазалар анча

адолатли... Сибирь дарёлари Урта Осиё саҳрларида мажланмагунча, Сир, Аму Оролни тари этмаслиги керак.

— Ҳақиқатан ҳам Оролнинг Мирзачўлга даҳли бор. Бир пайтлар Урта Осиёни негзан Юлиус Фучик шундай деган эди: «... Бу саховатли денгиздир. Унинг тепасида инсонга мўл ҳосил ваъда қиладиган, сахро гилҳларига ҳаёт сувини пурақайдиган умид булутлари сузиб юрибди».

«Чўл гарнизони»нинг музейини томоша қилдим. Бошқарма Мирзачўлнинг ёш тарихини яратмоқда. Ҳа, кечаги кун эрта учун тарих бўлиб қолмоқда. Бу фикр Янғиер шаҳрини кезаётганда яна бир марта ҳавлга келди. Атиги ўн икки йил муқаддам Янғиерден саноят шаҳаридан ному нишон йўқ эди. Ҳатто машҳур ёзувчи Константин Симонов бир неча кун қодирда яшаган эди. Чўлуварлар эсимга атаган асарини у шундай бошлаган эди: «...Йўлда эса майда кум заррачалари, чаңг-тўзон гирдибод бўлиб айланади. Айланадиро сўнгра уфққа бориб кўринмай кетади».

Энди эса саноят шаҳарчасининг қалби ту-ну кун бедор тепиб турибди. Кўрнма доврақтарлар эса томларга куюқ соя ташлайди ва енгил япроқлар майин шовуллайти.

ЯЙЛОВ СУРУИ

Йўл Зомин яйловларига олиб кетди. «Қизил чорвадор» совхозининг ана-уна Эгамбердиевлар ўтарига юрибмиз. Сурув-сурув қўй-кўзилар ҳали ковнираб улгурмаган ўт-ўландан беш кўтармайди. Улар кенг яйловга сочилиб ётган сон-саносиз кўзумунчоққа ўхшайди.

Ҳамроҳимиз — зооветеринария врачни Хайрулла Абдувалиев ака-уналар ҳақида гапириб берди.

— Қизқч бўлган...— деди у.— Ҳамма усмирлар мантабни тамомлаб, шаҳарга қтланиб қолишди. Ана-уналарга ҳам жон кирди. Икки-ла ўғли чамадон харид қилганини сезган Эгамназар отанинг боши қотди. Бир кунни ота ўғилларига таваннал қилиб, бундай дебди: «Хўш, мен етмишга кирдим. Икновлон шаҳар кетар бўлсанг, қўйлар қаровисиз қолади-ку!» болалар ҳам бунг келишмабди. «Шунча ўқиб, қўй боқамизми?», дейишдиби улар. «Бўлмасам-чи,— дебди оталари,— мен хат танимай ҳам қўй бондим. Энди сенлар ўқиб, қўй боқсанлар, ҳа!» Эгамназар ота ишнинг кўзини билиб гапирган экан. Уша йиллари совхозда чорвачилиқ қисқа курси бор эди. Эгамназар отанинг рағбати билан Олтиш ва Йўлдош шу курсни битириб чиқишди. Қарабисизки, ҳозир улар қўзиларни эмлашади, сунъий қоңирчи техникани билишади, жўнини сифатларга акратяшади. Ҳозир чўпон-чўлиқ дегани сурув ордин таёқ кўтариб юради, дегани эмас-да.

Хайрулла ананинг мароғли ҳикоясидан завқландим. Афсуски, бундай ёшлар жуда кам. Область партия комитетидаги уртоқларни ташвишга солаётган масалалардан бири ҳам шу экан. Биз, ёшлар калдан-кам ҳоллардагина қишлоқда қолишади, деб эшитган эдим. Мен

бу саволни яна Хайрулла ананинг ўзига ташлади.

— Бунинг қандайдир сабаблари бор,— ўйчан жавоб берди у.— Аввало, мактаб билан деярли алоқа қилмаймиз. Ваъзи муаллимлар эса ота насбига меҳр уйғотишга унча ҳаракат қилмайдилар. Узингиз биласиз, ўсимир йигит-қизларда романтика зўр бўлади. Улар не-не ниётлар билан шаҳарга талпинишади. Холбуки, бир ўринга ўн киши тўғри келса, илонсиз ўндан тўнғиз йигит-қиз институтга киролмайди. Ҳаммаси ҳисобли. Кейин нима бўлади, дегн? Ҳалиги йигитлар қишлоққа қайтишга ор қилишади... У ён-бу ёнда ишлаб қолишади ё беқор юришади. Менинчга, болаларни ўқишга йўллашга ҳўжалик раҳбарлари билан район халқ маорифи бўлими аралашса дуруст бўларди. Иложи бўлса, колхоз-совхозларнинг ўзида турли касб-ҳунар ўргатадиган курсларни кўпайтириш керак.

... Кўш чўл уфига олов гардишини тиради. Осмон сурма тусини олганда изимизга қайтди. Йўл-йўлакай сермулоҳаза ветарачнинг суҳбатини тинглаб борардим.

— Айтмоқчи,— дел сўз бошлади у,— Ленин орденли чўпон отамизнинг фарзандлари анча таъриба орттиришди. Бу йил улар чорвачилик таърибасида илк марта бир совлиқда икки қўзини боқишга қолдирди. Ахир, бунга ҳам озми-кўпми ўқиганлари нўл келган-да. Ўғилларнинг бу экспериментига Эгамназар ота Маамашев ҳам қўйил қолганини сир тутмади.

Сўзимизни ҳамроҳимиз журналист Нуъмон Мирзаев бўлди:

— Хайрулла ака, мана бу тўйимли хашан бўладими?— деди тиззага уриб турган ўтга ишора қилиб.

— Қилқонни сўраласизми? Йўқ, бу офат. Унинг қилмишидан хабардор бўлмаган одам бунга ҳавас билан қарайди. Қилтиги қўзичоқларнинг қулогидан кириб, миёсига чиқади. Охири уларни нобуд қилади. Ҳалон бўлган бир қанча қўзичоқларнинг миёсидан шу қилқон қилтигини топиб олганман. Ҳайдатиб ташласанг, яйловсиз қоласан. Авваллари Қишлоқ ҳўжалик министрлигида яйловлар шароитини яхшилаш ва сув билан таъминлаш бўйича шуғулланувчи бўлим бўлар эди. Ҳозир негадир тугатиб юборилган. Уз ҳолига ташлаб қўйилган жуда катта яйловларимиз бор. Уларда аллақачонлароқ маданий ўтлар ўстира бошлашимиз керак эди.

Мен ўйга толдим. Қадамда бирор бир масалага, янгиликка дуч келсан. «Малин» совхозини ва «Ленинград» колхозини эса икки зотдор сизир яратишган. Бундай серсут сизирлар чўлнинг некин иқлимига чидамли ҳамда чўл гиёҳлари билан озиқланади. Балки буни одамларнинг яратувчилини найфияти таъозо қилар. Балки ер янгидир, ернинг ҳал бўлмаган жумбоқлари нўп. Балки одамлар янгидир, улар ер сирларини ўрганишга ҳамиша муштоқ. Балки ерга одамларнинг муносабати янгичадир. Шунинг учун ерга илм нўзи билан қарайдилар.

ТОҒ УСТИДА БОҒ

Увабсой ҳақида эшитганим бор. Оромгоҳ жой, дейишган эди. Жиззах район партия комитетининг ходими Назирнон Баранаев ҳам қўларда-қўймай, бизни Увабсойга бошлаб кетди:

— Сирдарёнинг бир чеккаси Қизилқум бўлса, бир чеккаси боғи эрам бўлиб кетган тоғ,— деди у.— Урмон ҳўжалигининг иши билан ҳам танишинглар-да.

Жиззах Урмон ҳўжалигининг директорини Убайдулла Қаюмов бизга йўл-йўлакай ишлари ҳақида ҳиноя қилиб берди. Адирдан-адирга, сойдан-сойга ўтиб борардим. Тоғ бағрига кирган сайин адирлар ҳўсн талашарди.

— Увабсойликлар лалминор колхозларга кўчиб тушишгандан кейин бу ерларнинг таровати кетиб қолган эди,— дейди Убайдулла ака,— тўрт-беш йил ичида аслига қайтардим.

Нечга яқин сойнинг бошига етиб бордим. Юнсан тепалиқдан тоғ этакларидаги боққа суқланиб қараймиз. Одамнинг нигоҳи тўймайди сира. Убайдулла аканинг ҳисобича, қаровсиз қолган сойни атиги санкиз оиланинг кучи билан яшнатишган. Ҳар йили чўлга 1 миллион арча, олма, нон, олхўри, теран, туғ, қайрағоч, кинор кўчатлари егназиб беришар экан. Қирда 367 гектарли боғ яратишган. Бу йил яна юз гектарча жойга— энг тик қирга кўчат экишмоқчи эмиш. Шарқироқ сойдан ҳеч сув ари-



Кечагина тақир ерда қад ростлаган Янгбер Мирзачўлнинг саноат марнази бўлиб қолди.
А. ГОРОКРИК фотоси.



Оби ҳаёт табассуми.

А. ГОРОКРИК фотоси.



Қатра суд—инну...

Э. ПЕНСОН фотоси

ВАРРАК ВА ОЛИМ

Баҳор.

Қир елкаси.

Улар тиззадан.

Қалбидан ювилиб дунё ташвиши,
Осмонни бир нафас қўймай кўзидан,
Варрак учиради мўйсифид киши.

Болалигин қўмсаб, шаҳар уйдан
Делага келибди нуруний олим.
Маст бўлиб баҳорнинг пола тўйдан,
Кувонч бодасига кўкси лиммо-лим.

Варрак шох ташлайди булут остида,
Ажинли юзларда табассум чўғи.
Ахир у, фазони очиб қасдида,
Талай ишлар қилган устод, доврўқли.

Йўғон ўнинчи ип чийралган ғалтак
Сўнгги қатилгача тортилмиш кўкка.
Бургут даврасида ғувулар варрак,
Олим хаёллари чорлаб буюкка.

Пастда «Волга» турар. Чодир ёнида
Шоғирдлар майкачан шахмат суради.
Боланик тўлқини жушиб қонида,
Олим еллар билан суҳбат қуради.

Одам гўдақликча қайтаркан... яъни,
Варрак бир кўприқдир унга ташланган.
Зотан, юлдузларни забт этиш фани
Варрак учиршдан бошланган.

И Л М

Бошимни эгаман

илм қаршисида,
Йигирманчи аср — илм замони.
Уммон долғасидек, ҳар қалқшида
Шифтдай яқин қилар ҳатто самони.

Кўп нарсалар аниқ, кўп муаммо ҳал,
Аттор кўтисидай очилди борлиқ.
Дурбинлар учиди Зухрою Зуҳал,
Қанча мўъжизалар у билан боғлиқ.



Еринг қалбин тиглар;

олис юлдузинг

Феълү атворини ўқайди зумда.
Оташ қирраларин кашф этиб музинг,
Олтин ундиради азалий қумда.

Ҳар нарсага қодир.

Шиддатли ақл

Пишиқ кўтаради андозасини.
Фирқлар ёришиб мисоли қақин,
Очар тилсимотлар даврозасини.

Бу куч уюшмоғи тенгсиз бир ҳикмат,
Оламини лаҳзада ўрайди ҳикмат.
Аммо, ёвузликча қилса у зулмат,
Ерни айлантлар бир сиқим кулга.

БУХЕНВАЛЬД

Веймар ёнидадир машўм Бухенвальд.
Бир вақтлар оромгоҳ бўлган бу хилват.
Бир пайтлар Гётега бахш этиб илҳом,
Санъату музаалар барқ урган эҳром
Ажал қорқонаси бўлиб ишлади,
Ёнди йигирманчи аср кишилари!

АФСОНА КЕЧГАН ЙУЛЛАРДА

Мирзачўлнинг жануби. Бу йуллар сизга нўх-
на тарихдан ривоят ўқийди. Машинамиз Жиз-
захдан Тузон сари елиб бормоқда. Хайлимдан
мозий бир лаҳза чуваланиб ўтади.

Оби ҳаётнинг ноизбаси беш минг йиллар
бурун одамларни Санғор ёқаларига қўшлаб
келган. Уч ярим минг йил аввал бу ерларда
қалайига мис қўшиб тунж (бронза) олишган.
Усрушон давлатининг икки пойтахти —
Шаҳристон ва Бунжиентен ҳақида араб сайёҳ-
лари ёзиб кетишган. Улар бу ерларнинг боғу
бўстонларини ўз кўзлари билан кўрганлар,
Сарин дарёсидан сув ичганлар.

Ҳозир ўша икки пойтахт ер остидан топил-
ди. Мўғул боққинчилари гуллаган бу водийни
ер билан яқсон қилган эдилар. Уратепа, Жиз-
зах, Ховос, Зомин, ўша пайтлари Усрушон
салтанатига кирган.

Мирзачўлни юрганларига Улугбекнинг ҳам,
Навойнинг ҳам юракларни увишиб нетган
бўлса керак. Ушанда Улугбек ҳозирги чаман-
ни орзу қилган бўлса, Навоий эзу умидларини
«Ҳаёт қонуни» рисоласида баён этган.
Ҳатто ҳўлгар сув чиқариш режаларини хомчўт
қилиб кўрган.

XVI асрда Бухоро амири Абдуллахон Тун-
тортар канални қаздиради, Зарафшон сувини
Бенобод чўлларига чиқармоқчи бўлади... Жиз-
зах яқинида сув омбори барпо қилади. Жиз-

Панжара зшиндан қўяман қадам,
Жунжикиб кетади даҳшатдан бадан.
Мудҳиш манзаралар кўзни қирқади,
Дилга титроқ солар олам хилқати.
Бу — одам териси, одам сочи — бу!
Гўдак кулгисини ёққан печи — бу!

Тўхта, бир нафасга идрок эт бунн,
Бу — тарих эмасдир, бало қуёни.
Боқаман қону ёш оққан тупроққа,
Марҳумлар фарёди урар қўлоққа.
Тош қотган умидлар, пайхон орзулар
Қалбим дафтарига қон-ла ёзилар.

Йўқ! Уларга йиғлаш бугун ҳожатмас,
Азиз руҳларини ёдда тутсақ бас.
Улар тирикларни ўйлайди аммо,
Дейди: «Ер кўксига эсмасин вабо.
Ақлга гафлатни йўлатмангиз ҳеч,
Шунда, биродарлар, биз ўхлаймиз тинч».

Қайдадир урчиқди фашист вориси,
Бухенвальдлар эмиш малкам-дориси,
Ваҳму саросина ичра кечалар
Улар тузишдаи қабиҳ режалар,
Дўзах яратибди ўнгу сўлида:
Гоҳ Абу зьябалда, гоҳо Сонгмида!

— Огоҳ бўлинг! — дейди Бухенвальд бонги,
Ҳазин нола каби янграб оҳанги,
Вьетнам ерида кезаё бир шарпа,
Қолдириб қонли из, қонли кул тепа.
Ҳаёт қувончидан баҳраманд дамлар
Буларни унутманг, азиз одамлар!

Бугун қирқ баҳорни қаршилаб дилдан,
Қирқ ёш зинасида турибман дадил.
Пушаймоним йўқдир ўтган ҳар йилдан,
Кўшиқларим бўлгай сўзимга нафил.

Балки камдир булар,

балки жуда оз,
Нуқсонлардан холи эмасдир балким.
«Кулгига қожади чиранганда гоъз»,
Қўлидан келганча айтади ҳар ким.

Аммо умид-орзу мўлдор қалбимда,
Фирқлар, хаёллар чарх урар тўл-тўл.
Ҳали «бош китобим» турар олдинда,
Ҳали илҳом билан сирлашамиз кўп.

мас энам. Чунки Увабсойнинг бошидаги 5 минг
гектарлик арчозор ўзида керагича қат-қат қор
қатламларини сақлаб тураркан.

Урмон хўжалигидагилар озгина ишчи кучи
билан шунча боғ барпо қилишга мўлсаар бў-
лишибди. Бу ташаббусни бутун республикага
ёйса бўлади.

Деҳқон ўз меҳнатининг қадрига етади. Чўл-
да битта навиҳол ўстирган деҳқон уни қан-
дай авайлашни, ардоқлашни билади. Тоғ ади-
рлари ва сойларидидаги яшил бойлиқни ҳам қи-
зонлардир деҳқоннинг ўзи яратган эди-ку!
Бундай дов-дарактга бурканган сой-адирлар
ўлкамизда мингларча. Тоғлиларнинг лалми-
кор ерларда ўтроқлашиб қўлиши сабабли сой-
лардаги хазина озми-кўпми завол топди. Лекин
мен ҳозир шундай хўжасалиқнинг барҳам
топганини Увабсой мисолида кўриб турибман.
Урмон хўжалиги ходимларининг табиатга му-
ҳаббатни туфайли тоғлар яна асл фазийни насб
этмоқда. Аниқ замонда улар бутун Мирзачўл-
га кўчат улашиб, чўлга ҳўси, нўрн бағишла-
моқдалар.

Қайтишимизда директор кўнглида тугиб
қўйган энг сўнгги мулоҳазасини айтиб қолди:
— Бизга қўлса ҳамма сойларни Увабсойда-
қа қилгимиз йелади. Қўлимизда етарли техни-
камиз бор. Афсуски, ҳамма сойлар ихтиври-
мизга ўтмаган. Морғузлар, Ардоқшон, Огажон,
Уқим, Кўрпасой, Сайхон, Ҳаёт, Тоқчасой, Те-
шиндара, Олтовузой... эҳче, санасан жуда
кўп. Ҳаммаси ҳам сувга мўл сойлар. Бир ча-
тоқлиғи шундани, у сойлар қайсидир ноҳоз
ё совхозга тегишли. Уларни ёлчитиб қарашол-
майди. Ахир, пахтадан кўллари бўшамаса,
кўздан йироқ бўлса... Хуллас, сой ушаларининг
измида-да.

Ҳа, Убаёдулла ананинг ҳақини талаби қони-
қтирилиши керак. Улар нимага қодир эканини-

зах — Туркистон йўллари устида сардобалар
қурдиради. Унинг бу хайрли ишлари замон
заули билан эъзиз барҳам еб хотди.

... Мана, тарих тасбеҳини ўғириб, Тузонга
яқинлаб қўлибмиз. Унгу сўлда кумуш ховур
жимирлайди. Рўпарада сўз Тузон чайналиб
турибди. Харитадан тангачаллик жойини эгала-
ган бу ўлнинг ҳудуди нўзга чалинамас эди.
Ҳамроҳларим менинг ажабланаётганимни се-
зишдим:

— Чордара ҳавзасидан сув қочган, — дея
жавоб беришди. — Ойдор яйловларигача сув
босган. Чоран миллион кўйини ўша сер ўт
яйловдан бошча жойга кўчиришди.

— Ха, эсимга тушди, — дедим мен. — Мир-
зачўл қурилиш бошқармасида Геннадий Нико-
лаевич, Ойдор шўрхон ййловида сунъий ден-
гиз яратилади, деган эди.

— Унгача ҳазилламан яйловлар ишдан чи-
қмайди ҳали, — деб эътироз билдирди Назиржон.

Даровче, бунн йўлба кўриш керак. Менингча,
Мирзачўл қурилиш бошқармасидаги ўр-
тоқлар бунга бир синаб кўриш учун йўл
қўйишганга ўхшайди. Бари бир, Чордарода
тўпланган ҳисобсиз сувни сақлаб турган маъ-
кул.


Сафаримиз тугаган манзилда узоқ-узоқларга
тинилдимиз.

Ортимизда камалан бўлмайдиган яйлов-
лар назаридада ҳарсиллаб ётибди. Обгимиз
остида сўз беповин локувард орол... Беором
сув қирғоқини тўхтовсиз ҳайпайди. Оролдан
нарида сўз Қизилқум саҳроси. Бир кунмас-бир
кун сув дед ҳансираб ётган бу чўлни «Оби
ҳаёт-маликаси» деб атаймиз.

Аминимизи, бу ерлар кўлларга ошиён ула-
шади.

Мурод ХИДИРОВ,

«Тулистон»нинг махсус муҳбири.



Умумхалқ зарбдор курилиши Сирдарё ГРЭСи шу лойиҳадан қад кўтаради.

ЭЛЛИК БЕШ «ФАРҲОД»ГА ТЕНГ

Халқ аввало афсоналар ва уларнинг қаҳрамонларини яратади. Булар халқнинг юксак орзулари эди. Асрлар ўтди, замонлар ўзгарди. Афсоналар ҳақиқатга айланди, орзу рўёбга чиқди, халқ эса яна ҳам дадил орзуларнинг ўлмас ижодкори бўлиб қолаверади. Меҳнатнаш чўлқувларни бугун ҳақли равишда замон Фарҳодлари деймиз. Отапаримиз оловли йилларда Фарҳод жасорати билан Урта Осиёда энг йирик электростанция — Фарҳод ГЭСини бунёд этдилар. Мана неча йилдирки, қудратли нурхона хизматимизда.

Бугун эса янги авлод, 70 йиллар «Фарҳод»и — Сирдарё ГРЭСини яратишга бел боғлади. Бу ГРЭС — эллик беш «Фарҳод» кучини муҳассам этган, дунёда энг йирик нурхона бўлади.

Бу улкан қурилишнинг бошланганига уч йил бўлди. Шунгача бу жойлар тақир шўрхок ер эди. Энди эса равон йўллар, қатор ишлаб чиқариш корхоналари, «Фарҳод»нинг ён бағридаги Ширин шаҳрининг юксак бинолари кишини ҳайратга солади.

Шу йилнинг бошида Партия ва Ҳукуматимиз ГРЭС қурилишини жадаллаштириш ҳақида қарор қабул қилди. Сирдарё ГРЭСи умумхалқ зарбдор курилиши, деб эълон қилинди, кўтлуг ишга кўллаб ёшлар кела бошлади. Нурхонанинг асосий корпуси пойдевориغا улуғ Ленин юз йиллиги кўни даст-

лабки бетон ётқизилди. Бу чўл тарихида катта байрам эди. Бугун халқ майдонга чиқди. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қурувчи Тўхтасин ака Жўрабеков, халқимизнинг қадимий ўдумига кўра, пойдеворга биринчи гишт ётқизди.

Ҳозир қурилишда бетон қоримаси ортган машиналар тиним билмайди. Экскаватор ва кўтәрма кранлар кеча-кундуз ҳаракатда. Кўп ўтмай ГРЭСнинг 180 метрли басавлат мўрилари қад кўтаради. Унинг биринчи навбати йилга 7,5 миллиард киловатт-соат, иккинчи навбати эса 28 миллиард киловатт-соат электр қуввати ишлаб чиқаради. Фақат иккинчи навбатнинг ўзигина машҳур Норак ГЭСига нисбатан икки баробар қудратлидир. ГРЭС лойиҳасининг бош инженери Григорий Петрович Зисерман айтганидек, ҳақиқатан ҳам бу улкан станцияга унча-мунча агрегатлар бардош беролмайди. Унга қозонларни Таганрог, турбиналарни Харьков, трансформаторларни Запорожье корхоналари тайёрлаб беради.

Станция Бухоро гази билан ишлайди ва энг арзон электр қуввати беради. Жаҳоннинг энг йирик нурхонаси чўли гуллар водийсига айланттиради, элимизни, ҳаётимизни меҳнат нури билан чароғон қилади.

Раҳмон МАМАТҚУЛОВ



«Пахтаорол» деганимизда кўз ўнгимида Алесандр Семёнович Орловнинг ўлмас сиймоси намойи бўлади. Кун сайин яшнавётган Мирзачўлни гулистонга айлантиришда бу меҳнат қахрамонининг хизматлари чиндан ҳам беқиёс бўлган. У В. И. Лениннинг чўлни ўзлаштириш ҳақидаги тарихий Декретини амалга ошириш учун енг шимарган биринчи коммунистлардан эди. Бутун умрини совет халқининг фаровонлиги йўлига бағишлаган, ичкинагина «Пахтаорол» совхозини сертармоқли улкан ҳўжалина айлантиришда тиним билмай тер тўккан Алесандр Семёновичнинг меҳнатини партия ва ҳукуматимиз юксак баҳолаб, кўша-кўша ордено ва медаллар, Социалистик Меҳнат Қахрамони деган юксак унвон билан таъдирлади.

ОТАСИНИНГ БОЛАСИ

ОЧЕРК

Кўп қатори Қорабой Нуров ҳам ташвишга тушиб қолди. Сўлим Форишни, шўх сойларни, мағрур тоғларни ташлаб, Сирдарёнинг сувини эндигина эма бошлаган чўлу биёбонга нетадиган бўлди. Қарори қатъий бўлса-да, ёш болаларини ўйлаб, булар оғир шароитга кўнишиарминан, деб иккиланарди.

Бирга кетаётган ҳамқишлоқларининг ҳаммаси ҳам ували-жували. Улар аллақачон отланиб бўлишди. Ҳар ким ҳам ўз аҳдига амал қила биллиши керак. Элдан қолган эр бўлмас, дейдилар. Боради! Фарзандлари бўлса чўл ҳавосига кўнишиб нетар. Туз-насиба вағнага нелса, деҳқон ҳар ердан ҳам ризини топиб ейди... Лекин неча йиллик меҳнат билан яшнатган боғи, ҳамқишлоқларининг ҳожатини чиқариб турган, не ма-шаққатлар билан кўрган тегирмони нима бўлади?

Қорабой ана меваси шигил олма соясида ўтириб, нимаси биландир чорлаётган келанганини — чўлдаги ҳаётни ҳар томонлама ўйлаб кўрди. Ярим соатча шу алфозда ўтиргач, шартта ўрнидан турди-да, шахдам уйга кирди:

— Онаси, тугунларингни тугавер, қани...

Омон онаси қақир-қуқурларини маъюс йиғиштираётганини, кўзларини яширишга ҳаранат қилаётганини кўрдию, етти яшар бола, нима гаплигига тушунолмади. Сабабини нейнроқ, қий-чув билан Сирдарёга жўнаётганларида билди.

Эртасиёқ отаси Қорабой ака хотмонини елмасига ташлаб далага чиқиб нетди. Омон ўзини қаёққа уришини, нима билан шуғулланишини билолмай қолди. Салимсоқни эслаб нетди. У яхши қишлоқ эди. Қадам сари янги манзара, тегирмон нокидан келаватган шарқироқ сувни томоша қилса буларди. Бу ер-чи? Яйдоқ сайхонлиқ. Одам зеринади. Қаердадир шу атрофда ишлаётган отасини кўргиси келиб қолди. Тезроқ натта бўлса эди, унинг ёнига тушиб ишларди. Зеринмасди ҳам...

Омон отасини жонидан яхши кўради. Бу ерларга ҳам отасини кўзи қиймаганидан келган. Қишлоғини қанча соғинмасин, бу ерга келиб қолганликларидан ўқинмас эди. У даладан қайтган дадасининг ҳам чарчоқ, ҳам шодлик ақс этган кўзларида мамнуният аломатларини кўради. Аммо отасининг кўзларидаги совинч нурлари узоқ порламади.

1941 йил... Омоннинг акаси фронтга нетди. Шу кетганча на хат, на хабар нелди. Ота қадди бунилиб қолди, шунда ҳам ҳар кунни далада.

Чўлга кетаётганинда тўсатдан сув, пахта, ҳаёт борлигини кўриб қолган пайтингдаги ҳис-туйғуларининг изҳор этишиг жуда қийин. Қақраб ётган ўлкани қисқа бир тарихий муддат ичиде шу қадар ўзгартариш мумкин эканига ҳатто ишонинг келмайди.

Петер ВАЙДА,
венгер журналисти

Биз Мирзачўлда сув иншоотларининг шу қадар кенг миқёсда куриллаётганидан гоёат ҳайратдамиз. Бу ерда ўз кўзимиз билан кўриб, шунга ишонч ҳосил қилдикки, Совет Иттифоқи ҳамма фан ютуқларини тинчлик муаммоларини ҳал этишга қаратмоқда... Мен Мирзачўлни халқаро лаборатория, деб атайман. Бу лабораторияда ниманки кўрган бўлсак,

ҳаммаси учун Совет ҳукуматига ва Ўзбекистон ҳукуматига миннатдорчилик билдирамай.

Профессор ВАН ДОН БЕРГ,
(Голландия)

Бу район ўз сукунати, шароитининг но-боллигига билан асрлар давомида одамлар кўнглига ваҳима солиб келган эди. Бугун эса биз бу ерда янги шаҳарларни, кўркам қишлоқларни, гуллаб турган боғ ва далаларни, гиламдек тўшалган яшил пахтазорларни кўриб турибмиз. Табиати бўйсундирувчиларининг тинч меҳнатини кўриб гоёат хурсанд бўлдик.

Б. МАЙТЧАК,
Польша матбуот агентлигининг вакиди.
Г. СТОЯНОВ,
Болгария телеграф агентлигининг мухбири

МЕҲМОНЛАРИМИЗ

СЎЗЛАЙДИ

Илгаригидан кўра кўпроқ ишласа ҳам, дастурхондаги ноннинг чўғи намайиб қолди. Баъзида очдан-оч ётишга тўғри келлади. Бундай незларда Омоннинг кўз олдига яна ўз қишлоғи, тегиримон чархпалакдек айланаверарди. Шунда кўзига гилт-гилт ёш кўринарди.

Уруш сабаб бўлдимки, ёни бирдан улгайиб қолдимки, ҳар қалай, Омоннинг болалиги ана шу хотира, шу кўз ёшлари билан тугади. У тезроқ отасининг ёнига тушиши, унга суюнчиқ бўлишни ўйлаб қолди.

Шу-шу Омон чўл жиловини кўлига олди. Мана ўттиз йилки у чўл қувади.

Нуровлар «Малик» совхозига келганида уруш охирлаб қолган эди. Далада тракторлар жуда камайиб кетган, ер яна от, хўкин билан ҳай-далайтган вақтлар... Энди ун тўртга кирган Омон ҳам катталар билан тенг иш қиларди. Берилган вазифани ўз вақтида бажаришга улгурарди ҳам. Отасидан қўриб кетмон уришининг маъини олган, ўтоқ вақтида бирон туп кўчати нобуд қилмас эди. Совхозда тезорлиги, сифатли иши билан танила бошлаган, мажлисларда номи оғиздан тушмай қолган Омонга масъулиятли иш топширилади. Уни дўнглик партов ерни ўзлаштириш фикрида бўлган Жавод Кўчмевга ёрдамчи қилиб қўйишди.

Бамаслаҳат ишни сув чиқаришдан бошлашди. Ерни ҳайдаб, ариқ қазишди. Уруғ сочишди. Омон оқшомлари уйига қайтар эман, кирза этиги ерга чиппа ёпишиб қолгудек судралар, оёқларини зўр-базўр кўтариб борар эди.

Ҳайрият, шунчалки тиришиб ишлагани бекор кетмади, экилган шолидан яхшигина ҳосил йиғиб олишди, кўнгли тоғдек ўсди.

Бир йил бугдой, бошқа йил арга, кейинги йили яна шולי экиб, муттасил мўл-кўл ҳосил олдлар. Меҳнат гаштини суриб, Омон «Малик» совхозига олти йил тер тўнди, ўсмирлиги шу совхоз ерларига сингиб кетгандек бўлди. Лекин Омон болалиги ўтиб кетганидан ўнинмас, ақинсиз, ҳар йили ютулган билан, ҳали ҳеч учрамаган қийинчиликни даф этиш билан ўтганидан қувонар эди...

Элигинчи йилларнинг бошларида уларнинг оиласи «Пахтаорол» совхозига кўчди. Қорабой ана ўзини анча олдириб қўйган, лекин даладан бери келмас эди. Омон ҳар қанча уринса-да, отасини дам олиб ҳузур-ҳаловатда юришга кўндирилмади. Уйлай-уйлай шундай бир режа топди. Кечкурун овқатланиб бўлгач, отасига яқинроқ сурилиб, оҳиста гап бошлади:

— Ота, шу ёшгача ер тирнаб келганингиз етар...

Омон сўзларини мўлжалга етказмасданоқ, ота чўрт кесди:

— Нима, мени қариб қолди, деб уйлаялсанми? Йўқ, ҳали белимда қувватим бор, болам. Ўз ҳақини ишлаб қўйган бўлсам, энди юрагимдаги дардимни, анагинангининг доғини ювиш учун ишлайман.

— Дада, гапини эшитинг. Демончманки, мен тракторни ўргансам, биттасини беришса — сиз учун, анам учун, ўзим учун, яна бошқалар учун ҳам меҳнат қилаверардим. Ахир сиз нетмонда дала негзанингиздан, трактор миниб эинини парвардирлаган минг марта яхши-ку!

— Майли, хунар ўргансанг ўргангину аммо мен бари бир ўз ишимни қилавераман.

Сўхбат узилди. Қорабой ана чамалаб кўрди, ҳақиқатан ҳам Омоннинг касб ўргангани маъқул. Трактор унга ўхшаган олтимш-етмиш кишининг ишини қилиб қўяди. Анчадан бери тиннасиз кўриб юрибди. Дам олса олибди-да. Ҳаммасидан Омон ота насбин ер нафасидан гул олиш сеҳрини аллақачон билиб олгани яхши бўлди. Ҳар ҳолда бошлаган ишини ўз фарзанди давом эттиради.

Омон бу хунарга «Малик»далигидаёқ қизикиб қолган, ҳар замонда узотдан патиллаб ўтадиган трактор ортидан анчагача термуларди. «Пахтаорол»да бу ҳавас яна алаангалади. Тракторчиларга эргашиб юриб, касб эгаллади. Кейинроқ механизаторлар курсида ўрганганларини янада пухталаб олди. Трактор миниб, далага тушган дастлабки кунлари Қорабой ота ўғлидан анча хурсанд бўлди. Дам олиб юриб бир оз тетиниллашди. Лекин қариб қолганида орттирган дарди қайтмади. 1957 йилда вафот этди.

Шундан кейин Омон бор меҳрини отаси яшнатган ерларга бағишлади, ота йўлини маррага етказиш учун шижоат кўрсатди. Астойдил ишлаши тугайли совхоз бошқармаси уни комплекс механизациялашган зveno раҳбарлигига лойиқ топди.

Бизни «Пахтаорол»нинг III бўлими раҳбари Закулла Нафталиев кутиб олди. Омон Нуровни сўроқлаб келганимизни эшитиш биланоқ билан банд экан. Тракторни ёнгинимизга олиб келиб қўхтатди.

— Омоннинг кўли гул,— деди Нафталиев,— культиваторини кўринглар, ҳар қайси тиг тепасига янги пластинка ўрнатган. Унинг хизмати нимада дейсизми? Хизмати шундани, илгари культивация вақтида сурилган несақлар нимжон гўзаларни эзиб нобуд қиларди. Энди ёш гўза бу фалокатдан холи...

— Мақтовнинг ҳам кифтини келтирасиз-а, бу оддий мосламани ҳар бир механизатор ҳам ўйлаб топиши мумкин. Ўз меҳнатини енгиллаштириши, эл фаровонлигини ўйласа бас. Янгилик чиқаверади,— деди Омон ака.

Омон ака биз билан сўрашдию тушга ошхонага келишини айтиб, тракторини яна ҳайдаб кетди. Салқин ҳиббонга ўтиб Нафталиев билан гурунглашди. Ҳа, чўлда ҳиббон бор! Ҳиббонда ошхона, болалар боғчаси, бўлим идораси, турар жой. Совхоз марказини ҳам, бўлимлар атрофини ҳам ўрмочор дейсиз...

— Кўринг-а, энди чўл деган ном бизнинг ерларга мос келмай қолди,— дейди ҳозиргина келган Омон ака пешона терини арта туриб.— Жойларимизнинг обод шаҳардан кам ери йўқ. Мана ўзимдан мисол: икки йил бўлди, янги уйга кўчиб кирдик. Овқатимиз ҳам газда бўлади. Бундан ташқари, эси куйда эканимизда самолёт дори пураганда узотдан бўлса ҳамни, ҳиди димоңца келиб турарди. Энди яхши, турар жойларимиз четда, ҳамма кулай шароит яратилган. Э-эс бўлса-да, Салимсоғни хотирлайман, ҳозирги жойимиз қишлоғимиздан қолишмайди, ишонаверинг.

Омон ака ҳикоя қиларкан, кўзларида қувонч барқ урарди. Фахрланмай бўладими, чўлнинг ўзини шаҳардан, чўл боғларининг ўрмондан фарқ қилиб бўлмайдиган даражага етишида унинг, ҳатто фарзандларининг ҳам меҳнати бор-да!

Рафиқаси Норбиби Омон акага ҳамма ишда кўмақдош. Улар далага барабар чиқиб, барабар қайтишади. Гўдақлари болалар боғчасида, катталари мантабда ўқийди. Маржон, Шарофат бўш вақтларида оталарига ёрдам беришади. Ўз кучига, техникага, дўстларининг, оиласининг ёрдамига ишонган Омон Нуров бу йил 72 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 29 ўрнига 32 центнердан «оқ олтин» топшироқчи.

Ҳар йили ҳам, мўлжалдагидан кўп пахта топширишга ваъда берганида, унга «ўз жонингни ноийтапсан», деб ачинувчилар ҳам бўлади. Лекин Омон ана битта-яримта умидсизларнинг гапларига парво қилмайди. Аҳдиннинг устидан чиқишга доимо ишончи қомил.

Кўшга кўпдан ошна, унинг тафтида пишган, унинг ҳарорати билан улкан хирмон нўтарган Омон ака тоғ билан далага жўнади. Дала бўйлаб бораркан, кимдир изидан келаётганини, унга етолмай талпинлаётганини сезмас эди.

Машинага миндию моторни гуриллатиб юборди. Қулоқларига узотдан:

— Дада-а!.. Дада-а!.. деган товуш эшитилгандек бўлди. Олдинига бунни мотор гувурига йўйди. Бир оздан кейин чақирғи яна такорланди. Кабинадан бошини чиқариб орқага қаради. Кенжатоий Хушвақт машина ортидан пилдираб келарди.

— Ҳар кунни мен уйғонмай нетаркансиз-да! Бугун билиб қолдим. Энди мен сиз билан бирга тураман!

Ота беш яшар ўғлини тиззасига оларкан, ўзининг бу чўлга келган дастлабки кунларини эслаб жилмайиб қўйди.

Тўхтамурад БАҲРОМОВ

Сиз бу ерни чўл леяписиз, чўлдан бу ерда асар ҳам қолмапти-ку!

Профессор ШЛИХТИНГ.
(Германия Федератив Республикаси)

Шуни сиз қизиқки, бу ерлар Бразилиянинг шарқи-шимолдаги ерларни эслатади, у ерларда ҳам сув етишмайди, улар ҳам унумдор ерлар. Афсуски, Бразилиянинг шарқи-шимолдаги ерларни обод қилиш ҳали ҳеч кимнинг эсига келган эмас. Мирзачўли бахт ва фаровонлик ўлкасига айлантиришга мўлжалланган катта режани кўрдим. Бунни ўз ватандошларимга албатта гапириб бераман.

Жозе МОНДЕВ,
Бразилия журналисти

Мирзачўл — ҳақиқатан ҳам гигант қурилиш-дир. Иш кўлами жиҳатидан бунга ўхшаш қурилиш бутун дунёда йўқ.

Ф. ЛЯМУР,
Франция ер тузиш миллий компаниясининг президенти


Бизнинг ҳамма мутахассисларимиз Урта Осиё ирригаторларининг тажрибаси билан жуда қизиқиб танишдилар. Бу тажриба, жумладан, катта ирригация ишлари олиб бораётган Югославия учун ҳам фойдали бўлгани мумкин. Мирзачўлдаги янги ерларни ўзлаштириш лойиҳаси билан, сув манбаларидан рационал фойдаланиш соҳасида Ўзбекистон мутахассислари ишлаб чиққан усуллар билан

танишиб, кўпгина фойдали нарсаларни ўрганиб олдим.

Павли ШУМАНОВЕЦ,
югославиялик ирригатор

Инсон қодир бўлмаган иш йўқ. У истаган нарсасини бунёд этаолади... Ҳозирги Мирзачўл бу фикрнинг ёрқин далилидир.

Со МИНЬ И,
Бирма революцион кенгашининг аъзоси



РЕСПУБЛИКА СУВ ХУЖАЛИГИ ХАРИТАСИ.

- Фойдаланишга топширилган сув омборлари.
- ▲ Янги қурилаган сув омборлари.

ЎЗБЕКИСТОН ДЕНГИЗЛАРИ

СУВ УЧУН

Ташналикда — томчи сув — олмосдан қиммат. Олам сув билан мунавардир. Қуёшли ўлкамизнинг гўзаллиги сув билан, қадимий деҳқончилигимизнинг олтин фонди ҳам сув. Аммо ўтмишда сув танқислиги бобокалон деҳқонларга энг катта офат эди. Албатта, у замонларда ҳам дарёлар тўлиб-тошиб оққан. Уша вақтларда ҳам Ўрта Осиё дарёларидан оққан 110 миллиард кубометр сувнинг 73,3 миллиарди Амударёга, 34,1 миллиарди Сирдарёга тўғри келарди. Лекин табиат инъом этган бу бойлик беҳуда оқиб, нафи кам тегарди. Бунинг устига беаёв тошқинлар тез-тез бўлиб турарди. Баҳорда қирғоқларигача тошган дарёларнинг сув ёз ойларида тагида жилдираб оқарди. Ҳа, дарёлар бўйида сувга зор эдик.

Тўғри, илгерилари ҳам халқимизнинг минг йиллик тажрибасини шурига сингирган доно мироблар геодезия асбобларисиз, лойиҳа ўрнига чамалаш билан, қўл кучи билан сув иншоотлари қурганлар. Ҳашар билан қавланган минг-минглаб ҳовузларнинг суви аҳоли истеъмолига аранг етарди...

Ариқлардаги сув бой ва минг-бошиларнинг бог-роғига оқиб, деҳқон ва чорикорнинг экинни заирамадан жизғанага чиқарди...

Булар ҳақида ўйларканман, кўз ўнгимда Ўзбекистонимизнинг шу кунлардаги гигант гидроиншоотлари, улкан сув омборлари намоён бўлади. Ўрта Осиёда миллиардер гидрроиншоотлар барпо этилаётганини кўриб тўлқинланади киши. Мана улардан тўрттагинани:

Тўхтағул — 19 миллиард.

Норак — 10 миллиард.

Туямуён — 7,8 миллиард.

Чорвоқ — 2 миллиард.

Булардан тўнғичи бўлган Тўхтағул гидроиншоотида шу қадар кўп сув тўпланадики, сунъий эмас, чинакам табиий денгиз бўлади! ГЭС тўғонининг баландлиги 230 метр — эллик қаватли уйга

Улуғ Онябрь революциясигача Ўзбекистонда биттагина суғориш системаси бўлса, ҳозир 900 тадан ортиди.

Шу кунларда узунлиги 100 минг километрга тенг — 24 мингта гидроиншоот ва 20 та йирик канал магистралларида оби ҳаёт оқмоқда.

В. И. Ленин имзо чеккан тарихий Декретда Туркистонда суғориш ишларига 50 миллион сўм ҳаржлаш назарда тутилган эди.

Республикаимизда сув хўжалиги қурилишига 1967 йилда 351,3 миллион сўм сарфланган бўлса, бу йилга 629,3 миллион сўм планлаштирилди.

Туямуён гидроиншооти қурилиши учун давлатимиз 314,7 миллион сўм ажратди. Бу объектда 110 миллион кубометр тупроқ қазилди, 1 миллион 300 кубометр бетон ва темирбетон ишлари амалга оширилади. 85 минг квадрат метр уй-жой қурилади.

Туямуён гидроиншооти ишга тушгач 140 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» етиштириш мумкин бўлади. Хоразмда 120 минг гектар ерин суғориш ишлари яхшиланади, Қорақалпоғистонда 25 минг гектар янги ер ўзлаштирилади.

Яқин йилларда республикаимизда 1 миллион гектар янги ер ўзлаштиришдек улкан вазифа турибди.

тенг. Бу улкан иншоот денгиз сатҳидан 1300 метр баландликда қурилмоқда. Соатига ўн беш километр тезликда оқадиган Норин жилволанмоқда. ГЭС қуввати бир миллион 200 минг киловатт-соатга тенг бўлади.

ГЭС қардош Қирғизистонга ва Фарғона водийсига нур беради. Унинг тўғонидан ҳатто энг қурғоқчилик йиллари ҳам бир миллион гектар экинзорга сув тараш мумкин. Урта Осиёда энг катта сув ва нур манбаи қурилишида ҳозир барча халқларимиз фарзандлари астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Партия ва Ҳукуматимиз Ўрта Осиё республикаларида сув иншоотлари қуриш ишларига йил сайин эътиборни кучайтирмоқда.

«КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг Туямуён гидроузели қурилиши ҳақида қарор қабул қилганлиги, — дейилади Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Амударёда Туямуён гидроузели қурилиши ҳақида» деб чиқарган Қарориди, — Ўрта Осиё республикаларида пахтачиликни янада ривожлантириш ҳамда меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш юзасидан кўрсатиб келинаётган — доимий ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди».

Кампирравот дарасида қурилаган Андижон сув омбори тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1969 йил октябрь ойида алоҳида қарори чиқди.

ОБИ ҲАЁТ ХАЗИНАЛАРИ

Ҳозир Ўзбекистонда 2 миллион 700 минг гектарга яқин суғориладиган экин майдони бор. 1 миллион 600 минг гектар ерда эса «оқ олтин» етиштирилади.

Республикаимиз пахтачилик бўйича ҳозир Европада биринчи жаҳонда иккинчи ўринда. Яқин йилларда АҚШни орқада қолдириб, пахта етиштиришда дунёда биринчи ўринни эгаллашдек жиддий вазифа турибди. Бизда кўп-кўп сув иншоотлари қурилишининг боиси ҳам шунда. Ҳозир асов дарёларга терак бўйи тўғонлар қурилмоқда, беҳуда оққан сувлар саҳроларга бурилмоқда. Аму билан Сир жилволанди, кўп-кўп сув омборлари барпо этилди. Ўзбекистон ССР сув хўжалиги тармоқлари харитасига қарасак, ажойиб манзарани кўраемиз: Андижон, Қарқидон, Жанубий Сурхон, Каттақўрғон, Пачкамар, Толимаржон, Қосонсой, Чимкўрғон, Туямуён, Чодақсой, Сўх, Говасой, Ҳисор, Уқчиқил, Лўқилқўл... бу мовий шокосалар йигирмадан ортади.

Яхшиси, келинг, томчида қуёш

акс этганидек, шулардан бири ҳақида сўзлайлик.

* * *

Икки томони Ҳисор тоғлари билан ўралган — Пачкамар сув омборида 260 миллион кубометр сув, тарам-тарам тўлқинлар қува-лашиб, қирғоққа интилади...

Бош тўғоннинг баландлиги 75 метр, бу иншоот қурилишига 17 миллион сўм сарфланган. Сув омборининг қурилиш сабаби: Ғуздор дарёсида апрель, май ойларида секундида ўн беш кубометр сув оқарди; ёз ойларида авжи сув зарур бўлган вақтларда уч кубометрга тушиб қоларди, дарёнинг бу беқарорлиги деҳқончиликка кочи зарар эди. Энди бўлса, сув омборидан қайси ойда қанча сув керак бўлса олиш мумкин. Кейинги йилларда бу районда пахта ҳосилдорлиги 12 центнердан 30 центнерга кўтарилди. Экин майдони 5 мингдан 20 минг гектарга етди. Колхозчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 68 сўм эди, ҳозир 168 сўмданга тўғри келяпти. Булар ҳаммаси сув омборининг шарофати.

Ҳозир республикада бундай сув омборларидан ўн биттаси фойдаланишга топширилган. Каттақўрғон сув омборида 900 миллион, Жанубий Сурхонда 800, Чимқўрғонда 500, Қуйимозор сув омборида 300 миллион... Ўзбекистон денгизларининг жаммасида 3 миллиард 600 миллион кубометр сув бор. Биргина Сурхон сув омборининг ўзи 52 минг гектар янги ерда мўл-кўл ҳосил етиштиришга, Каркидоннинг ўзи 40 минг гектар экинни қондириб сугоришга етади. Аммо бўлажак денгизлари анор десак, булар унинг доласидек бўлиб қолади.

АНДИЖОН ДЕНГИЗИ

Сув сизими 1 миллиард 750 миллион кубометрга етадиган Андижон денгизи — Ўзбекистон территориясидаги сув омборларининг энг каттаси бўлади. Бош тўғоннинг баландлиги 115 метр,

буни қуриш учун 4 миллион кубометр бетон кетади...

Бу сув манбаи ишга туширилгач, Ўзбекистон территориясида 257 минг гектар экинга сув кўйиш ва 23 минг гектар қўриқ ер ўзлаштиришга имкон туғилади. Қардош Қирғизистон территориясида 159 минг гектар ер гуллаб-яшнайдими, 21 минг гектар қўриқ ер очилади. Андижон ва Фарғона областларида ҳар йили қўшимча 100 минг тонна пахта, 75 минг тонна сабазавот ва полиз маҳсулотлари, 150 минг тонна мева олиш мумкин бўлади.


Бундай сув хазинаси Қорадарё соҳилида қурилмоқда. 1975 йилда биринчи навбати ишга туширилиб, дастлаб 900 миллион кубометр сув йиғилади.

Ўзбекистон бағрида Туямуён, Тўдакўл, Толимаржон, Чор дарёдан ташқари гигант Чорвоқ сув омбори барпо этилмоқдаки, унга икки миллиард кубометр сув тўпланади. Бу — Чирчик, Оҳангарон, Калас районларида 430 минг гектар ерни қондириб сугоришга етиб ортади. Қорақалпоғистондаги Тахиташ сув омборининг суви билан эса қўшимча 49 минг гектар янги ер ўзлаштирилади.

Республикемининг ўндан ортиқ сув омборларида қурилиш ишлари давом этмоқда. Бу иншоотлар ишига 4,5 мингта ер қазичи, 4 минг 100 та йўл қуриш машиналари, 29 мингта трактор, 225 кўчма электростанция, юзлаб мутахассис-инженерлар, юз минглаб ишчилар сафарбар этилган.

Яқин келажакда Ўзбекистон денгизларининг умумий сув ҳажми 12—15 миллиард кубометрга етади. Пахтаси олтинга тенг, серунум тупроғида жамики ноз-неъматлар етиладиган қуёшли ўлкамизда оби ҳаёт хазиналари тобора кўпаймоқда. Ўзбекистон зилот денгизлари лиммо-лим, яшил камар каналлари шарқираб оққан ажиб бир диёрга айланмоқда.

Бекмирза МАҲМУДОВ



Чордарага яқиндагина чим ташланган эди. Бугун у уммон...
А. ГОРОКРИК фотоси.

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА



* * *

Қизғиш ёнар уфқини кунгиралари,
Қизғиш нур остида олма гуллайдими.
Олча гулдин ўпиб ўтаркан нари,
Онам мўл ҳосил ва омад тилайдими.
Баҳорнинг бўйидан мен ҳам бўлиб маст,
Гул ҳамда онамни ўпаман бир-бир.
Улар менга мангу берилган эмас,
Онам ҳам, олча ҳам ганимат, ахир.
Умр овчисин бир кун ўқ отар лоқайд,
Менинг оҳ-воҳимга у қўлоқ солмас.
Балки ўрта ёшга етарман у пайт,
Эҳтимол, озғинда бир тишим қолмас;
Билмайман, билмадим... Аммо ушбу дам
Мени кўнка отар қувонч қўллари.
Жондан ортиқ менга бу кўнча олам —
Оқ соч онам, қизғиш олча гуллари...

* * *

Неча йилки, ўт босиб кетди
Висол боғин сўқмоқларини,
Унутмоққа балки вақт етди
Севгининг илк чақмоқларини.
Нукта қўймоқ керақдир балки
У ҳақдаги хаёлларга ҳам...
Аммо юрак денгиздай қалқир,
Изтироб ҳам топмас ҳеч бархам.
Бир антика, ширин хотирот
Зирқиратар танин беомон.
Унга мутлоқ умидсизлик ёт,
Чорлар у бахт манзили томон.
Майли, бу тун кезсам-да сарсон,
Тиркилик — бахт! Умидларим мўл;
Тонг оқарар, уфқим чароғон,
Бахт манзили томон элтар йўл.

* * *

Хушчақчақ тутамиз ўзни, албатта,
Бахтли кўримоқни ўйлаб ёт аро.
Кулугга ошномиз; аммо хилватда
Уртаниб-ўртаниб қўямиз танҳо.
Сархушлик ҳақида очамиз биз гап,
Атайин, ҳаттоки оғир ғамда ҳам.
Табассум тафтида эриб кетар лаб
Кўзларда анчик ёш қалқан дамда ҳам.
Кўнгил дардларин сир тутмоқ бўламиз,
Зардобли азобин ҳисобламасдан...
Ҳа, баъзан кўзда ёш билан қуламиз.
Дўстга меҳрдану душманга қасддан.

ЁМҒИР ЭЗИБ ЁҒАР

Серажин чеҳрага ёмғир томади,
Хаёлот отлари учар олмай тин.
Хаёлда қачондир келган омади...
Ва ўйлар неча бор ютказганлигин.
Қалин умр китобин қўриб варақлар,
Эт қочган муштини иякка тираб.
Серавқ ёшлигини кўнгил сўроқлар...
Қалб! Қийнама уни бунчалар сўраб!
Ёмғир машшоқлардай авжин тезлатар...
Чол каби, менинг ҳам туйғуларим мўл.
Менга ёмғир танҳо сени эслатар,
Сенинг ўйларингки сўзламоқда ул.

* * *

Ҳамон альбомингдан расмим боқармиш,
Отармиш у сенга таъна тошларин.
Кўзларингдан юм-юм ёшлар оқармиш
Ҳар қайта кўрғанда... Армон ёшлари...
Илк ишқ дамларини эслар эмишсан,
Кечиролмасмишсан ўзингни ҳамон.
Сирдошингга ошкор сўзлар эмишсан
Қушдай талпинишинг ҳамон мен томон.
Не бахт бу, иккимиз бирга бўлганда,
Мағрур кўзларингда кўрмагандим нам.
Айрилиқ, дард жони лим-лим тўлганда,
Сен қон йиғлаясан... Ёмоннас бу ҳам...
Энди у кўшиқлар бўлгандир охир,
Нурама, деб ёлбор сабр тошига.
Мен эса хушбақтман... Расмиани, ахир,
Ҳар кун ювармишсан кўзинг ёшига.

Мирзаҷул бағрида биринчи олий таълим ўчоғи — Фафур Гулом номидаги Давлат педагогика институти бу йил кўзда тўртинчи ўқув йилига қадам қўяди.

Ҳали тетапо бу илм масканида 2 мингга яқин йигит-қиз, ўттиз миллатнинг фарзанди билан олмақда. Шундан қарийб икки ҳиссаси институтнинг кундузги бўлимида. Қолган қисми эса институтнинг сиртки бўлимида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таҳсил кўрмоқда.

Институтнинг барпо этилиши Мирзаҷул ерларини ўзлаштириш ва обод қилиш борасида партия ва ҳукуматимиз томонидан изчиллик билан оlib борилаётган кундалик сибсатинг ва меҳнаткашларга қилинаётган ғамхўрликнинг самарасидир. Бу даргоҳда таҳсил кўраётган йигит-қизларнинг кўпчилиги қўриқ ерларни ўзлаштираётган ишчи ва деҳқонларнинг фарзандлари.

Институт ёш бўлса-да, унинг филология, рус тили ва адабиёти, чет тиллар, физика ва математика — тўртта мустақил факультети бор. Бу факультетларда етти-саккиз ихтисос бўйича му-

Бу йил институтимиз йўланмаси билан бир йўла 14 киши махсус аспирантурага ва 16 киши тадқиқотчиликка жўнатилмоқда.

Улуғ сана бўлган 1970 йил институтимиз учун ҳам тўй ва тантаналар, катта ютуқлар йилдир. Шу йилнинг баҳорида институтимиз бадий ҳаваскорлик тўғрисида фаол қатнашган ўн икки йигит-қиз «Республика Ленин комсомол мукофоти лауреати» деган шарафли унвонга сазовор бўлди. Шу воқеадан бир оз вақт ўтгач, институтимиз коллективи ўқув-ўқитув ва ташкилий-жамоатчилик соҳасида эришган муваффақиятлари учун ЎзКП область партия комитети, меҳнаткашлар депутатлари область иқроия комитети ва касаба союзлари область комитетининг Эсдалик байроғи ва Эсдалик ёрликлари билан тақдирланди. Номин институтимизга берилган сеvimли шоиримиз Фафур Гулом Ленин мукофоти билан тақдирланди.

Институтнинг биринчи катта тўйи — ўзининг илк қалдирғочларини илм ва маърифатга ташна бўлган қўриқ областимиз районларига узатиши

МИРЗАЌУЛ ИНСТИТУТИ

таҳассислар тайёрланади. Масалан, филология факультетида ўзбек тили ва адабиёти, қозоқ тили ва адабиёти, тарих ва география фанлари бўйича олий маълумотли педагог кадрлар етиштирилади. Чет тиллар факультетини эса инглиз ва немис тиллари бўйича ўзбек, қозоқ ва рус мактабларида дарс берадиган ўқитувчилар битириб чиқади.

Рус тили ва адабиёти факультетида таълим олаётган студентларнинг асосий қисми маҳаллий миллатларнинг фарзандлари. Улар институтни тугатгач, ўзбек, қозоқ, киргиз мактабларида рус тили ва адабиётдан дарс бера оладилар.

Институтимизнинг 14 кафедрасида 112 ўқитувчи ишлайди. Шулардан ийгиримага яқини илмий даражали ва унвонли мутахассислардир. Тарих фанлари кандидати, доцент С. Жизинхўжаев, техника фанлари кандидати доцент Қ. Бойбўтаев, инглиз тили мутахассиси, доцент И. Галин, филология фанлари кандидатлари Ю. Абдувалиев, Р. Сарсенбаев, А. Ражабий, физкультура ўқитувчиси доцент О. Ушаков, география фанлари кандидати Ҳ. Абдуллаев институтимизнинг тажрибали ва малакали ўқитувчиларидирлар.

ҳам шу санага тўғри келди ва тўй устига тўй бўлиб кетди. Мирзаҷулнинг сахий бағрида бунёдга келган илм даргоҳи бу йил илк бор тўрт ихтисос бўйича 180 дан зиёд тўнғич фарзандини ишлаб чиқаришга узатмоқда.

Институтимизнинг истиқболи янада ёрқинроқ. Областиимиз маркази Гулистонда фан ўчоғимизнинг янги биноси қурилади. Шаҳарнинг шарқий қисмида ўқув ва тажриба майдони учун 72 гектар ер ажратилган. Янги бионинг лойиҳаси Москва шаҳридаги олий мактабларни лойиҳалаштириш институти томонидан ўтган йили тузилган. Ана шу муҳташам бино битгандан кейин институтимиз толиби илмларининг сони кундузги бўлимида икки-уч минг, сиртки бўлимида бир ярим — икки мингга етади. Факультетларнинг сони эса тўққиз-ўнга боради. Унга қадар кимё-биология, педагогика, физкультура факультетлари ва аспирантура ташкил этилади.

Х. ДОНИЁРОВ,

Фафур Гулом номидаги Сирдарё Давлат педагогика институтининг ректори



Бу истироҳат боғида чўлнинг нафасини сезмайсиз.

Э. ПЕНСОН фотоси.

САҲРО

ДЕЙДИКИ...

I

— Минг йиллар беиш эдим,
Бўронга емлиш эдим,
Туганмас армон эдим,
Карахт, бедармон эдим.
Тақир сахро,
Ҳақир сахро,
Хунуқ сахро,
Сўник сахро,
Борса-келмас,
Шафқат билмас
Дард-ғамли сахро эдим,
Аламли сахро эдим!

II

Ўзимдаи эс-ҳушим,
Унгимми бу, ё тушим!
Кезиб юргувчи — ким бу,
Чизиб юргувчи — ким бу!
Бунча тетик қадами,
Бунча оловли дами!
Паҳлавондек сиёқи,
Қайдан етди оёғи!
Дайди еллар, шошмангиз,
Шошиб, ҳаддан ошмангиз!
Гувилламанг, эшитай,
Увилламанг, эшитай.


III

Гувиллаган не бўлди,
Шовуллаган не бўлди!
О, сув — сулу! Жон-ку бу,
Жон, сийнамга қон-ку бу!
Кўпдан кутганим ўша,
Обдон кутганим ўша!
«Оқ олтин» — майин пахта,
Хирмони тайин пахта,
Атиргул, жамбил, райхон —
Ҳиди анқир бир жаҳон!
Сувнинг сафарин кўриб,
Шону зафарин кўриб,
Увлашин қўйди бўрон,
Қувлашин қўйди тўзон!

IV

Бағримни кезган ўғлон,
Кўнглимини сезган ўғлон!
Илтимиос: қайга борсанг,
Зухра, хоҳ Ойга борсанг,
Чўлда меҳнат завқли, де,
Унда ҳаёт шавқли, де,
Унда минг-минг чироқ, де,
Бахт — унда, мунг — яироқ, дел
Уста пахтакорга айт,
Шоир, бастакорга айт,
Ғайрати жўшиб келсин,
Сир каби тошиб келсин!
Ўзинг бўл карвонбошим,
Ўзинг бўл чўл кўёшим!
Бор ҳазинам топирай,
Кўзларини шоширай!
Эр юракли нор келсин,
Қалбада ўти бор келсин!

Жиззах



МИРЗАЧҮЛДА ДОҲИЙ МАҚБАРАСИ

1924 йил январдаги оғир жудолликдан олам парзага келди — бутун дунё меҳнаткашларининг устози ва йулбошчиси Владимир Ильич Ленин вафот этди. Эндигина кўрагига шамол тегиб қаддини ростлаб келаётган Мирзачўл деҳқонлари ҳам бу айрилиқдан оғир изтироб чекдилар. Улар ҳар қадамда, ҳар дақиқада Ильичдан маъад ва илҳом олиб турардилар. Мана энди улуг инсоннинг қалби уришдан тўхтади. Ана шу нарса кишиларнинг юрагини эзар, садоқат билан тўлиб-тошган диллар Ильич хотирасини абадийлаштиришни истар эди.

Шу истак билан собиқ Мирзачўл уезди аҳолисининг талай қисми митингга тўпланди. Митинг чўлда энг йирик канал ёқасида, Конногвардейск посёлкасида [ҳозирги «Красная заря» колхоз] бўлиб ўтди. Бу ерга тўпланган кишилар Ильични ҳамisha ўз ёнларида, ўз ораларида кўришни истар эдилар. Шу сабабдан улар улуг дохий хотирасига унинг мақбарасини ўрнатдилар. Зилол сув бўйида энг кўрак жойда бетондан қуйилган куббали мақбара қад кўтарди ва унга «Бутун дунё пролетариатининг дохийси Владимир Ильич Ленин. 1870—1924 йиллар» деган сўзлар ёзиб қўйилди.

Бундан тўрт-беш йил муқаддам дохий мақбарасини аҳоли гавжум жойга кўчиришга қарор қилинди. «Красная заря» колхоздаги ўрта мактаб боғ-ҳовлиси энг муносиб жой деб топилди. Ҳозир бу ёдгорлик афрофи кўрак гулзор.

С. СУЛТОНОВ

Жиззах Қурилиш материаллари комбинати биринчи маҳсулотини бера бошлаганига ўн йил тўлди. Утган йили корхонамизнинг ишлаб чиқарган маҳсулоти, бошқа республикаларга жўнатилган маҳсулотлар билан қўшиб ҳисоблаганда қарийб 120 минг квадрат метр ҳажмда уй-жой бинолари қуриш учун етарли бўлди.

Корхона фақат уй-жой қурилиши учун материаллар ишлаб чиқармайди. Қакроқ чўлга оби ҳаёт олиб бориладиган каналларга ётқизиш учун плиталар ҳам тайёрлайди. Бу иш тўрт йил аввал бошланган эди. Чўлда 1 миллион 580 минг квадрат метр канал ўзани берк тахталар билан қопланди.

Техника тарақиётини ошириш, технологияни такомиллаштириш, замонавий ускуналар билан қуролланган янги ишлаб чиқариш базаларини қуриш бўйича режаларимиз кўп. Яқин йилларда корхонада уй-жой қурилиш материаллари ва канал ўзанлари қопламалари учун темирбетон прокатларини ишлаб чиқариш яна оширилади.

Янги қаркас ишлаб чиқариш цехи қуриш ниятимиз бор. Бу эса гипсрокат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни яна 100 минг квадрат метрга оширади.

Корхона маъмурияти ишчи кучи танқислиги, мутахассис кадрлар тайёрлаш соҳасидаги қийинчиликларни деярли бартараф этди. Ҳозир мутахассислар тайёрлайдиган ўқув комбинати, ҳамда

Ҳозир полиэтилен сунъий денгизлар тубига ҳам тўшалмоқда. Бу эса жуда кўп сувни тежаб қолишга ёрдам беради. Яқинда Қирғизистондаги Тўрткўл сув омборининг тубига полиэтилен ётқизила бошланди. Ана шу ажойиб материални похташимиз Мосибадаги кимё заводи тайёрлаб бермоқда. Сув омборининг 650 гектар майдони полиэтилен билан қопланди. Сувнинг тупроққа сингиб кетишига қарши курашнинг бу усули Мирзачўлда нег қўлланилмоқда.

Бу суратда сиз полиэтилен қопламалари устидан темирбетон тахталари ётқизилаётганини кўриб турибсиз.

А. ГОРОКРИК фотоси.

политехникумга эгамиз. Унда юзлаб ёшларимиз ишлаб туриб ўқимокдалар.

Ихтирочиларимиз чўлқуварларнинг талабини ҳисоба олиб, янги лойиҳали уйлар учун маҳсулот ишлаб чиқаришни таклиф қилмоқдалар. Шунинг учун чўлқуварларга манзур бўлган ОПБС-4 ва ОПБС-5 серияли уйлар учун керак бўладиган деталларни кўплаб ишлаб чиқаришни мўлжалламоқда. Бу уйлар барча қўлайликларга эгадир.

Корхонамиз маҳсулот ишлаб чиқариш вазибаларини муттасил бажариб келмоқда. Лекин суръатни янада ошириш учун ҳалал бераётган муаммолар ҳамон учраб туради. Жумладан, йиллик қуввати 86,5 минг кубометр маҳсулот ишлаб чиқаришга тенг бўлган силикальцит заводлари учун ҳар йили 30—35 минг тонна оҳак талаб этилади. Бу эҳтиёж ҳар йили ош боради. Лекин биз бу оҳакни Жиззах оҳак заводидан эмас, Беҳобод цемент комбинатидан олаемиз. Биз Жиззах оҳак заводининг ишлаб чиқариш технологиясини корхонамиз талаб этадиган даражага мослаб туриш ҳақида Тошкентдаги Қурилиш материаллари илмий-текшириш институти билан алақачонлар шартнома тузганмиз. Афсуски, бир неча йилдан бери бунга эришолмаймиз. Бу ҳол иш суръатига ҳам, маҳсулот сифати ва танархига ҳам салбий таъсир кўрсатиб келмоқда.

Хом ашё манбаининг номуносиб жойда эканлиги керамзит маҳсулотлари ишлаб чиқаришга катта тўсқ бўлмоқда. Бундай маҳсулотни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган лой Каттакўрғон районида бўлишига қарамай, уни Жанубий Қозғистоннинг Дарвоза қарьеридан ташиб келамиз. Тазминотчиларнинг ҳўжасизлиги тўғрйли ҳар йили 15—16 минг тонна кам лой оламиз. Масофа эса икки ҳисса узоқ. Самарқанд уйсозлик комбинати фойдаланётган Каттакўрғон лой қарьерига темир йўл ўтказиш пайсалга солинмоқда.

Машаққат билан ишлаб чиқарилган маҳсулотни қурувчиларга бехатар етказиш зарур, албатта. Негадир Мирзачўл қурилиши бошқармасига қарашли 5—автоколонна машиналари силикальцит блоклари ва панелларини, гипсрокат ва темирбетон прокатларини ташигга яхши мосланмаган. Чўлга ҳужум шиддатли давом этаётган шу кўнларда олдимизда турган камчиликларни қанчалик тез бартараф қилсак, умумий ишимизда ўшанчалик олға кетамиз. Чунки бир ярим минглик ишчи коллективимиз ҳамisha фидокорона меҳнат қилиб келмоқда.

А. ХУДОЙБЕРДИЕВ,

Жиззах Қурилиш материаллари комбинати директорининг ўринбосари

**ЮТУҚЛАРИМИЗ
ВА
ТАШВИШЛАРИМИЗ**

ДИЛНИНГ

КАЛИТИ ТИЛДА

Мирзачўл термалари

Кўкда учган турналар
Янгиерга кўнгудай.
Дилимнинг равшанлиги
Октябрнинг тонгидай.

Белга тушган сочимнинг
Топим-топим ўрими.
Ҳаё, одоб қизларнинг
Кўркамлиги-кўрими.

Қизлар кўксига орден
Ярқирайди кўешдай,
Бири эмас, барининг
Жони элга туташдай.

Ғубор бўлмас, гард бўлмас,
Дарёларнинг тошида,
Бири қахрамон, бири
Улкан ишнинг бошида.

Олой тоғи тоғ экан,
Чор атрофи боғ экан.
Мирзачўлнинг ерларин
Чўл десам, гулбоғ экан.

Усган ерим Сир бўйи,
Оби ҳаёт, нур бўйи.
Тракторчи шер йигит,
Севгимиз ўмр бўйи.

Гул уздим бошқа-бошқа,
Борай деб қалам қошга.
Жоним, бўйи-бастингни
Алишмасман кўешга.


Сирдарёнинг йўли саз,
Йўлида ўйнайди ғоз.
Машинанинг мақтовин
Қанча айтсанг шунча оз.

Қир келса қиялатиб,
Ур келса ўрмалатиб,
Машинани бошқарар
Не қизлар гумбурлатиб.

Турна қатор ғўзалар
Сочларининг толидай,
овлаиб, барқ уриши
Толеч-иқболидай.

Буюк тоғнинг чўққиси
Булутдан ошиб турар.
Бўйқизларнинг кўксига
Орден ярашиб турар.

Тўпловчи Тўра СУЛАЙМОН



Меҳнатнинг роҳати.

А. ГОРОКРИК фотоси.

У М Р

Олқордай юксақда умрин ўтказган
Чолга дуч келдим сўрадим дарров:
— Эҳтимол, тоғларда увиллаб кезган
Куёнлар изидир сочдаги қирос!
— Эл қатори яшар тоғлик одам ҳам,
Бир олам меҳнату бир чимдим сайр;
Тош билан олишиб яшар дам-бадам,
Шунинг-чун тоғ халқи илдиздай чайир...

Ҳар томчи терида қуёш чўмилган,
Чуянранг кексадан сўрадим чўлда:
— Сарҳадсиз кумларда саксон йил елган
Умрингиз толиқиб қолгандир йўлда!
— Қуёш ёзиб қўймиш чўлда дастурхон,
Ҳар ким ҳар йўсинда терар ризқини.
Ёзининг офтобидан оташ олар қон.
Қишда офтоб этар чўлга ишқини.

Денгизнинг шўридан кийими қотган
Чолдан анқиб турар балиқнинг ҳўди:
— Шўр денгиздан ширин бахтини топган
Умр қандай ўтди!— десам, у деди:
— Балиқчи қисматин боғлар денгизга,
Бироқ балиқ бўлиб тўрга тушмас бахт.
Тўлқин қайтмагандай бир бошган изга,
Янги йўл излайди денгизчи ҳар вақт...

Т О Ў

— Ер бўл,— деди Тоққа Табиат,—
Гул, гиёҳнинг бўлгил онас!
— Юрамани чекиб азият,
Осмон бўлгум, келса хонаси.

Шундай, осмон бўлмоқ қасдида
Хаёл сурар Тоғ шўрлик ҳамон.
Аро йўлда қолиб, аслида,
На ер бўлди, на бўлди осмон...

МИНОРА

Ғишларига тенгдир йилларнинг сони,
Минора тўғибди азим хайкалдай.
У неча замонлар тинглар дунёни,
Дунё кўп ўзгарди тусин пайкалдай.
Чумолидай, унинг кўзи ўйгида,
Дардини орқалаб ўтди аждоқлар.
Замон беварқ эди, гунг ва тўнг эди,
Минордай буй чўзди кўнка фарёдлар...
Ўтди неча шоҳу гадо пушталари,
Утил билмас экан инсоний зако.
Инсоннинг тарих-ла терган ғишлари
Юлдузли осмонга бўлибди асо...

Т У Й

Тўй. Қовушди йигит билан қиз.
Ким шодликдан, ким шаробдан маст...
Тўйни она кўрмади, эсиз,
Шунча йиллар қилса-да хавас.
Тўй. Қовушди қиз билан ўғлон,
Қайта ёқиб она чирогини.
Битта гўша, битта дастурхон
Обод бўлди ўлкада тагин...

— Нима олиб келдинг ёруғ оламга
Юмуқ муштчаларда, эй жажжи гўдак!
— Яна кўпроқ бўлсин, дея, одамга
Шодлик олиб келдим айтгудек...

— Кўп яшаб, нималар олиб нетяпсан
Юмуқ кўзларингда, эй азиз одам!
— Мен-ла кета қолсин тирikka баъзан
Оғир тош бўлгучи нафрат ва алам...

Зомин

ТАБИАТ
ЗАВҚИ—
ШИФО

О дам ҳамма вақт табиат гўзаллиги
ни қадрлаб, ундан баҳраманд бў-
лишга интилиб келган. Даври-
мизнинг кишилари қадимий боғларнинг,
ёш хиёбонларнинг мафтундир. Биз
атри ва кўрки билан дилга ором бера-
диган қизил гулнинг шифобахш хусу-
сиятларини, кўзга даво бўладиган мо-
вий чечакларни, уйқусизликка барҳам
берадиган герань ва бошқа ажойиб я-
проқли гулларни биламиз.

Врач Н. И. Юрчонкиннинг кузатишича,
баъзи одамлар мажнунтол соясини ях-
ши кўрадилар. Бу уларнинг чарчаган-
лигидан, муайян бир асабий тебобли-
гидан дарак беради. Улар одатда маж-
нунтолни мақтайдилар, унга интилади-
лар, соясидо ўлтиргилари келади.

Баъзилар эса, мажнунтолнинг акси
бўлган, тикка ўсган сарв хиёбонларни,
терақзорларни ёқтирадилар. Бу — кўп-
роқ ланжликка мойил, руҳан сусткаш
одамларнинг табиатига ҳосидир.

Дарахтлари турли шаклларга солиб
тарашланган скверлар, декоратив ал-
леялар, сада, қайрағоч, мирза терак,
мажнунтол, сарв хиёбонлари одамга гў-
зал архитектура ансамбллари сингари
ажойиб эстетик таъсир кўрсатади. Гул-
зорлардаги табиий ранглар ҳам сайр
этувчилар учун анча катта аҳамиятга
эга: қизил ранг ҳишларни безовта қи-
лади, масофани кичрайтириб кўрсатади;
кўк ва мовий ранглар асабини тинчлан-
тиради, кўнгилга осойиш бағишлайди;
бинафша ранг, врачларнинг айтишича,
юррак томирларига ором беради, қора
ранг эса ғашга тегади.

Бизнинг ҳис-туйғуларимиз қисман
оҳанглардан озукаланса ҳам, асосан ман-
заралардан, кўз қувонишидан, кўриш
информациясидан озукаланади. Айниқса
сайр этувчи, дам олмоқчи бўлиб, шифо
излаб чиққан кишининг ички руҳий дун-
ёси асосан кўриш, сайр-томоша жойлари
озода, кўркам, осойишта, эстетик завқ
берадиган бўлиши керак. Шунинг учун
курорт паркларидо ёки дам олиш рай-
онларидагина эмас, шаҳар, қишлоқлар-
да, қорхона ва ҳовлиларда ҳам дарахт-
зорлар, боғлар, майсазор майдонлар,
зиллоқ ҳовузлар бўлиши саломатлик
учун, руҳий ва жисмоний тетиклик
учун жуда муҳим.

Ҳозир шаҳар-қишлоқларимизда очик
истироҳат парклари, хиёбонлар, гулзор-

лар кўпаймоқда, чинор, каштан, эман,
жўка (липа), кедр сингари шифоли,
серсоя ва тоза дарахтлар ўстирилмоқда.
Пойтахтимиз Тошкентда қад кўтарайтган
Ленин хиёбони, унда барпо этилаётган
турли минтақа декоратив боғлари бу-
нинг ажойиб намунасиدير. Наманган
боғларининг ташаббускор гулчилари-
нинг ажойиб ишларини ҳам бунга мисол
қилиб кўрсатиш мумкин.

Аммо, очигини айтиш керакки, бизда
бу соҳада ижодий ташаббус ҳали етар-
ли эмас. У кўпинча шаҳар истироҳат боғ-
лари доираси билан чегараланиб, кў-
чаларга, қорхона ҳовлиларига, маҳалла-
кўй, гузарларга етиб келмаяпти. Баъзи
жойларда эса, ҳатто аксинча, туппа-ту-
зук мавозор боғлар текислиниб ўрнига
иморат солинади, қурилиш жараёнида
нодир дарахтлар кесилди, зиллоқ ариқ-
лар кўмилиб кетади, янги кварталларни
кўкаламлаштириш жуда суст.

Архитектура табиий ландшафт билан
боғлаш ҳозирги шаҳар қурилишида
энг муҳим масала бўлиб турибди. Атроф,
яшаш шароити, одамни қуршоб
турган нарсалар унинг эстетик тарбияси-
гагина эмас, руҳий ҳолатига, иродаси
ва қобилиятларига ҳам таъсир этади.
Газеталар Американинг баъзи шаҳарла-
рида янги руҳий касаллик пайдо бўл-
ганини хабар қиладилар: одамлар бо-
лаликдан бери фақат банд иморатлар
орасида, қудуқда яшагандек, тиккада
осмоннинг бир парчасинигина кўриб
яшаганликлари учун, бориб-бориб кенг-
ликлардан, катта масофалардан, яшил
манзаралардан қўрқадиган бўлиб қоли-
шар экан.

Маълумки, архитектор Корбюзье ҳам
«келажак меъморчилиги»ни яратаман
деб муваффақиятсизликка учраган эди.
Унинг табиатдан узилган, жонсиз кос-
мик ранглар билан безатилган совуқ
лойихаларини одамлар рад қилишди.

Одамларга табиат эстетикаси зарур.
Ҳозир медицинада «эстетик терапия»
деган таъбир ҳам қўлланилмоқда. Ке-
лажакнинг бу янги фан тармоғи касал-
ларни даволаш билан эмас, яшаш ша-
роитини соғломлаштириш, табиат эсте-
тикаси билан шуғулланса керак. Жаҳон
соғлиқни сақлаш ташкилотининг устави-
да айтилишича, саломатлик даррда
ҳоли бўлиш деган гапгина эмас, балки
одамнинг руҳий ва ижтимоий тўқисли-
ги ҳамдир.


Табиат завқи шундай шифодирки,
у соғлом одамга ҳам зарур.




Сахрога жон бахш этаётганлар. СССР Олий Советининг депутаты монтажчилар бригадир Ю. ЛЕГКИХ (чапда) ва скреперчи З.МУЙДИНОВ.

Эржар темир-бетон заводи. Мирзачўлда қад кўтарган шинам турар-жойлар, азамат корхоналарининг деворлари дастлаб шу ерда тайёрланади.

Г. ГРАФКИН фотоси.





1




**ТОМЧИДА ҚУЁШ
АКС ЭТАДИ.**


1. Қумуш камар.
2. Мирзачўл деңгизи—
Чордара. 3. Сув қадри-
ни деҳқон биледи.
6-совхозда экин қувур-
лар орқали суғорила-
ди. 4. Сув келиши
ҳамisha байрам. 5. Сув
шу ердан таралади.

Э. ПЕНСОН ва В. ТЕ-
ЛЕГИН фотолари.



3





Мана бу гулзор хиё-
бон, қўш қават мага-
зин, қувноқ болакай-
лар катта бўлаётган
боғча, колхоз мада-
ният уйи, оддий ишчи
хонадони — булар ҳам-
маси чўлнинг гули-
стонга айланиб бораёт-
ганидан ёрқин далил-
дир.

Г. ГРАФКИН фотоси.





СЕНГА ТАЪЗИМ!

Мен бош эгиб турардим. Хаёлларим чувалган. Кабр куббасидан кимдир қарагандай бўлди. Бошимни кўтардим. Сурат. Совет Иттифоқи Қахрамони Жўраҳон Усмоновнинг сурати экан. Назаримда кирпикари пирпираб кетди...

— Уйғоқимсан, Жўраҳон?— дея пичирладим. Гўё Жўраҳон бош ирғагандай туюлди.— Мен сенга таъзим қилгани келдим. Буюк ғалабанинг йигирма беш йиллиги кунда барча қуролдош дўстларингдан, таниш-нотаниш, аммо сенинг мардлигингдан хабардор авлодлардан куюқ салом, хурмат-эҳтир олиб келдим.

— Унутмабизлар, раҳмат,— дегандай бўлди суратдаги кибфа.

— Жўраҳон, сенга айтадиган янги гапларим бор. Ахир сен 1945 йил февралдан бери шу ерда ўзинга яраш, чоқкина истеҳком ичидасан, оғир жангдан сўнг ором олиб ётибсан. Биринчи хушxabар шуки, сен старший сержант эмас, лейтенант даражасига кўтарилгансан, взвод командири ўринбосари эмас, рота командирисан. Улуғ Ватан уруши йилномаларини varaқлаб буларни билиб олдики. Сенинг номингга қўйилган мактаб, қишлоқ совети, пионер дружиналари бор. Аммо бир нарсани кўришга алам қилади. Ғалабага икки ой қолганда юрагинг уришдан тўхтади. Сен ўзинг фидокорона ҳисса кўшган ғалаба шодмөнасини кўрмай кўз юмдинг. Наҳотки сен, душман улоқтирган траншеяни ерга туширмай олиб олиб, уни газандалар ўстига иргитган шер йигит, Сож дерадидан ўз бўлиманг билан биринчи бўлиб ўтиб, икки кун давомида кўп сонли душманиннг ўн уч марта қилган ҳамласини қайтарган, бир қадам ҳам орқага чекинмаган қахрамон йигит мўшкет юрагининг «арчадими» деганига наҳот ўзини кўяқолдинг? Ахир сенда бир эмас, минглаб юракларни ҳаракатга келтира оладиган зўр куч бор эди-ку!

Жўраҳон! Яна бир янгилик — сенинг номинг ёшларимизнинг байроғига айланган қолган. Областиимизнинг ҳарбий хизматга чақирилувчи ёшлари ҳар йили сенинг номинг билан мусобақа ташкил қилишади. Ғолибларга «Жўраҳон Усмонов мукофоти», деб ёзилган соврин берилади. Ҳар йили минглаб ўқувчилар қабринг тепасида туриб сени эсга оладилар, сендай ватанпарвар, Коммунистик партияга, халқимизга сендай содиқ, жасур, муътабар инсон бўлишга онд ичадилар.

Сен: «Инсон узоқ умр кўриши шарт эмас, аммо узоқ яшати керак», дердинг. Бу гапларингга энди тушундим. Рост, сен жуда қисқа умр кўрдинг. Аммо узоқ яшадинг — сен одамлар қалбидасан, номинг ва ишинг тарихга ўчмас ҳал билан ёзилган.

Қабринг тепасида фақат мен эмас қуролдош ҳамқишлоқ дўстларинг Останақул Туронқулов, Орзиқул Рўзимуродов, Райимберди Жумаевлар ҳам туришибди. Эсингдами, бирга жанг қилганларинг? Туронқул ҳозир ўзинг ўқиган мактабда, Райимберди эса чўлда бунёд

этилган «Фарҳод» совхозига директор. Уларнинг ёнида синглинг Хайриниса ҳам бор. У энди сен ўқиган мактабда ишламоқда. Ҳар йили сенинг ҳақингда суҳбатлашмоқ учун унинг ҳузурига юзлаб одамлар келишади. Уларнинг кўпчилиги болалар, Хайриниса уларга сенинг туғрингда — қандай ўқиганинг, товоиндиган ўт чақнаган комсомол ёшлигинг, ширин орзуларинг ҳақинда мароқ билан ҳикоя қилади.

Айтмоқчи, унинг олти фарзанди бор. Демак, қахрамон тоғанинг олти нашоли! Эҳа, уларнинг Совет Иттифоқи Қахрамони бўлган тоғаси учун қанчалик фахрланишларини бир кўрсанг эдинг! Пионерлар сенинг қабринг атрофини гулзорга айлантириб юборишган.

Яна бир хушxabар, Жўраҳон! СССР Мудофаа министрининг 1963 йил 6 майдаги 112 буйруғи билан сен ўзинг хизмат қилган, шонли полкнинг 1-ўқчи ротаси рўйхатига абадий ёзиб қўйилгансан. Ҳар кун кечки пайт бу ротанинг шахсий состави йўқлама учун сафга тизилади. Солдатлар тин олмай старшинанинг овозини кутадилар. У биринчи бўлиб сенинг номингни ўқийди:— Усмонов!

Шунда сафнинг ўнг томонида турган биринчи киши банд овоз билан тантанавор жавоб беради:

— Совет Иттифоқи Қахрамони гвардия старший сержанти Жўраҳон Усмонов Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги учун бўлган жангларда мардларча ҳалок бўлган!

Бу гулдурас овоз ҳар кучи такрорланади. У доимо янграйди.

Жўраҳон, шу овоз салобат билан янраган чоғда худди шу сафда сенинг юртдошларинг, ҳамқишлоқларинг бўлса, уларнинг қалби фахрифтхорга тўлиб-тошишини бир тасаввур қилгин-а! Аҳмадхон Исмоилов, Амирбек Ғозиев, Рустамжон Раҳмоновлар сенинг юртдошларинг. Ҳозир ҳам Тугал Соибназаров, Қиём Бобоев сингари ҳамқишлоқларинг ўша полк, ўша ротада хизмат қилмоқдалар. Улар полкдошларига сенинг ҳақингда, дўстларинг, жонажон она қишлоғинг ҳақинда қайта-қайта сўзлаб берадилар. Энди Сават қишлоғини фақат биз эмас, полкдош еш дўстларинг ҳам билишади.

Номинг абадий ёзилган ўқчи ротада сен учун ҳамма нарсани муҳайё: қурол, кийим-кечак, каравот, ўрин-тушак ҳам. Аммо бу ўрин ҳаммаша бўш ва тузоғлик туради. Бу жой — муқаддас. Каравотинг тепасига суратинг осиб қўйилган. Пастроқда улкан тувакда чиройли гул. У ҳаммаша яшнаган, ҳаммаша ям-яшил. Ғунчалар очилади, яна янғиси пайдо бўлади. Бу гул етти ёшга кирди. У ҳали минглаб ғунчалар тугар, гуллар, Хуллас, сен ҳам сафдасан. Хотиранг учун ўстирилган гул сингари ҳаётимиз, гўзаллигимиз, ўлмаслигимиз рамзи бўлиб яшайсан.

Жўраҳон, ҳозир суратингга термулиб туриб, навқирон дўстларингга икки оғиз сўз айтгим келди. Эшитинг, келажак эгалари! Мана бу мард ўғлон бор-ўйги йигирма уч йил умр кўрди. Унинг баданида ўқ тегмаган жой қолмаган. Жўраҳон душман ўқи билан унинг ўзини урган, йиқилса эммақлаб илгарига силжиган. У кўрқини, чекиннишни билмаган. Ватаниннг ҳар бир қарчи ерини муқаддас билган, гитлерчи фашистлардан тазалаган. Мана энди у, киндик қони тўкилган жой — ҳозирги «Ховос» совхозига қарашли Совет қишлоғида гўё абадий уйқуга кетган. Сиз уни унутманг. Халқни Жўраҳон каби қадрлай билинг, Ватанин Жўраҳондай сева билинг. Тинчлик соқчиси, эзгу ният соқчиси бўлинг, Жўраҳон. Сенинг қаршингда яна бир бор таъзим қилиб бош эгман, қахрамон!

Саминжон СУЛТОНОВ



Тошкент. Гагарин киббони.

А. ВАНШТЕЙН фотоси.

«ОЙМИЗ МОСКВАДАН КЕЛДИЛАР!»

Фотомуҳбиримиз Геннадий Графтин Назира Йўлдошевани мамлакатимиз пойтахти — Москвадан Ленин мақбарасини зиёрат қилиб қайтган кунни суратга олган. Раиса бош бўлган колхоз дохниймиз Лениннинг табарруқ номи билан аталади. Бу машҳур аёлнинг довруғи бутун Иттифоққа ёйилган. У Социалистик Меҳнат Қахрамони, Узбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор, СССР Олий Советининг депутаты, яна бир қанча орден ва медалларнинг навалери. Халқ ишончини қозongan Назира Йўлдошева 618-Гулистон сайлов округидан СССР Олий Совети депутатлигига сайланди.

Йигирманчи йилларда генерал Яков Филиппович Горностоев собиқ «Сирдарё» колхозини тузган ва тетапол хўжаликни анча йил бошқарган эди. Раиса истеъфодаги генерал билан хатлашиб турибди. Улар колхознинг ўтмиши, бугуни, келажиги ҳақинда бир-бирларига мароқли ҳикоялар айтиб беришади.



ЎЖАР ОДАМЛАР

ДАЛА ЭТЮДИ

Ҳамма ёнда дув-дув гап: Жумабой ана колхозга келганмиш. Келганда ҳам, катта йўлдан эмас, дала томондан келганмиш. Қадди-қомати алпдек, кўрганнинг кўзи ўйнармиш. Раис билан алланималарни гаплашибди. Кўнглидаги гиналарини тўниб солдимкан? «Кеч-курун йигин бўлса гапираман», дебди.

Анча йил аввал ҳам бир гап тарқалган эди: Жумабой ана колхоздан кетиб қолибди. Чопонини бунлаб елмаси ташилаганча чиқиб кетаверибди. Чинишаолмабди, чамаси.

Эл оғзига элан тутиб бўлмайдию, лекин бу гапларда жон бор эди. Раис билан жиқиллашиб олишган эди.

— Хўп денг, ер хориди, дам берайлик. Беда, ҳа, беда экайлик!— деган эди ўшанда Жумабой ака.

— Беда эмас, пахта керак! Маж-буряят олганми! Тонна-тонна пахта кераклигини биласиз-ку!

— Ҳосилот кенгашига раис бўлибманки, эканимиз пахта! Бир маҳал шу ерда пахтадан бошча битганини кўрганлар бормикан? Ер толиққан, раис, тушунинг.

— Пахта экамиз, пахта! Қирқдан кўтарамиз ҳосилни, қирқдан, ака!..

— Энди ўзингизга келдингиз, раис. Утган йили элликдан кўтарган эдик, бу йилгисини қирқдан,

деб турибсиз. Янаги йил тагин унта пастрга тушарсиз дейман?

— Менга ҳисоб-китобни ўргатманг!

— Ҳисоб-китобни биларкансиз, гапга қулоқ солинг-да.

— Планни унутманг!

— Мени пахтани, планни ўйламайди дейсиз чоги? Эртани, еримизни ўйлапман. Бу аҳволда кетаверса нима бўлади, ахир?

— Мен-чи, мен ўйламас эканманми?

— Сиз... Ҳозирнигина ўйлапсиз. Обруйингизни ўйлапсиз!

— Нима-нима?

— Ҳа, шундай!

Нихоятда чўртнесар, сиркаси сув кўтармайдиган Жумабой ана мана шу тўнқашувдан кейин колхоздан кетиб қолган эди. Ушанда дала шийпони олдиди чуст дўпписини кафтига бир уриб нийиб, чопонини елкалаганича йўлга чиққанди. Олти йил бўлибди шунга.

Қаранг, катта йўлдан эмас, дала йўлидан, яна ўша дўпписини қўқиб жўнаб қолган томондан келибди-я. Қишлоққа кириб келишдан олдин бир пас шийпонда ўтириб, ўша гапларни бир-бир кўнглидан ўтказди, идрок торозисиде ўлчайди...

У гўв юртидан бадарга бўлгану олти йил олтимиз йилга айланган эди. Қишлоғидан оёқ узган бўлса-да, маънан колхозни билан

доим ҳамнафас бўлди. Газеталарни титтиллаб, маълумотларга тикилганича ҳар йилги узғаришларни таҳлил қилиб юрди. Мана ҳозир тагин дала шийпониде. Қандайдир бир ички майл, сертомир туйғу уни колхозига ундар, қис-тар, бошлар эди. Пайналлар кенгайиб кетибди, ерга ер қўшилибди. Жумабой ака ер ҳиди келиб турган намчил пахтазор четиға чўнқайиб, бир қисм майин тупроқни нафтада аста ёзаркан, гўё у билан гаплашарди: «Тилинг бўлса айт-чи, бунчалик меҳри гиёни қаёндан орттиргансанки, сенга парвона бўлсам ором оламан. Қайда бўлмай, эс-хушим сенда. Дардимга шифо, дилимга дармон бўлдингчи, билмасам нўр бўлай. Донгимизни чиқарган ўзинг. Сени ардоқлагани келдим, қадрдоним. Нима, толиқдингми? Ҳосилинг йигирма беш центнерга тушиб қолибди. Дардинг қулогимга етиб, дунё кўзимга тор бўлди, ўзимни кўярга жой топполмадим. Вилт деган касофат танангда ўрмалаб, ҳолдан тойдирибди. Нечун бардошинг етмади? Озуканг бут, сувинг сероб, жонинг роҳатда. Уксима, шифоси бор, отдек бўлиб кетасан!»

Колхоз идорасида Жумабой акани қувониб қарши олишди:

— Хуш кўрдик, Жумабой ака! Қайси шамол учирди? Узим ҳам, неласиз, деб ўйловдим,— деди

очиқ чеҳра билан раис.— Машина юборадиган ҳам бўлиб турган эдик, ўзингиз келиб қолдингиз. Утиринг, дамингизни олинг.

— Раҳмат, чарчаганим йўқ. Зап шийпон бўпти...

— Ил, ҳали шийпонда ҳам бўлдим денг?

— Шундай. Нима эймоқчисизлар?

— У ерга беда экамиз, Жумабой ака,— деди раис.

— Нима? Раис, беда дедингизми, ё янглиш эшитдимми?

— Беда, Жумабой ака! Ростдан беда. Бугун коммунистлар йигинида шунини маслаҳатлашиб оламиз.

— Пахта-чи, план-чи?

— Оббо, қачонги гап-ку, бу! Ушанда, беда экамиз, деган эдингиз. Бедачлинка ўзингиз бош бўласиз, майлими? Илтимосимиз шу,— деди раис.

Жумабой ака киприклари намлиб, маржон доналариден думалашга қолганан севинч ёшларини артар экан:

— Пахта ош-нонимиз, шон-шавкатимиз, обрў-эътиборимиз. Розиман. Аммо беда ҳам керак. Ернинг раъйига қарайлик!.. У ҳам парваршини севади.

Раис унинг фикрини маънулла-ганден бош силкиди.

Ислом УСМОНОВ

Қум

қаъридан

қиссалар

РИВОЯТЛАР
ИЗИДАН

Утмишда Анорбой деган бой бор экан. Унинг кўтон-кўтон қўйи бўларкан. Бир кўтон қўйини Шодмончул деган камбағал йигит боқаркан. Бир куни ўғрилар Шодмончулни бўғиб ўлдириб, қўйларни ҳайдаб кетибди. Бу воқеадан хабар топган хотини Ҳожар ўғлини кўтариб, жонсиз даштга йўл олибди. «Дийдорини бир кўрай, кўзларини кўзгунлар чўңимай туриб, ерга яширай», деган ниятда йўл юрибди. йўл юрса ҳам мўл юрибди. Товонларини кум кўйдирибди, ҳалқуми сувсизлидан қақрабди. Бир пайт чанқаган боласи сув сўрабди. Онанзор сув ўрнига боласига тилини ялатибди. Охири тандирдай қизиган чўлу биёбонда она-бола ҳолдан тойиб, «Сув! Сув!» дея жон беришибди.

Бу аянчли ривоятни катта канал ёқасидаги чойхонада қариллардан эшитдик. Уларнинг ҳинюясини шарқираб оқаётган сув ҳам тинглаб тўқинланаётгандек эди...

Бу ривоятни эшитганимизда, Мирзонинг ҳамма орзулари рўёбга чиққанини ўйлаб нетдик: чўллар бўстон бўлди, самовий манзилларга одамнинг қадами етиди!

Бир замонлар Мирзо Улуғбек навкарлари билан Жиззахнинг этагидаги кимсасиз чўлда кийик овлаш учун Самарқанд дарвозасидан чиқибди. Ов қизиб кетибди. Бир маҳал султон Сирдарё ёқасига келиб қолибди. Шунда у навкарларига қараб дебди: «Биз Сирдарё билан Зарафшонни бири-бирига туташтирмаганимиз лозим. Шунда кийик овлаган ерларимиз бог-роғларга айланарди».

Сирдарёни чўлга буриш учун ҳаракат бошланбди. Афсуски, барча уришиллар зое кетибди. Аммо «Мирзонинг чўли» деган гап ўшандан қолган экан.

Баҳром ва Тозагул афсонасини эса Мирзаҷўл қишлоғининг гуллар буй таратган боғида тинглаганмиз.

Баҳром деган йигит бир подшонинг Тозагул деган қизини севар экан. У Тозагулни шундай яхши кўрарканки, еру кўнча ишонмас экан. Тозагул Баҳромга шарт қўйибди:

— Сахрога гул эниб, гулзорга мени тақдиф этасан. Унда булбуллар сайраб турган бўлсин, мен бундан

Мирзачўл қовуни... Азамат йигитнинг қулочи базўр энлайди. Тўрттаси Қўқон аравани тўлдиради. Пичоқнинг дами тегса бас, учгача тарс ёрилиб кетади. Тилими тили тилади... Мирзачўл қовунининг таърифи шундай. Унинг «таржимаи ҳоли» қисқагина: ўзи навақирон, басавлат. Қирқдан ортиқ номи бор: «Оққанд», «Гулоби», «Шакар палак», «Оқ уруғ», «Қизил уруғ», «Амири», «Қирқма»...

Тошкентнинг Олой бозоридами ё Туркман бозоридами, қайси дўконга Мирзачўл қовуни тушса — зумга қолмай харидор ёғилиб кетади. У Тошкент ва Москвада эъозланади, Камчатка ва Сахалинда ундан ҳам тансиқ. Мирзачўл ўтган бир йилда 110 минг тонна қовун-тарвуз етиштириб берди. Бутун республикамиз етиштирган қовун-тарвузнинг тенг ярмини Мирзачўл бермоқда. Бу Мирзачўл деҳқонининг саховати азим чўлдай кенглигидан, гайрат-шижоати беқиёслигидан бир нишона эмасми?

Мирзачўл тарвузининг таърифи ҳам, жиндак лофи билан айтсак, бир палласини кўлда қайиқ қилиб сузса бўлади. Чўл тарвузлари 50—60 килогача тош босади. Мирзачўл шакар қовунлари, паҳлавон тарвузларининг соҳибкорлари ким?

Кўрпасойлик Маматқул полвон Холмуродовни Жиззахда ҳамма танийди. У бир пайтлари кураш майдонида ном чиқарган эди. Неча йиллар Жиззах районидagi Жданов номи колхозда чорва бригадир бўлиб ишлади, кам бўлмади. Бултўр полвоннинг чин полвонлиги тутди. Колхознинг чўлдаги яйловидан 60 гектар майдонни ажратиб олиб, полизчилик бригадасига бошчилик қилди. Чўл бағри эса жасоратли деҳқонларга сахий бағрини очиб юборди. Мўлжалдаги 60 тонна ўрнига 200 тонна қовун-тарвуз олинди. План 300 фоз бажарилди!

Ийлич районидagi Герман Титов номи совхознинг Райимжон Мухамедов бошчилик қилаётган 8-бўлим миришкорлари етиштирган қовун-тарвуз ҳам бозорларга сиймай кетди. Мирзачўл бағридаги «Фар-

ғона» совхозининг Жумаш Назаров бошлиқ полизчилик бригадаси миришкорлари эса режани икки баробар ошириб бажардилар. Шу бригаданинг миришкор деҳқонлари ака-ука Ашир ва Ҳамдам Қулма-товлар, Мирзачўл районидagi Партия XXII съезди номли совхознинг омилкор деҳқони Ҳамрақул Омонов, «Сирдарё» шолиторлик совхозининг соҳибкори Турдубой Синдоров етиштирган минг-минг тонна ширин-ширин қовун-тарвузлардан қанчадан-қанча шахарлардаги неча минглаб одамлар бахраманд бўлган.

Ватанимиз пойтахти Москва а мирзачўлликлар биргина ўтган йили 50 минг тонна қовун-тарвуз совға қилдилар. Камчаткалик ватандошларга эса 20 минг тонна қовун-тарвуз жўнатдилар. Қардош Россия шахарларига жўнатилган қовун-тарвуз 100 минг тоннадан ошиб кетди.

Бундан бир ер муқаддам Мирзачўл даштидан ўтган рус сайёҳи ўкинч тўла сатрларни ёзиб қолдирган: «Бу пёвнисиз чўлнинг хувиллаб ётганини кўриб юрак увишади. Май ойда ҳаёт бир уйғонадию, яна тез сўнади. Қуюн тупроқни осмонга кўтарди. Атрофда на бир зот, на бир даракт кўринади. Улкан чигирткалар чириллайди, қовун остидан калтёкесак мўралайди...».

Мирзачўлнинг бугунги файзи-жамоли шарҳларга муҳтож эмас. Энди Мирзачўлга оқиб келаётган телеграммалардан битасига назар ташланг-а: «Мирзачўлга. Ширин-шакар қовун-тарвуз етиштиравётган чўл деҳқонларига тегсин. Сизлар билан орамизда минглаб километр масофа бор. Лекин Мирзачўл қовуни сизнинг ширин қаломингизни, илик нафасингизни келтирди, дилимизни яна бир бор яқинлаштирди. Саховатингиз учун раҳмат! Камчаткадаги Петропавловск шахар ижроия комитети». Бир замонлар сайёҳнинг ҳам юрагини увиштирган Мирзачўл бугун ноз-неъмат тўла боғу бўстонга айланди. Мирзачўл деҳқонига юртимизнинг ҳамма томонларидан ана шундай ташаккурлар келмоқда.

У. ШАРОФ



роҳатланай, шунда севганиннга ишонаман.

Йигит рози бўлибди. Сахрога шамолдай сингиб нетибди. Гул ундирди учун қирқ йил уринибди, бари бир уйда қиллолмабди.

Тозагул уни ҳамон кутиб ўтирган экан. Қариб, мундайиб қолган Баҳром Тозагулнинг олдига нелиб унга юзланганда: «Сахрода гуллар ундирдингми?», деб сўрабди. Куч-куватдан қайтиб қолган Баҳром «Гул ундиролмадим», дебди. Тозагул: «Бўлмаса мени севингиз ёлгон экан-да», дебди.

Баҳром Тозагулга бўлган севгисини исбот этмоқ учун гуллар ундиргани яна сахро қўйнига кириб нетибди, лекин Тозагулнинг олдига қайтиб нелиш унга насиб бўлмабди...

Бир нишининг Фарҳод деган баҳодир фарзанди бор экан. Отасидан унга бир нетион ва бир сандиқ мерос қолибди. Кунлардан бир кун Фарҳод сандиқини очиб, ичидан кўзгу топиб олибди. Кўзгуда ажойиб гўзал ииз қараб турган эмиш. Фарҳод қизнинг хусн-жамолини кўриб, беҳуш бўлиб

йиқилибди. Шопур деган ўртоғи уни хушига келтирибди. Фарҳод билан Шопур қизни излаб йўлга чиқишибди, қанча манзилу мароҳил юриб охири Бенободга келишибди. Бенобод хароб бир жой экан. У ернинг аҳолиси оғир машаққатлар билан тоғтош несиб, Сирдарё сувини чўлга чиқариш тараддуиди экан. Фарҳод бу ерда мислсиз мўъжизалар кўрсата бошлабди. Фарҳоднинг овозаси Бенобод маликаси Гулчеҳра ва унинг яқини Ширинга бориб етибди. Улар Фарҳод шарафига зиёфат берибдилар. Зиёфатда Фарҳод кўзгуда кўрган гўзални кўрибди. Шириннинг таърифини эшитган Эрон шоҳи Хисрав совчи юборибди. Гулчеҳра «Ширин ҳали ёш», деб рад жавобини берган экан, Хисрав газабланиб Бенобод сари қўшин тортибди. Икки орада беҳисоб қон тўкилибди. Ноҳақ қон тўкилаётганини кўрган Ширин: «Кимда ким Сирдарё ёни Оқдарёни бўғиб чўлга сув чиқарса, ўшанга тегаман», деб шарт қўйибди.

Фарҳод тоғ қазинга тушиб нетибди.

Хисрав бўлса ҳийла йўлига ўтибди. У жуда кўп буйра олдириб нелиб

Мирзачўлга ёйдирибди. Бўйралар оидинда худди мавликини оқаётган дарёга ўхшаб товланибди. Буни кўрган Ширин тақдирга тан бериб, ноилох Хисравнинг тақлифига кўйибди. Лекин тоғ отгандан кейин алданганини билган Ширин кўз ёши тўкиб, тоғ назийтган Фарҳод томон йўл олибди. Хисравнинг ҳийласини эшитган Фарҳод ҳам Ширин томон отланибди. Уртада Сирдарё оқиб ётган экан. Ошиқ-маъшуф икки томонда қолибди. Шунда Фарҳод Ширинга қўлини чўзган экан, мўъжиза рўй берибди: У тоғга айланиб қолибди! Ширин эса кўз ёшини тўна-тўна сойга айланибди. Ушандан буён одамлар тоғни — Фарҳод номи билан, сойни Ширин номи билан атар эканлар.


Ана шу машҳур афсона ҳамон тилдан-тилга кўчиб юрган ерда эртанка сиймас воқеалар бўлаётганини кўрибди. Фарҳод ГЭСи одамлар уйини чарогон қилаётган бўлса, Сир бўйида Ширин шахарчаси илдас ростламоқда. Эзгу армоннинг чин ҳақиқатга айлангани шу-да!

Ёзиб олувчилар: Малик МУРОДОВ ва Ҳамроқул РИЗОҚУЛОВ.

ЖЕЧАГМ САХАР



Шафратсиз ажинлар.



Сайёх талпинган сардоба.



Қуш учса қаноти...



Деҳқоннинг ночор «техникаси».

Жиззах воҳаси суғориш тарихи жуда қадимги даврлардан бошланса-да, у доимо ўзгариб турган. Воҳада суғорма деҳқончилигининг кенгайиши, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг аҳолига ва воҳанинг сув манбаларига боғлиқ бўлган. Археологик текширишлар аҳолининг қадимдан Сангзор дарёсидан ташқари, кам сув Ейилма, Сайхон, Равот ва Ардахшон сойларининг сувларидан ҳам фойдаланиб келганлигини кўрсатди. Жиззах воҳасида суғориш ишларининг равақи Кушон империяси давридан бошланади. Эрамининг III асрларида Сангзор дарёсининг сувига таянган ҳолда Дарвоза қалъа (Жиззах шаҳрининг ғарбида) ва қалия қўرғон (Жиззах шаҳрининг шарқий қисмида) барпо қилинади. Деҳқончилик шу майдонларда олиб борилади.

Араблар ҳукмронлиги даврида кўчманчилар ҳужумига қарши воҳани Кампир девор деган мудофаа ихтоси билан ўраб оладилар. Бу девор кўчманчилар ҳужумига қарши барпо қилинган бўлса ҳам, аслида қадимий деҳқончиликка асосланган обод ерларни ўз ичига олган.

Урта асрларда Жиззах воҳасининг аҳолиси фақатгина Сангзор дарёси сувига умид кўзини тикмаган. Балки сой ва булоқ сувларидан ҳам моҳирона фойдаланганлар. Араб географлари, тарихчиларининг ёзишича, Жиззах шаҳридан бир форсах (6—8 км.) шимоли шарқда, IX асрнинг биричи чорагида Ковуснинг ўғли Ҳайдар томонидан солинган Худойшер деган работ (ҳозирги Учтепа атрофи) бўлган. Бу Самарқанд ва Усрушондаги энг катта ва яхши работлардан бири эди. Унинг атрофида ҳовиллар, мудофаа нуқталари ва вақф ерлари бўлган. Аҳоли работ ўртасидаги булоқ сувидан фойдаланган. Бундан ташқари Худойшер работининг шимоли шарқда оқар сувни кўзда тутиб барпо қилинган Хасан деган работ бўлган ҳам маълум.

X—XI асрларда деҳқонлар Ейилма ва Саркўл сойларининг бўйларида қориз усулида ер ости сувини ҳам ишга солганлар. Ф. Энгельс «... қўпол ғолиблар мамлакатнинг аҳолисини қириб ташлайдилар ёки ҳайдаб юбордилар ва ишлаб чиқарувчи кучлардан фойдаланишни уддалай олмаганларидан сўнг уларни вайрон қилдилар

Сув дея...

Мирзачўлнинг бўлик ерлари асрлар мобайнида қақраб ётди. Қўл етса узатгудек масофадан чиқиб ўтадиган азим Сирдарё эса ташна чўлга бир томчи ҳам сув бермай денгизга шошар эди. Аммо халқ буюк бир орзу билан яшади. Афсонавий Фарҳоднинг жасорати ана шу орзунинг ифодаси эди. Эраминдан аввал яратилган «Жаннат боғи» ҳақидаги ҳикоят эса ўнлаб асрлардан буён халқ тилидан тушмай келади. Бу афсонага кўра қудратли ҳукмдор Қаққаҳнинг Ҳавасхон деган биттаю битта қизи дарди бедавога дучор бўлади. Табиблар қайғудан қадди бўкилган отага, чўлда ўсган дароҳт мевасигина даво бўла олишини айтишадилар. Ҳукмдор мингларча фуқарони чўлга ҳайдайди, улар йил бўйи чўлга ҳовучлаб сув ташийдилар. Ниҳоят кўчатлар вояга етади, ҳосилга киради. Энди чўл меваси фақатгина Ҳавасхоннинг дардига бўлмай, у кексаларни ёшартириш хосиятига ҳам эга эди. Афсуски, бу «Жаннат боғи» афсона эди, холос.

Мирзачўлдаги дастлабки текширув ишларини 1869 йилда ҳарбий топограф Г. Аминов бошлаб берди. У чўлга Зарафшондан сув чиқаришни таклиф қилди. Бироқ чўлни ўзлаштиришга Зарафшоннинг қурби етмас эди.

Шундан сўнг Туркистон генерал-губернатори фон Кауфманнинг буйруғи билан 1872 йили инженер-технолог Н. Ульянов бошчилигида текшириш олиб борилди. Бу инженер Сирдарёдан Мирзаработ станциясигача, яъни 150 минг гектар ерни суғорса бўладиган канал лойиҳасини тузди. Сирдарё генерал-губернаторлик комиссияси бу лойиҳадан деярли ҳеч бир ўзгартиш киритмай тасдиқлади. Чунки комиссияда Ульяновдан бошқа ирригацияни тушунадиган киши йўқ эди. Аммо лойиҳанинг пухта эмаслиги кейинчалик амалда маълум бўлди. Лойиҳанинг энг катта камчилиги шундан иборат эдики, унда техникавий жиҳатлар ҳисобга олинмаган. Ҳатто ишчиларга давлат томонидан деярли ҳақ тўламастикка қарор қилинган эди. Канални Ташкент, Хўжанд ва Қурама уездлари аҳолисининг кучи билан қазиш мўлжалланган эди.

Саккиз йиллик уриниш 1880 йили, Кауфманнинг ўлими сабабли бу

Қатрада қуёш акси

ёки ташлаб кетадилар», деб ёзган эди. Ҳақиқатан ҳам XIII асрда Урта Осиёга бостириб кирган мўғуллар аҳолининг иқтисодий ва маданий юқалишига жуда катта зарба берди. Шулар қаторида Жиззах воҳасининг Жиззах, Зомин шаҳарлари ва Работ, Худойшер, Хасан каби қўрғонлар ҳамда Сангзор дарёси, Сайхон ва Ейилма сойларидаги сув иншоотлари вайрон бўлди.

Мўғуллар вайрон қилган шаҳарлар ва издан чиққан деҳқончилик Темурийлар ҳукмронлиги даврида тартибга тушди. Жиззах воҳасининг сув иншоотини аҳоли қайтадан тиклади. Арпа, бугдой, кунжут экинлари ва полизчиликка, боғдорчиликка катта эътибор берилди. XV асрдаги деҳқончиликнинг маълум даражада ўсиши кейинги асрларда ҳам давом этади.

1501 йилда Жиззах воҳасида бўлган Бобир: «Халилиядан Дизак келилди, ул фурсатда Дизакда Муҳаммадбек дўлдойнинг ўғли Тоҳир дўлдой эди. Семиз этлар ва майда этмақлар арзон, чучук қовунлар ва яхши узумлар фаровон», деб ёзган эди.

XVI асрнинг иккинчи ярмида Бухоро амири Абдуллахон Урта Осиё ерларини куч билан бирлаштиргач, савдо йўллари устида работ ва сардобалар қуради, баъзи районларда суғориш каналлари ва сув

тунлай тўхтаб қолди. Бу пайтгача атиги 13,5 қақирим канал қазилган эди. Чор ҳукумати уни давом эттиришни хаёлига ҳам келтирмади. Чунки асосий оғирлик ерли аҳоли бўйнига тушиб, ҳукумат кам маблағ сарфлаган эди. Қазиш ишлари, айниқса, Пармонқўрғон, Каттакўрғон ва Кўштегирмон қишлоқлари аҳолисига жуда катта зарар келтирди. Шолкорлик ерлар ва туззорлар деярли йўқ қилиб юборилди. Аҳоли худди хонлар даврида бўлгани каби, ҳашар тарзида текинга ишлади.

Чўлни ўзлаштириш масаласи 1894 йили тагин кун тартибига кирди. Талай текширувлардан сўнг 1899 йилда яна 45 минг десятина ерни ўзлаштириш лойиҳаси тузилди. Бир йил ўтгач ҳукумат бу лойиҳани тасдиқлади ва қазиш ишлари учун қаранга 2,25 миллион сўм маблағ ажратди. Қазиш ишлари учун белгиланган беш йиллик муддат узоқ йилларга чўзилиб кетди. Чунки бу лойиҳада ҳам қурилишнинг техникавий жиҳати пухта ишлаб чиқилмаган эди. Бунинг устига саккиз йил давомида белгиланган маблағнинг фақат бир ярим миллионигина сарфланган эди. Хуллас, қурилиш суръати жуда сустлик билан борди — 1909 йилга келиб канал 31 қақиримга етди. Лекин шунга қарамай, Мирзачўлда олиб борилган илмий-текшириш ишлари чўлни ўзлаштиришнинг ҳақиқий илмий изга тушишида бирмунча аҳамиятга эга бўлди.

Асримизнинг иккинчи ўн йиллигидан бошлабгина Мирзачўлга эътибор кучайди. Энди чўлни ўзлаштиришнинг иқтисодий жиҳатигина эмас, балки сиёсий жиҳати ҳам катта аҳамият касб этди. Чунки бу пайтда Мирзачўл бойликларига баднафс чет эл капитали кўз тикди. Қорақўмнинг жанубий шарқий қисмини текширишга рўхсат олган америкалик молиячи Д. Г. Гаммон аста-секин Мирзачўлнинг марказий ва ғарбий тарафини текширишга ҳам уриниб кўрди. Гаммондан сўнг чет эл капиталистлари билан бирга рус капиталистлари ҳам ҳаракатга чет эл қолдилар. Булар — Морганнинг пўлат қуёш фирмаси, Жей Гульд ва француз-америка шеркати, ака-ука Дрейфус ва Ротшильдларнинг савдо уйи, рус капиталистларидан Жамгиров, Юнкер ва Вавельбергларнинг банк уйи, Азон-Дон ва Сибирь савдо банклари, шунингдек, турли бошқа шахслар эди.

Чор ҳукумати ажнабий капиталга катта йўл очиб беришига қарамай, Мирзачўл тобора Америка капиталистлари қўлидан чиқиб бормоқда эди. Рақобатда рус капиталистлари ғолиб чиқдилар. Бунга жамоатчилик фикри ҳам маълум даражада сабаб бўлди. Газеталарда чет эл капиталининг Урта Осиёга кириб бориши ҳақида тобора кўпроқ фикр юритила бошланди. «Туркестанский курьер» газетасининг 1911 йилги 25 сониди С. Понятовский чет эл капиталини «сув ости қоялари» деб атади. «Назаримда» деб ёзди Понятовский киноя билан, — биз ҳанузгача қадимги нозғоронликларнинг «Еримиз улуг ва бўлик, князлик қилиш учун келинг!» деган қақирғини унутолмаймиз, шекилли. Бу гал ҳам варагларсиз кунимиз ўтмади. Ҳўш, бизнинг уларга нима муҳтожлигимиз бор? Аммо улар Туркистонга капитал сарфлаш-

омборлари барпо қилади. Биринчи марта 1875—1897 йилларда Зарафшон дарёсининг суви Туятортар канали орқали чўлга чиқарилади. Жиззах—Чиноз сўз до йўли устидаги Оғочли, Мирза ва Якка қудуқлари устига сардобалар бино қилдиради. Натижанда воҳада суғориладиган майдон кенгайди ва савдо йўллари яхшиланади.

XVI асрнинг охири—Жиззах воҳасининг ўрта асрларда энг ўзлаштирилган даври ҳисобланади. Яъни Саройлик, Яхтанлик қишлоқларигача, шимоли шарқда Учтепа атрофидан Ейилма сойигача, Жануби Шарқда Сийпончиқ тепа ва Тўёқли қишлоқларигача бўлган майдонлар ўзлаштирилади.

Абдуллахон ўлиmidан сўнг (1548) хон ва феодалларнинг ўзаро курашлари кенгайиб ва кучайиб кетади. Халқ меҳнати билан барпо қилинган Туятортар канали ишдан чиқади. Воҳа яна жилдираб оқадиган Сангзор дарёсига суяниб қолади. Суғорма деҳқончилиги ерлари қисқаради.

XVII—XIX асрларда хонлик ва бекликларнинг ўзаро курашлари жамиятнинг иқтисодий-маданий юқалишига салбий таъсир қилди, қишлоқ хўжалиги ва сув иншооти тармоқлари ҳам ишдан чиқди. Жиззах воҳасининг аҳолиси сув танқислигидан бошқа ерларга кўчиб кета бошлади. Янгиқўрғон ва Жиззах аҳолиси ўртасида Сангзор дарёси талаш бўлди, баъзи ҳолларда катта тўқнашувлар бўлиб турди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Урта Осиё Россияга қўшилгач, феодал тарқоқлик, феодал урушлар ва ўзаро курашлар барҳам топди. Жиззах воҳаси Бухоро ва Қўқон хонликларига жанг майдон бўлиб «вазифасидан қутулди».

Лекин чор ҳукумати Урта Осиёни босиб олишга ҳаракат қиларкан, рус буржуазиясининг манфаатларини ҳисобга олган, савдо-сотик ишларини ривожлантиришни ва рус зағалама саноати учун арзон хом ашёга эга бўлишни назарда тутган эди. Шунинг учун чоризм Туркистон ўлкасини арзон хом ашё — пахта манбаига айлантиришга тиришса-да, кўп уринишлари зое кетди. Чўл чўллигини кўрсатган эди.

Саиджон АНОРБОВ

дан ҳеч қачон бўйин товламасалар керак. Чунки ким ҳам ўз жойида икки-уч баробар фойда ўрнига (гарчи ёввойи Осиёда бўлса-да) ўн баробар фойда олишдан бош тортарди? Ажнабийлар Москванинг ҳамени катта бойларга ўхшамайдилар, улар ёввойи ва хилват гўшалардан чўчимайдилар. Улар ўз капиталлари ёрдамида ҳамма жойда ҳам ерли халқни қўл қилиб, саноат ва маданий ҳаётнинг жўшқин марказини вужудга келтира оладилар; барча ерда ҳам ерли халқни ўзлари учун ишлашга мажбур қилиш уларнинг қўлидан келади».

Мирзачўлнинг Америка капиталистлари қўлидан чиқиб кетишининг яна бир сабаби шуки, ўша пайтда Россия пахта танқислигидан толиқиб қолган, фақат четдан келтирилган тола билан қаноатланишга мажбур эди.

Мана шу сабаблар туфайли ажнабий капиталдан қутулишга интилиш кучайди. 1910 йилда иккинчи қайта ишлаб чиқилган анчагина пухта лойиҳа тасдиқдан ўтди. Бу лойиҳани амалга ошириш учун тўрт йиллик қатъий муддат белгиланди. Бу гал лойиҳанинг техникавий жиҳатлари анча аниқ ҳисобга олинган эди. Қазиш ишларига Путилов заводидан 70 тонналик бир қовшли йирик котлованларни, қазиш учун эса Любенск машинасозлик заводидан кўп қовшли экскаваторлар олиб келинди. Кунига 500 дан то 900 кишигача ишга сафарбар қилинди. Иш деярли йил бўйи давом этар эди. Ниҳоят 1913 йилнинг охирига келиб, қазиш ишлари асосан тугалланди. 4 октябрда канални очиб маросими бўлди. Сўзга чиққан қурилиш бошлиғи инженер Ф. Толмачев: «Бугунги кун — маданият байрами, инженерлик билими ва санъатнинг байрами», деган эди.

Дарҳақиқат, бу воқеа ирригация иншоотлари қурилиши борасидаги катта ғалаба эди. Аммо у пайтда ўлик саҳрони гуллаган воҳага айлантириш мумкин эмас эди. Ердан ваҳийларча фойдаланиш чўлнинг тез орада ботқоқликка ва шўрхонка айланishiга сабаб бўлди.

Ўлик саҳрони том маънода гуллаётган воҳага айлантириш орзуси фақат совет давридагина рўёбга чиқди. Улуғ Ленин декретидида Мирзачўлда 500 десятина ерни ўзлаштириш, шунингдек 20 минг десятина ернинг аввалги ирригация шохобчаларини яхшилаш кўзда тутилган эди.

Ҳозирги пайтда, Владимир Ильич башорат қилганидек, бу бепоеён ўлка мисли қурилмаган даражада ўзгариб кетди. Ўзлаштирилган ерларда вужудга келган Сирдарё области йилга 500 минг тоннадан ортқ пахта етиштиради. Агар бугунги Мирзачўл каналлари бирлаштирилса, Гулистондан Сахалин оролигача, ҳатто ундан нарига Охотск денгизигача етади. Уларнинг узунлиги 6 минг километрини ташкил этади. Буларнинг ҳаммаси совет кишиларининг меҳнатдорчилигининг нишонидир.

Г. А. МИХАЛЁВА,
тарих фанлари кандидати



Ҳар ким ҳар нарса дейдию лекин колхозда идора хизматчиси бўлишдан оғир вазифа йўқ. Авжи ғалвир сувдан кўтарилиб, қишлоқда гап-гаштак фасли бошланган маҳалда, сен диққинасфас хонага қамалиб олиб, чўт қоққанинг-қоққан. Ҳали қарасанг, еттинчи ҳисобдаги ўн сўм баланс бермайди. Ун икки ойлик ҳужжати кампир игпа помидор қоқи тергандай бирма-бир кўтариб, ўша лънати ўн сўми зўрға топсанг, яна бир ҳисоб дафтаридоги ажуи балансга етти тийингина етмай туради-да! Сарибозори одам: «Шунга ҳам ота гўри қозихонами!» деб заҳарханда қилиши мумкин. Лекин италянча қўш қатли ҳисоб системасидо етти тийин ҳам — бир, етти минг сўм ҳам. Мана шу арзимаган етти тийин бир жойдан етти юз минг сўм бўлиб, тешиб чиқиши мумкин.

Хуллас, идора иши — диққатбозликнинг ўзи. Ёз бўйи ҳамма кетмон чопганда, кўланкада қилган роҳатинг йиллик ҳисобот тузиш вақтида бир эмас, ўн хисса бўлиб бурнингдан чиқади. Шундай кезларда ҳадеб дафтарга ёпишиб, олмай, аҳён-аҳёнда бир чақчақлашиб қўйма-санг сил бўлиш ҳеч гапмас.

Бахтимизга Ҳожи ака бор. Сал диққат бўлдимки, Ҳожи ака буни қаёқдандир пайқайди-да, овозини йўғон қилиб:

— Урага сичқон тушди, гулдир-гуп! — деб юборади. Ҳаммамиз ишдан бош кўтариб, яқсар у кишининг оғзига қараймиз.

Айтганча, танишинг: Ҳожи ака — бизнинг чорва бухгалтеримиз. Асли исмлари Ҳожимурод, фамилиялари Ҳажимаматов эканлигини ўз тенгқурларию ҳужжатлариға бехос кўзи тушиб қолган одам билади. У киши онандан туғилиб, ақлини танибдики, ҳисобот иши билан банд. Колхозда бош ҳисобчи ҳам, районда раҳбар бухгалтер ҳам бўлган. Узининг айтишича, умр бўйи «сочининг оқидан кўп» тафтиш қилгану «соқолининг мўйидай бехисоб»

ҳисобот тузган. Ҳм, соңига келсак, пешанаси тепакалига ялиниб, энсасига қадар, ошланган теридай яптиллаб туради. Дўғисини олиб қўйса, қишлоқнинг битта-яримта оймаитиллолари кўзуга иши тушмай, бемалол пардоз-андозини қилиб олиши мумкин. Ҳожи аканинг башарасидаги яна бир диққатга сазовор нарса — унинг кўзойнаги. Ҳамма кўзойнаки қаншарига тақса, Ҳожи аканики киргий нусха узун бурнининг учинасида туради. Шунақа омонат турадики, бечтиёр қўлигини чўзиб, уни юқорироққа қўнқайтириб қўйгингиз келади. Ҳожи ака бирон гап айтмоқчи бўлиб, рўпарасидаги сўхбатдошига кўзойнаги оша тинг-шаб қараб қўйса, ҳар қандай сипо одам ҳам ўзини тутолмай кулиб юборади.

Ҳожи ака кўпчилик ҳисса ҳисобчилардай вақти-вақти билан «қитдай-қитдай» ҳам қилиб туради. Ҳожи аканинг ҳушёр ё ширакайфлигини биз, идора ходимлари, унинг муомаласидан дарров билиб оламиз. Масалан, ҳушёрлик пайтида у ҳаммани, етти-саккиз мўчал кўрган қарияларни ҳам, худди бешигини тебратиб қўйган одамдай сансираб гапирди. Томоғи сал ҳўлландими — бўлди, йўрғандаги чақалоқни ҳам силлашга ўтади, ўғли тенги йигитларни «фалончи ака, пистончи ака» деб, кўп хижолат қилади.

Аммо нима бўлса ҳам, Ҳожи акамиз — юрагида кири йўқ, бегубор одам. Қачон қарасангиз — лабидо кулги, тилининг учидо икки оғиз лутф гапи тайёр.

Қишнинг узун кечаларида, айниқса бизга ўхшаш «хат иши» билан сиқилиб қолган одамларга Ҳожи акадай кишининг бўлиши катта давлат. Вақтнинг қандай ўтганини сездирмайди-да! «Сичқонни урага тушириб қўйиб», айтиб берадиган ҳикояларини эшитганимда, минг кунлик ҳордиғинг ҳам ёзилиб кетади.

Ҳожи аканинг ана шундай ҳангомаларидан айтиб бермоқчиман.

Тургун ПЎЛАТ

АРҚОН, ШАМПАҢЬ ВА БЎЙИНЧА...

Бир куни ошпазимиз Нормирза ака паловни дамлаб қўйиб, биз ишлаётган хонага кирди-да, зарур гапи бор одамдай мўйловини маънодор бураб, Ҳожи аканинг биқинидаги бўш стулга бориб ўтирди.

— Ҳа, Нормирзаовой, тинчликми? — деб сўради Ҳожи ака бир нарсанинг шарпасини сезгандай.

— Сельмагга шампань тушибди, тобингиз қалай? — деди Нормирза ака шивирлаб.

— Шампань? — Ҳожи ака унга кўз ойнаги оша тикилди. — Ошна, мен шампанни 1948 йили Бўзда роса тўйиб ичиб олганман. Ҳали-ҳали таъми оғзимдан кетгани йўқ. Узиям арқоннинг пулига келган шампань эди-да...

Ҳожи ака бир гапнинг учини чиқардимки, у ёғини айтмасдан қўймайди. Шунга билганимиз учун ҳаммамиз ишни йиғиштириб, отасидан ҳайитлик кутаётган болалардек Ҳожи аканинг оғзига қарадик. У ҳикоясини бошлади:

— Уша кезлари районда раҳбар бухгалтер эдим. Бир куни давлат банкининг мудири Раҳмонберди Халлоқбердиев телефон қилиб, «Ҳожи ака, малол келмаса, бир илтимос бор эди», деб қолди-ю, «Ие, ҳазрат, нима деярсиз? Сиздай одам илтимос қиласизу бизга малол келиши ҳам борми?», дедим. Жуда яхши йигит эди-да! Бизга яқинроқ колхозларнинг бирон хожати қиқиб қолса-ю, мабодо, мен ўртага тушадиган бўлсам, гапимни ерда қолдир-

май, дарров битказиб беради. «Ҳабарингиз бор, Бўздаги колхозларга банқдав қарз пул берадиз. Шу пуллар қаёққа сарфланаётганини икковимиз бир кўриб келсак», деди.

У вақтда хозирдақ асфальт йўллар, легковий машиналар йўқ, қаёққа сафар чиқса, отлик борилади. Биттадан иккита отга салт миниб, «Бўз қайдасан?», деб йўлга тушдик. Баҳор пайти бўлиб, сув тошиб кетганидан дарё бўйида бир кечано бир кундуз паром кутдик. Охири, дарёдан ҳам ўтдик. Бўз деганингиз тамом тўқайзор, ғаровзор эди ўшанда. Ҳар қамишлар, деб қўйинг, бўйи мизратерақдай келади, офтоб еявериб, тиллодай саргайиб кетган. Папирос чекиб туриб, гугуртни ўчирмай ташласангиз, чунон ўт олиб, чирсиллаб ёниб берадики, кўтарилган алангаси тўрт-беш чақирим жойгача кетингиздан қувлаб боради. Йўлдан адашсангиз борми, жувозга қўшилган отдай бир ернинг ўзидо гирдиқалапак бўлиб айланаверасиз...

Кечга яқин янгица маданий уйлар қурилган бир қишлоққа кириб бордик. Узоқдан атрофи девор билан ўралган қўрғон, усти болохонали катта дарвоза кўринди. Дарвоза олдида турган кишилар бизга пешвоз чиқиб, отимизнинг жиловидан олишди. Суриштирсак, ўзимизнинг районга қарашли «Пахтакор» колхоз экан. «Хайрият, адашмай топиб келдик», деб суюндим ичимда. Бу колхозда Саттор Ғафоров

ҲОЖИ

ҲИСОБЧИНИНГ

ҲИКОЯЛАРИ

деган бухгалтер бор эди. Узи жуда сертаво-зе, сертакүлүф йигит эди. Отини атамасим-дан туриб, рўпарамда пайдо бўлди. Икки кў-лини кўксига қўйганича: «Халлоқбердиев ака, марҳамат, марҳамат, Ҳожи ака, қадамларин-гизга ҳасанот, деб болохонага бошлади.

Бу болохона бухгалтернинг ҳам ётоғи, ҳам меҳмонхонаси экан. Ерга чўғдай гилам тўша-либ, беқасам кўрпачалар солинган, паркү ё-тиқлар қўйилган, тахмонда кўша-кўша атлас кўрпалар. Ётоқ эмас, бамисоли янги келин-чакнинг уйи. Агар ўша вақтдаги танқислик эсингизда бўлса, бунақа сарполар янги ерда тузилган колхоз туғул, «миллионер» раислар-нинг уйида ҳам йўқ эди.

Болохонадаги хашамларни кўриб, Халлоқ-бердиев менга қаради, мен унга. Шу орада Гаффоровнинг атрофида парвона бўлиб юрган югурдаклар унинг имо-ишораси билан дастур-хон тузадига унаб кетишди. Дастурхонга ни-малар қўйилмайди, дейсиз! Қува анори борми, Хонободнинг тил ёрар қирқма қовуними, хан-дон пистами, ғалвиря бодом дейсизми, лимону мандарину, хуллас, бедананинг сутидан бўлак ҳамма нарса бор эди! Уша вақтда биз пе-ченье, конфет деган нарсаларнинг номини эшитсак ҳам, урушнинг касофати билан ўзини кўрмай кетганимизга анча-мунча йил бўлган эди. Дастурхонга шулар ҳам қўйилди-да! Яна, деб қўйинг, бир эмас, бир неча хилдан-а!

Бир пивладан чой ичган бўлдик. Катта хи-тойи лаганда қовурилган лаққа балиқ келди. Ҳаш-паш дегунча беш-олтита шампань вино пайдо бўлди. Халлоқбердиев бир шиша шам-панни олиб, қорнидаги хатини ўқиркан:

— Буниси менга бўлмайди — ширинтуриш, аччиғидан бўлса — бошқа гап,— деди. Югур-даклардан бири шампанларни кўтариб, паства тушиб кетаётган эди, Халлоқбердиев:— Буниси ҳам тураверин, ичадиган одам топилиб қо-лар,— деди.

Бир пасда яна беш-олти шишада шампан-нинг ширини муҳайё бўлди.

— Яхшиси, портвейн ича қолсак-чи,— деди Халлоқбердиев менга кўз қисиб.

Гаффоров имо қилган эди, бояги югурдак бир яшиқ 26-портвейн олиб чиқди.

— Мен-ку портвейн ичаман-а, лекин Ҳожи акага бўлмайди-да! Бу кишига ароқ топинг-лар,— деди Халлоқбердиев. Хуллас, яна бир яшиқ ароқ чиқди. Халлоқбердиев ҳаммаси-дан бир шиша-бир шиша олиб, қолганларини қайтарди.

— Хе, зап одам экансиз-да, одамдан азиз эмас-ку, турса биздан ош-нон талаб қиларми-ди?— деб аския бошлаган бўлди Гаффоров.

— Ҳар ҳолда кўздан йироқ тургани яхши, юртгарчилик-да, яна бирон киши...—Ярим чин, ярим ҳазил аралаш гиринди Халлоқбердиев.

Икковимизга ўша ётоққа жой қилиб бериш-ди. Халлоқбердиев алламаҳалгача илон қақ-қан одамдай тўлганиб, ухлалмади. Унга қўши-либ, мен ҳам қанча вақт тўлганиб ётдим.

— Ҳа, жой синялпсизми?— дедим охири ичим тўлиб.

— Ие, уйқоқминдигиз, Ҳожи ака? Кечира-сиз, уйқунгизга халақит берганга ўхшайман.

— Ҳечқиси йўқ. Биламан, баъзи одамда шу-нақа одат бўлади — жой синаб, ётоқчилаб чи-қади.

— Менда унақа одат йўқ. Мени хаёл бе-зовта қиялпти,— Халлоқбердиев дераза рафида милтиллаб турган чироқнинг пилигини кўтар-ди-да, махорка ўраб чекди.— Шу... Яна нима-лари бор экан, деб оғзимга келганини бўғзим-га ютмай сўрайвердимю лекин дастурхонга қа-

раб туриб, иштаҳам очилиши ўрнига негадир бўғилиб қолдим. Гаффоровни яхши таний-сизми?

— Унчалик эмас. Нимайди?

— Узи шунақа бадавлатми?

Халлоқбердиев нима сабабдан бундай дея-ётганини дарров тушундим. «Бадавлат бўлма-са, шунча борди-келдини қаёқдан олади?» де-моқчи.

— Унинг ҳотамтойлиги сизнинг шарофа-тингиздан бўлса, ажаб эмас. Бу ёғини эртага, дафтар кўрганда биламиз,— дедимда, калла-ни кўрпага ўраб уйқуга кетдим...

Уша вақтда Бўздаги колхозлар кўриқ ер-даги сайёр бригадаларни бирлаштириш йўли билан тузилган бўлиб, уларнинг туриш-турму-ши тамоман давлат хисобига эди. Михдан тортиб — ёғочга, қўйдан тортиб — отгача, ни-маики зарур бўлса, давлат уларга узоқ муд-датли қарз хисобидан берар эди. Аммо, қо-и-дага кўра, колхоз ёғочга деб пул ўтказди-р-дими, шунга фақат ёғоч олиши, сўтда миҳ деб кўрсатган бўлса, миҳ олиши керак эди. Гаффоров нима қилар экан, денг? Агар ёғочга деб йигирма беш минг сўм пул ўтказдирса, шу ҳужжатнинг копиясини Ульпо дўконига келтириб бериб, дўкон мудирига: «Мана, сен биздан йигирма беш минг қарзсан. Энди ёғоч-нинг сўтдини бир цесткага йигиштириб қўйгин-да, бизга ўзимиз айтган нарсани беравер», деб, ундан ҳалигидақа жаннатдан чиққан нозу неъматларни олаверар экан. Бу нарсаларни колхоз дафтарига ўтказиб бўлмайди-ку, уни қандай қилиб жойлаган, дерсизлар. Тўғри, «Балои нафсимга ўн беш литр ароқ ичдим», деб акт тузган аҳмоқ бухгалтер ҳали дунёга келган эмас!

Гаффоров бунга ҳам йўл топиб, дўкон му-диридан «Колхозга фалон килограмм арқон, фалон донга бўйинтуруқ, фалон килограмм бўёқ, ранг сотдим», деб сўт ёздирган. Шу-ларни дафтарга ўтказиб қўйиб, орадан икки-уч ой ўтгач, «Ҳаммаси колхоз юмушига ишлати-либ, йўқ бўлиб кетди», деган мазмунда «Ба-қуваат» акт ёзиб, дафтардан чиқариб ташла-верган.

Бундоқ хисоблаб кўрсам, колхозга шунча арқон олинибдики, агар йилқидаги ўн бешта отнинг ҳар бирини Кўнқиофга элтиб қўйиб, бўйнига арқон солиб келинса, шу арқоннинг бир учи колхозда туриши мумкин экан. Ё бўл-маса, колхозга «олинган» ранг билан у етиш-тирган пахтани давлатга уч мартадан бўяб топширса, яна икки йилга етадиган ранг ортиб қолар экан.

Қилбир одам доим «ишни дўндирдим» дей-дию лекин бир ёғини думи хуржунда қилиб қўйганини ўзи ҳам билмайди. Мана шуларни Гаффоровнинг кўзига кўрсатаиб қўйганимда, бир зумда турқи ўзағриб, кечаги катталигидан асар қолмади. Халлоқбердиевнинг эса, тепа сочи тикка бўлди-да, қўлида ичиб турган чойи-ни дўқ этиб столга қўйганича, «Ҳа, Ҳожи ака, тез акт ёзинг кетамизга» тушиб қолди...

— Хўш, Ҳожи ака, Гаффоров кейин нима бўлди?— деб сўради Нормирза ака ҳикоя ту-гаган.

— Гаффоровми? Яқинда шаҳарга тушсам, колхоз бозорида қалампирфурушлик қилиб ўтирибди. Соқол-мўйловини қўйиб юборибди. Зўрға танидим. «Ҳа, ошна?» десам, «Сизнинг шерофатингиз билан ота-бобом кўрмаган жой-ларни кўриб келдим. Мана, энди сабаби ти-риқчилик қилиб ўтирибман», дейди. Ҳа, шу-нақа, кингир иш ҳеч вақт одамнинг касасини оқартирган эмас...

СИР БҲИИ ЎЛАНЛАРИ

Тўй бўлса тўйга монанд оқин халқимиз,
Меҳнатга азал бошдан яқин халқимиз.
Жамкии нози неъмат меҳнат билан,
Меҳмон-ла дастурхони тўйин халқимиз.

Ялқов уят-ор келтирар,
Бадномлар такор келтирар,
Уз халқига мартабани
Қатордаги нор келтирар.

Сурилиб мағриб томон Мирза дашти,
Саҳнига азим шаҳар заб ярашди.
Боглари — богшишол, сувлари бол,
Меҳнатнинг борми бундан ўзга гашти!

Қора совуқ қор келтирар,
Кўнни кўзга тор келтирар.
Кўп бир бўлса, ўз элига
Чиллада баҳор келтирар.

Бу юртда тўй кетидан тўй бошланур,
Мардларнинг номи шунда олқишланур.
Ҳофизлар шаҳнозю шоҳ дostonлар
Сиз азиз пахтакорга бағишланур.

Жавод хизматида қўлда торимиз,
Тадбир, бардошида эйтиборимиз.
Сир-муборакнинг соҳилларида
Қўшқисиз ўтмағи тонготаримиз.

Ўзбек, қозоқ азалдан қуда-анда,
Дўст бўлмаган борми, айб, бу Ватанда.
Тўбани этиб шай йўл тортамыз,
Магар бўлса улкан тўй Анджонда.

Богбонлар гул ундирар тош устина,
Ризқ-рўзли полвон келар ош устина.
Кўли гул, йўли очиқ меҳнаткашин
Арзийди кўтарсангиз бош устина.

Қадимдан тўй тилакли Омон оқин,
Ўз қадрин билмасларга — ёмон оқин.
Урим бор ўтиришда, армоним йўқ,
Омонни қилди, дўстлар, замон оқин.

Сўйлайди Усмон шоир сози билан,
Далада тер тўкади ёзи билан.
Маърака-мажлис кўни дўмбирасин
Хўп сошлаб, олиб борар ўзи билан.

Тўрангиз таълим олар устозидан,
Соҳидан, овозидан, парвозидан.
Айрилса туролмайди, айб этмангиз,
Муборак Сир бўйининг қор, ёзидан.

Усмон шоир МАЛЛАЕВ,
Омон оқин БОЛТАЕВ,
Тўра СУЛАЙМОН.





ЮРАКНИ АСРАНГ

Дарахт илдизи билан—одам юраги билан, деганларидек, бақувват, соғлом юрак саломатлик, узоқ умр кўриш гаровидир.

Киши оғир ғам, кўп изтироблар чекса, асаб системасининг фаолияти издан чиқиб, юрак-қон томирлари ишига путур етади, натижада қон таркиби ҳам, юрак-қон томирларининг иши ҳам бузилади, касалликка чалинади. Аммо ёшлигидан ўзини тута биладиган, кишиларга ғамхўр-меҳрибон, очик кўнгил, босиқ одамлар кучли ҳиссиётлар таъсирига берилмайдилар.

Абу Али ибн Сино хафақонлик касалига йўлиққанларга — музика тинглаш, жисмоний меҳнат билан шуғулланиши тавсия этган. Бу маслаҳатга ҳамон амал қилинади.

Соғлом одамнинг юраги шароит ўзгаришига тезда мослаша олади. Киши ҳаракатсиз тинч турса, яъни тана тўқималарининг кислородга талаби кам бўлган вақтда юрак томирларга минути-

га 4—5 литр қон чиқаради. Киши ҳаракат қилиши, жисмоний иш билан шуғулланиши биланоқ тана тўқималарининг кислородга ва озуқа моддаларига талаби ортади. Юракдан қон кўп миқдорда ўта бошлайди. Тинч ҳолатда юрак куч тўплаб туради. Бу тўпланган куч, айниқса, юрак-қон томирлари касалликларига чалинган кишилар учун жуда зарур.

Спорт билан шуғулланиш, ақлий меҳнатни жисмоний меҳнатга боғлаб олиб бориш асаб системасини ва юрак-қон томирларини чиниқтириш билан бирга, киши танасининг касалликларга чидамани оширади.

Қон томирларининг зичлашуви — атеросклерозга учраган кишиларда, одатда, томирлар деворида ортикча холестерин моддаси йиғилиб тугунлар ҳосил қилади, қон юриши қийинлашади. Бора-бора қон уюшган атеросклероз тугунлари устига оҳак моддалари тўпланади, томир девори қотиб, дағаллашади. Натижада юрак, бўйрак, бош мия ва бошқа органларнинг қон билан таъминланиши қийинлашади, юракнинг айрим қисмлари қарахтланади ва кўкрак қисиш касаллиги бошланади.

Юрак-қон томир касалликлари жисмоний иш билан шуғулланув-

чиларга қараганда ақлий меҳнат билан шуғулланувчи кишиларда кўпроқ учрайди. Бундай кишиларнинг кам ҳаракат қилиши, жисмоний меҳнат билан шуғулланмаслиги сабабли, қонга ўтган холестерин моддаси томир деворларига ўтириб қолади. Тамаки чекиш ва спиртли ичимликлар ичиш эса бу касалликларни кучайтиради. Кашанда ва ичувчиларда кўкрак қиши ва юрак мушаклари инфаркти ўн марта кўп учрайди.

Юрак касалликларининг олдини олишдаги муҳим тадбирлардан бири — меҳнатни тўғри ташкил этишдир. Ақлий меҳнатни жисмоний меҳнатга боғлаб, алмашлаб олиб бориш лозим. Ҳар бир кишининг бажарадиган иши унинг ақлий ва жисмоний кучига мос келиши, оғир бўлмаслиги керак. Меҳнат иштиёқ билан бажарилса, киши ундан баҳра олади. Бу ҳол асабга, юрак-қон томирлари ишига ижобий таъсир кўрсатади, касалликлардан сақлайди.

Яна бир шарт — маълум вақтлардагина, яъни бир кунда тўрт маҳал оз-оздан овқатланган меъқул. Кўп овқат ейиш юрак-қон томир системаси ишини бузиши мумкин. Бундан ташқари, одам семириб кетади. Бу эса атеросклероз касаллигини авж олдиради.

Киши соғая бошлаганида сут-


ли ва таркибида аскорбин кислотаси, В витаминлари бўлган сабзавотли таомлардан кўпроқ ейиши, суюқликни, айниқса, чайни кам ичиши лозим. Акс ҳолда юракка зўр келиб кишининг нафаси сиқиладиган, тез-тез ҳалоласлайдиган бўлиб қолади. Сабзи уруғини чойга ўхшатиб дамлаб ичилса ҳам юрак-қон томирларини кенгайтиради. Инфарктдан соғайган кишилар қизил сабзининг пўстини қирмасдан кунига икки-уч донадан еб турса, тез шифо топишига ёрдам беради. Аскорбин кислотаси ва В₁, В₁₂, В₈, В₁₅ витаминлари энг яхши дармон доридир. Бу витаминлар атеросклерознинг авж олишига йўл қўймайди ва ёғ алмашинувини тартибга солади.

Шуни доимо ёдда тутиш керакки, фақат дорининг ўзигина яхши натижа беравермайди. Меҳнат, дам олиш, овқатланиш тўғри ва қатъий тартибга солинагина дори-дармоннинг нафи тегиши, беъмор тез тузалиши мумкин.

Бундан ташқари, врач маслаҳати асосида шифобахш гимнастика билан ҳам мунтазам шуғулланиб туриш керак.

О. АЗИЗҲУЖАЕВ,

Республика санитария маорифи уйининг врач, медицина фанлари кандидати



Бир юз ўнга кирган Жўра бобо Мирзачўлнинг энг бузург отахони.
К. ЦОЙ фотоси.

ЖИЗЗАХНИНГ

ЗЕБУННИСОСИ

Сад дона садаф зояд гавҳар, дам намезанад,
Як дона тухум зояд, мурғ фарёд мезанад.

Қаранг: «Садаф ўз бағридан юзлаб гавҳар берадию бир сўз демайди, товуқ эса, бир дона тухум тугадию дунёга жар солади!»

Байтада нодир заковат ва маҳорат гавҳардай ғибб турибди. Уни шоир Маҳвий билан бўлган мушоирада XIX аср Зебуннисоси номини олган Муаззамхон айтган.

Шоира Муаззамхон 1833 йилда Хўжанда дунёга келди. У илк адабий таълимни отаси ва аксидан олди. Муаззамхон буй етгач, уни Эшонхон деган йигитга узатишади. Эшонхон Муаззамхонни Жиззахга олиб кетади. Кўп ўтмай, Эшонхоннинг акаси вафот этади. У акасининг хотинига уйланиб ёш Муаззамхон бошига кундошлик балосини солади. Инсонлик қадри топталган шоира ўзини мискин ва ғариб сезади:

Ёронлар, шахрингизда бир ғарибмен,
Қариндошу ватандин бенасибмен.

Одил ҒУБОВ

"Ўтган кунлар"ни ўқиганда...

Бир кун синфимизга янги ўқитувчи — фронтдан ярадор бўлиб қайтган ёшгина йигит кириб келди. У ҳарбий ишдан дарс бера бошлади, лекин адабиётга жуда қизинса керак, ҳар кунги бир китоб кўлиштирарди, болаларга вазифа топшириб қўйиб, ўзи китоб ўқиб ўтирар эди.

Кунлардан бирида ўқитувчининг унаси, синфдош дўстим мени четга тортиб:

— Кеча акам «Ўтган кунлар»ни топиб келди,— деб қолди. Дарсдан кейин «Ўтган кунлар»ни бир кечага сўраб олиш умидида оғайним билан бирга улариникига бордим.

Ўқитувчимиз олдида иккита нон, икки кўзи аллақандай китобда, чой ичиб ўтирарди.

Мен дудуқлана-дудуқлана илтимосимни тушунтира бошлаган эдим, ўқитувчимиз қовоғини солиб:

— Сенга «Ўтган кунлар»ни ўқиш мумкин эмас,— деди.

Мен ҳаяжондан энтикиб:

— Мана, сиз ўқиясиз-ку?— дедим.

Ўқитувчининг юзида билинар-билинимас табассум пайдо бўлди.

— Мен ёшим катта ўқитувчиман, сен эса ёш боласан,— деди у. Иккинчидан, мен уни танқидий кўз билан ўқийман.

— Мен ҳам танқидий кўз билан ўқийман. Домлажон, бир кечагача бериб туринг. Эрталаб олиб келиб бераман.

Домла сал юмшади, лекин ҳамон бир қарорга келолмай пешанасини ишқайди.

— Бир кечада-ку ўқиб тугатолмайсан-а...

— Ўқиб чиқаман,— дедим мен.— Худо урсин агар, ўқиб битираман!

Домла кулиб юборди.

— Хўп, майли, аммо ўзинг ҳам дейман... бир ёпишсанг қўймас экансан!

У ўрнидан турди ва тоқчадан қалин сарғиш қоғозга ўралган китобни олиб берди.

Уша неча мижа қоқмадим. Тонг пайти охириги саҳифани ўқиб бўлдим. Китобни ёпиб боққа чиқдим.

Учинчи совуқ ўтган. Япроқлари тўкилиб, яланғоч бўлиб қолган богда шабада бебошлик қилади, кекса ўринлар, ичи ҳавак олмагар ҳазин чийиллайди, нола қилади, олча ниқоллари, ёш охўрлар юз муқомга тушиб эгилиб-эшилади.

Мен юзимни шабадага тутиб, богда узоқ айланаман.

Уша пайтгача ҳеч бир китоб мени бу қадар ларзага солмаган эди. Гўё Отабек менинг ўз акам, Кумуш эса ўз келинонимдай, уларнинг тақдирига ич-ичимдан нуяман, изтироб чекаман. Адабий «сир»лардан беҳабар: «Аттанг, шу хўранки Зайнабга топширмай, Ўзбек ойим ўзи қилганда-ку, бундай бўлмас эди!», деб афсус чекаман... Айни замонда кўнглимда ҳеч бир ғубор, ёмон асорат йўқ...

Бошларига кўп мусибат тушган, кўп довул ва буронлардан ўтиб чиниққан одамлар ҳар қандай фожиага ҳам мардонавор туриб берадилар, сабот ва олийжанобликини бой бермайдилар. Шунинг учун уларнинг фожияси сизни эзмайди, балки сабот ва матонатга ўргатади, олийжаноблик ва софдилликка чорлайди, шунинг учун ҳам сиз Отелло билан Дедемонанинг фожияли тақдирига кўз ёши тўнарсангиз, бу кўз ёшлар қалбингиздаги ғуборни ювиб ташлагандай бўлади, ўзингизни энгил ҳис этасиз, қалбингиз одамларга ҳамдардлик, ҳамжиҳат бўлиш, яхшилик қилиш истаги билан тўлиб-тошади... Отабек — Кумуш фожияси ҳам, назаримда, менга ҳаётнинг теран ва чигал томонларини кўрсатган, мени гўё беш-олти ёш улғайтган, айна замонда дилмига аллақандай ҳазин ва ёруғ нур қўйилган эди...

Кўп йиллар ўтди. Мен ҳам адабиёт майдонига кириб, яхши-ёмон бир-иккита асар ёздим. Бу пайтларга келиб «Ўтган кунлар»ни неча қайта ўқиб чиқдим. Энди китобнинг кўп фазилатлари билан бирга айрим заиф томонлари ҳам кўзимга чалинди. Лекин улғайганда олган таассуротларим қанчалик аниқ бўлмасин, китоб устида кўз ёш тўкиб тонг оттирган ўша дамларим, эрта сахар ҳувиллаб қолган боққа чиқиб танҳо негзан пайтларим сира-сира эсимдан чинмайди...

... Бу воқеадан кейин сал ўтмай қилшоқда бирга ўсган анчагина дўстларим фронтга жўнайдиغان бўлиб қолди. Мен бир ёш кичин бўлсам ҳам, дўстларимдан аниқлиб қилшоқда қолгим келмади, эриза ёзиб кўнгили равишда урушга кетадиган бўлдим.

Эртага жўнаймиз деган кунги кечқурун ўқитувчимизнинг уйига бориб, «Ўтган кунлар»ни беришини яна илтимос қилдим.

Урушга кетаётган одамнинг раъинини қайтариш қийин. Китобни берди.

Фалак отди палахмонга солибон,
Бу манзилга тушиб ҳайрон бўлибмен.

Муаззамхон девонларини кўздан кечирганимизда, Жиззах воҳасида ҳам Увайсий ва Маҳзуна сингари баркамол шоира етишиб чиққанлиги аён бўлди:

Кўнгили асрорини ҳар дўст олдида баён этсам,
Писанд этмай деди: «Кўп сўзлама, бехудадир
бу гап».

Феодал жамиятида ғам-алами чексиз ўзбек хотин-қизларининг вакиласи Муаззамхон ижтимоий зулмга қарши очиқ гапиролмайди. Шоира ўз исбани рамзий образларда ифода этишга мажбур бўлади. Ёш тўкиб, меҳнаткаш халқнинг оҳу зорини «ташбеҳи мукаммал» услубида мисраларга кўчиради:

Қон ёшимдан ял-ял доманим қизарди
попаден,
Аҳли диллар кўриб они ўхшатар гулзорга.

Муаззамхон бир неча фарзанд кўрди. Бирок, улар узоқ умр кўрмади. Шоиранинг ўғай ўғли Зайниддин бобонинг айтишича, Муаззамхон 84 ёшида вафот этган. Аммо унинг шеърий дурдоналари ҳануз ўз нафосати, ўз қадрини йўқотган эмас.

Июлятўлла СУВОНҚУЛОВ,
Айний номдаги Самарқанд Давлат педагогика институтининг ўқитувчиси

МУАЗЗАМХОН

Бемадору бемадору бемадор...

Мен бўлубман дўстлар ҳижронида
Бемадору бемадору бемадор...

Бистари фурқат аро ётибдуман.
Диффигору диффигору диффигор...

Гар ўлуб негсам бу ҳижрон чўлида
Интизору интизору интизор...

Турбатимдин қон ютуб пола унар
Ҳар баҳору ҳар баҳору ҳар баҳор...

Мен қилармен, дўстим келса хабар,
Жон нисору жон нисору жон нисор...

Дўст васлини тилаб қилдим тавоф
Ҳар мазору ҳар мазору ҳар мазор...

Ётадурмен байтул эҳсоним аро
Хору зору хору зору хору зор...

Йиғлаюрман бош уриб даргоҳига
Ҳар наҳору ҳар наҳору ҳар наҳор...

Зарра янглиғ доимо титрар таним;
Беқарору беқарору беқарор.

Сен халос айла ғариблик юртидин;
Кирдигору кирдигору кирдигор...

Ҳар на қилсанг, рўзи маҳшар қилмагин
Шармсору шармсору шармсор...

Улганимдин сўнг дуода ёд этинг,
Дўсту ёру дўсту ёру дўсту ёр...

Икки фарзандинг, Муаззам, йиғламас
Ашқбору ашқбору ашқбор...

Чистонлар

Бу на лўбатекур, эй зуфунун,
Бўйни эгри, қомати эрмиш забун.
Маъашлар лъалин ўпган чоғида
Нопа айлар хоҳи кундуз, хоҳи түн.

[с\ғвоиёнеғ]

Чиқмиши сўйи само,
Емиши боди сабо.
Риштам жонини мазбуд
Ушласанг, бергай садо.

[meddeg]

Мен уни қолдаги қоқ нон, талқон, туршанлар орасига солиб, орналаб олдим.

Биз қишлоқдан бир йўла қирқ чоғли йигит йўнамоқда эдик. Биринки ойдан кейин бўлиниб-бўлиниб ўнчага қўйдим. Қирқ бешинчи йилнинг ёзида шу ўн чоғли йигит фаланининг гардиши билан Мўғулистон даштларига бориб тушдик.

Қаёқча қарамаган бепеён дашт. Тап-тақир кўнғир адирлар. Қаламуш, юморон қозиқ илма-тешиқ қилиб ташлаган ясси қирлар. Кундуз жазирама иссиқдан яширинадиган жой топмайсиэ, нечаси эса жала кудди, совуқдан тишлар шақ-шақ қилади...

Биз олис-олисларда қолган она юртин, ҳовуч-ҳовуч сув ичган булоқларни, тиззадан тупроқ нечиб юрган қишлоқ нўчаларини соғинамиз. Дўппи-дўппи урин териб қизларга тутган чоғларимиз, пода кутиб ўмбоқоқ ошиб ўйнаган сойликлар, сув сепишиб чўмилишган анҳорлар нўз олдимиэдан кетмайди. Кечалари даштдаги қодирларда бир-биримизнинг пинжикимизга сунқилишиб ётарганимиз, қишлоқ қизларининг мулоим чехраларини, ҳазин ва шўх лаларларини кўрсаймиэ, кўрсаймиэзу бутун вужудимиз билан она тупроқча талпинамиэ... Ана шундай пайтларда, сафар халтамни очиб, ўқ-дори, нон ва консерва кутилари орасидан «Ўтган кунлар»ни оламан. У соғинган қалбларимизга аллақандай таскин беради, ташна дилларимизни нима биландир қондиргандай бўлади. Биз Отабек—Кумуш саргузаштининг мунгли ва ёрқин саҳифаларини қайта-қайта ўқирамиз, гўё севилиш қилшогимизга бориб келгандай, қариндош-уруғ, ёр-биродарларимиз билан дийдор кўришгандай бўламиз... Нур билан йўрилган сеги саҳифалари эса... ўз сеғилларимизни эслатади. Биз гўё олис-олисларда қолган қишлоқ қизларини кўргандай, уларнинг шўх қилиқларини, ҳазил-мутоибалари, куй ва нўшиқларини эшитгандай бўламиз... Ҳа, ҳалқимизнинг узига хос фазилатларини ажиб бир шоирана муҳаббат билан тараннум этган ҳос асар белимикига нувват, дилимикига далда берад эди. Шунинг учун ҳам мен бу китоб ва уни яратган адиб олдига ҳаммиса бош эгаман.

Бугун, бир неча йилдан кейин, «Ўтган кунлар»ни қайта кўлга олдим.

Энди, ёзувчилик «сир»ларини озми-кўпми ўрганганимдан кейин, романнинг бирмунча камчиликлари кўзимга ташланиб қолди. Романда катта маънодаги реалистик адабиёт талабларига жавоб беролмайдиган, романтик услуб таъсирда ёзилган, шунинг учун ҳам бугун бир оз сунъийлиги сезилиб қоладиган саҳифалар ҳам бор.

Ленин қизиқ: романи даштлаб ўқиган ўн олти-ўн етти ёшда-ку бу нарсаларни билмас эдим, бироқ нега ҳозир, ёзувчилик «сир»ларини унча-мунча билганим ҳолда, «Ўтган кунлар» ҳануз мени ҳалқонга солади, ченсиз завқ беради, титратади?..

Китобни очаман. «Жодугар ҳинди» бобини ўқий бошлайман. Узбек олимнинг ғалати гаплари, Ҳасаналига човут қилишлари, Кумушнинг ҳийлакорлиги ҳақидаги таъналарини ўқиб нуламан, нуламану тўсатдан бу хотин менга жуда таниш эканини ҳис этаман. Мен бу хотинни — айни бир пайтда ҳам меҳрибон, ҳам шафқатсиз, бир қарашда жуда ўнтам бўлса-да, аслида ниҳоятда софдил, думбул табиат бу аёлни болалигимдан бери танимайман. Мен уни ҳар бир қишлоқда, ҳар бир маҳаллада кўрганман. Ҳар бир маҳалла, ҳар бир қишлоқнинг ўз Узбек олимни бор, ёзувчи айтгандай, буларсиэ на тўй ўтади, на аза, Ҳатто эркаклар ҳам уларнинг маслаҳатсиз иш қилишмайди.

Мен учун Узбек олим «Ўтган кунлар»даги энг ҳаётий, энг жонли, энг мукаммал образлардан бири! Бу образ Абдулла Қодирийнинг улкан реалист ёзувчи эканлигидан далолат беради. Романига ниҳоятда ҳаётий бир руҳ киритади. Гарчи, эпизодик образлар бўлса-да, Азизбек, Мусулмонкул чўлоқ ва Хушрўйибини тўғрисида ҳам худди шу гапни айтиш мумкин. Романда бу образлар бўлмасин-чи, ёки улар сал бошқачароқ, мулоимроқ бўёнлар билан чизилган бўлсин-чи, Отабек — Кумуш фожиаси эҳтимол оддий мелодраматик бир воқеага айланиб қоларди!..

«Қудаларни кутиб олиш» бобидан шундай бир жумла бор: «Кумуш салом берди ва кўлидаги паранжисини ерга ташлади, югуриб келиб ўзини Узбек олимнинг кўчоғига отди. Узбек олим ҳам уни маҳкам сиқиб нучоқлаб олган, юзидан шап-шап ўлиб, айланиб-урғилар ва тикилиб-тикилиб нима учундир йиллар эди...»

Гарчи ёзувчи бу ўринда «нима учундир» иборасини ишлатса ҳам, китобхон Узбек олимнинг нима учун йиллашгани жуда яхши тушунади.

Узбек олимдай содда ва софдил аёл Кумушнинг гўзаллигини, унинг бўлкан жозибасини, тортинчоқ, ултчан табассумини кўрганда ўзининг ноҳақлигини, унга қилган адолатсизликларини, уни бахтсиз қилиб кўйганини тушунамаслиги мумкин эмас эди. Узбек олим, соддадил аёлларга хос бир сезгирлик билан буни тушунган ва ўз қилмишидан пушаймон бўлиб, ёш тўқар ва бу билан Кумушдан кечирим сўрад эди... Бир китобхон сифатида буни мен ҳам сезаман ва беихтиёр кўзимга ёш оламан... — Ёзувчининг маҳорати деб, ўз қаҳрамонининг дилини билмиси — мана шунга айтдилар!..

Одатда, Кумушнинг ўлими тўғрисида, тўғрироғи, китобхон буни сеза бошлаши ҳақида гап кетганда Зайнаб билан Хушрўйибининг суҳбатини, баъзан Отабекнинг тушини эслайдилар. Ленин мен бу фожиани Кумушнинг Тошкентга келиши тасвирланган саҳифаларданроқ ҳис этаман.

Бу саҳифаларни — романнинг энг тиниқ, энг ажойиб жойлари деса бўлади. Қудаларнинг кутиб олиниши, яна тўғрироғи Юсуфбек ҳожининг Узбек олим ва Отабек билан, Отабекнинг эса Зайнаб билан суҳбати, сўнг, қудалар зиёфати, Отабек билан Кумушнинг яширинча уч-

рашуви, Кумушнинг сўз ўйинлари, ёлғиз қолган икки кундошнинг ачқич киноларга тўла суҳбати, ниҳоят, Офтоб олим билан Кумушнинг видолашуви нечалари шундай реалистик бўёнлар билан чизилгани, сиз ҳар бир одамни кўриб турасиз, гўё бу суҳбатларда иштирок эта-сиз, дам куласиз, дам ачинасиз, дам маънос туйғуларга чўмасиз. Айни замонда, ҳар бир қаҳрамоннинг дард-ҳасратини, уларини, улар сизга ўхшаган оддий одамлар эканини чуқурроқ тушунасиз. Бу саҳифалар фақат буюк ёзувчиларгагина муюссар бўладиган бўлканча бир куч билан ёзилган, қандайдир куз офтобидай тиниқ ва илиқ нурга йўғрилган. Ленин куз қанчалик илиқ бўлмасин, келаётган қишнинг дарағи сезилгандай, бу саҳифаларда ҳам бўлканча фожианинг совуқ нафаси сезилиб туради. Гарчи, ёзувчи келажикда рўй берадиган фожиа ҳақида бир оғиз сўз айтмаса-да, сиз буни негадир сезасиз, худди инсон ўзини кутаётган бахт ва бахтсизликни олдидан сезганидек, ёмон бир нарсалар рўй беришини олдидан ҳис қиласиз. Шунинг учун ҳам бу саҳифалар сизни тиниқ ва ҳазин куйдай титратади. Сиз баъзан куласиз, баъзан жилмасасиз, лекин юрагингизни чулбаб олган гамгин туйғудан қутуллолмайсиэ.

Мен ўз камтарона тажрибамдан биламан: китобхонни бу куйларга солиш, бўлғуси бўронларнинг совуқ нафасини олдидан билдириш — унча-мунча талантга муюссар бўлавермайди.

Висол орзусида ўтган узоқ йиллардан кейин Отабек билан Кумуш яна учрашадилар...

Уртача ёзувчининг қалами остида мелодраматик саҳнага айланиши мумкин бўлган бу лавҳа шундай нозин бир дид, шундай шафқатсиз реалистик бўёнлар билан тасвир қилинганки, мен бу эпизодни романнинг энг зўр жойлардан бири деб ҳисоблайман.

Мана, ўша учрашуви, яна ўша икки севишган қалб, лекин бу сафар илк муҳаббатнинг тотли нафасига маст бўлиб, ўзларини йўқотиб кўйган икки ёш эмас, балки ҳаёт синовларида чинқанган, кўп буюн ва довуллардан ўтиб, ўзларини тўтиб олган икки оқил одам учрашади.

«Отабек ювушини даҳлизга ечди-да, уй бўйича бир-инки қайта юринди ва энтийиб нафас олди. Шу вақт тахмонга осылган кўрпўш ўз-ўзидан қимирлагандек бўлди. Бу қимирлашни Отабек пайқамади. Ҳалиги қимирлаган кўрпўш бирдан очилиб кетиб, Отабек чўчиди... Биров тахмондан унга қараб кулимсирар эди... Отабек титрад эди. Бир оздан кейин иккинчи ҳам ўзларини бирмунча тўхташадилар-да, бир-бирларига томон юришиб келдилар ва сўзсизгина нучоқлашдилар...»

Қаранг: қаҳрамонлар на оҳ-воҳ ченишади, на уч йиллик азоб-уқубатларни эслаб нўз ёши тўкишади, на бир-бирларидан уқнашади. Рост, Кумуш нўзига ёш олади, лекин бу — нувоқчандан эди, сўнг... қандайдир маънос бир нурга йўғрилган қочиринлар, ҳазил-мутоиба бошланади:

- Сиз... қочқонсиз! — деди Кумуш.
- Сиз...
- Мен?
- Сиз нувоқчонсиз!
- Ажаб қиламан! — деди Кумуш ва шапалоғи билан эрининг юзига сенингизга уриб кўйди.
- Бу ёққа ҳам...
- У ёққа Зайнаб урсин!
- Зайнабнинг... уришига ҳаққи йўқ!
- Кумушнинг кўзига ҳалигача кўрилмаган бир шодлик ўйнади.
- Тўғри айтасизми?
- Тўғри айтман!
- Мана бўлмас! — деди Кумуш. Отабекнинг иккинчи юзини ҳам силангандек қилиб кўйди. Яна кулимсирлашиб, термилишиб қолдилар...»

Бу маънос табассумларда, нозин қочиринларда, айтмаган, айтилишинг ҳолати ҳам бўлмаган қанча-қанча дарду алам, меҳр-оқибат, соғинган юракларнинг таллиниши, ҳарорати, ҳаяжони, нидоси бор!..

Ёзувчи бу лавҳада нозин дидга хилоф қилмайди ва метъердан чинмайди, бутун бир саҳнада битта ҳам ортиқча сўз йўқ.

«Кумуш яна бир нулиб қарагандан кейин уйдан чиқди. Отабек энди тамом ўзини босиб олган эди.»


Ёзувчи учун бундай нозин «эсон-омон ўтиб олиш» қил кўприндан ўтиб олишдай гап.

Ҳар бир ёзувчи яхши билади: кўп киши иштирок этадиган саҳна-ларни ёзиш айниқса қийин бўлади. Эҳтимол шунинг учундир, ҳар сафар романнинг «Қудаларни кутиб олиш» бобини, айниқса «Зимдан адоват» саҳифаларини ўқиганимда ёзувчига таҳсин айтман.

Бу саҳифаларда қатнашган тўғриёз хотиннинг бирортаси ҳам «соляда» қолмайди, уларнинг ҳар бири китобхоннинг кўз олдига туради. Бу саҳнада Узбек олимнинг соддалиги, Офтоб олимнинг босиқлиги ва оқиллиги, Кумушнинг уятчаллиги ва самимийлиги Зайнабнинг ҳасадўйлиги, Хушрўйибининг золимлиги ва муғомбирлиги, қуда томонларнинг адовати, ҳаммаси яқюл кўринади.


Ёзувчи бу саҳифаларда моҳир шахматчига ўхшайди, сатранжнинг бирорта донаси ҳам «чет»да қолмайди. Эҳтимол кўл остида ҳаммаси ўйнайди, айни замонда бу ўйин ички бир драматизмга тўла. Шу бобда биз кундоши билан учрашган Кумушнинг иштиробларинигина эмас, биринчи марта Зайнаб ҳам тирик жон эканини, у ҳам чуқур кечинмаларга қодир эканини чуқурроқ ҳис қиламиз.

Китобни ёпиб узоқ уйга толаман: бу улкан ёзувчи ҳаёт бўлганида яна қандай дурдоналар яратар эди!



Бу хиббонларда бахри-дилигиз очилади. — Хирмонга баранга! — Қум-шағал шаҳар бўлиб қад кўтаради. — Африкалик нутрия Сирдарёга кўнигиб кетди. — Яйловда яйраган подалар. — Кеча булар қайида эди. —

●
А. ГОРОКРИК ва Э. ПЕН-
СОН фотолари.



СССР халқ артисти Раҳим Пирмухаммедов ўзбек кинематография-мизининг или арбобларидан. У «Ўзбекфильм» студиясининг қирдан ортиқ йирик бадий фильмларини яратишда қатнашди. «Работ нашқирлари» ва «Насриддин Бухорода», «Тоҳир ва Зухра» ва «Утган кунлар», «Алишер Навоий» ва «Инки дил достони», «Абу Али ибн Сино» ва «Насриддиннинг кечмишлари»... Шу наби ўнлаб фильмлар Пирмухаммедовнинг бевосита иштирокида юзга келди. Я. Протазанов, Н. Ганиев, А. Усольцев ва К. Ерматов сингари йирик совет кино санъаткорлари билан ёнма-ён туриб ижод қилган, тажриба орттирган, профессионал маҳорати камолга етган бу санъаткорнинг ижодий лабораторияси билан танишиш мароқлидир.

Раҳим Пирмухаммедовнинг ижоди ҳақида ҳиноя қилганда кинематографиямизнинг тарақиёт босқичлари ҳақида ҳам фикр юритмай ўта олмаймиз.

Раҳим ака ярим асрдан зиёдроқ умрини санъатга бағишлади. Арава наш оиласида туғилиб, инкилобдан олдинчи ҳаётнинг ачиқ-чучуғини татиб санъаткор бўлиб етишишига қадар у натта заҳматли йўл босиб ўтди.

Ўзбек миллий кино санъати ҳали пайдо бўлмаган кезлари у музика санъати сирларини ўрганди, театр томошаларини қондирмай кўрди, кўплаб драматик асарлар ўқиди.

— Саҳнага биринчи чиқишимнинг тарихи қизиқ,— деб ҳиноя қилади Раҳим ака,— 1919 йили музика тўғарагига қатнаб юрардим. Нима бўлдию, драм тўғарақда тайёрланаётган «Тухматчилар жазоси» спентаклининг қатнашчиси режиссерга маънун бўлавермади, тасодифан мени тақлиф қилиб қолишди. Ун кун муҳлат беришди. Мен бўлсам икки кунда ролни тайёрлаб, чопқиллаб етиб келдим. Текстини ҳам ёдлаган, саҳнадаги хатти-харакатни, имо-ишорани ҳам машқ қилиб олган эдим. Шу ролни ўйнадим у ижрочилик санъатига меҳр қўйдим. Саҳнада ҳар гал янги қиёфада пайдо бўлиб, турли характерли кишилар образини яратиш менга жуда завқли туюлди. Уйғур оға ва Етим Бобононов, Аброр Ҳидоятлов ва ҳозир Тожикистонда ишлаган Фатхулла Умаровлар билан турли-туман роллар устида ишлаш даврида санъатга ҳавасим янада ортди...

Раҳим ака 30-йилларнинг бошларида театрда ишлади. У томошабинни кудирди, чуқур фикр уйғотди. Кейин антёрнинг павильонда ижод қилиш услубларини ўргана бошлади ва дастлабки хулосаларга келди: театр антёри кинода ҳам бемалол ижод қила олар экан.

Обид Жалилов, Асад Исमतов ва Раҳим Пирмухаммедов энг «кинобоп» антёрлар сифатиде кинорежиссерлар диққатини жалб қўйдилар. Бу хусусда Раҳим ака кўп уйлаган, тажриба орттирган:



— Кинода йирик план бор, монтаж бор. Театрда эса, ўз фазилатлари бўлса ҳам, бу имкониятлар йўқ. Масалан, мизансцена учун театр саҳнаси нег имкониятлар беради. Бундан ташқари, саҳнадаги антёр залда ўтирган томошабинлар билан бевосита мулоқот ўрната олади. Кинонинг эса, ўз имкониятлари бор. Кинокамеранинг зийрак объективи антёрнинг ҳар бир вазиятдаги ички ҳолатини, сезилар-сезиммас ишорасини ҳам илғаб олиб, экранда рўйирост кўрсатади. Ҳозирги замон техникасининг мўъжизаларидан бири — минирефон эса антёр талаффуз этган ҳар бир сўзни, ҳатто нафасни, шарплани ҳам томошабинга етказди. Шунинг учун павильондаги ижод жуда масъулиятли, мураккаб. Кинога келишдан олдин театр саҳнасида оз бўлса-да, тажриба орттирганим яхши бўлган экан. Чунки артистнинг кинода ва театрдаги ижоди ўртасида айрим тафовутлар бўлишига қарамай, саҳнада ва павильонда орттирилган тажриба бир-бирини тўлдирди. Бу тафовут асосан антёрлик техникасига тааллуқли. Антёрнинг роль устида ва ўзи устида ишлаш жараёни, фикримча, театрда ҳам, кинода ҳам бир хил. Устоа Станиславский асос солган реалистик метод кино ва театр артисти ижодининг пойдеворидир. Антёр инсон характерини яратиши керак эканми, бас, маъсад аниқ, ният олижаноб. Демак, у ўз бисотидоги бадий воситалардан, нузатишларидан талабчанлик билан фойдаланиб, сценарий автори ёни драматург чизган муҳитда эркин яшовчи қаҳрамон образини яратиш керак.

Бир воқеа эсимга тушиб кетди. 1924 йилнинг қиши эди. Тошкентда ҳаме усталарининг ижодий кечасини — «Кулдирувчилар мусобақаси»ни уюштирмоқчи бўдилар. Бу ҳўрининг шартлари қўйидагилардан иборат эди: ҳар бир кулдирувчи — улар учта эди — Зиё Саид, Қарим Еқубий ва мен — ўзи бирорта ҳажвий пьеса топиши, антёрларни танлаши ва режиссер сифатиде ана шу асарни саҳнага қўйиши лозим эди. Мен Абдурахмон Исмоилозоданинг «Ҳожибобонинг дарди» ноедиясини танладим. Ниҳоят 1925 йилнинг 2 январь куни «Кулдирувчилар мусобақаси» бошланди. Ҳар биримиз ўз спентаклимизни кўрсатдим, бош ролларни ўзимиз ижро этдик. Мусобақанинг сўнгги шартини ҳам бажардик: учта ҳажвчи бир бўлиб «Бўёнчи хоним» пьесасида ҳам ўйнадик. «Коллизей» (ҳозирги Свердлов номи концерт зали) лиқ тўлган. Чамада янги мичча томошабин бор эди. Гулдурос қарсақлар, қаҳ-қаҳа пулги театрнинг деворларини титратандек туюларди. Ўзимиз ҳам ўйнаб бўлганимиздан кейин парда орқасида туриб, «рақиб»имизнинг ўйинини завқланиб кузатардик. Ниҳоят парда сўнгги марта ёпил-

ҲАММИША



СССР Халқ артисти Раҳим Пирмухаммедов Раҳим-миллионер («Қасам»), раис («Янги ер»), Инром («Фарзандлар»), колхозчи («Оддий иш»), гўрков («Насриддиннинг ўн икки қабри») ролларида.



ди. 48 кишидан иборат жюри бир чоға кириб, узоқ бахslashди. Икки соат чамаси ваqt ўтганидан кейин жюри мусобақа якунларини эълон қилди. Танқидчилар нима учун бунчалик узоқ мажлис қилганларининг сабабини ўшанда тушундим: улар қайси актёр томошабинни неча марта кўлдирганини санаб ўтиришган экан. Хуллас, жюрининг ҳисобича Зиб Саид томошабинни 33 марта, Карим Ёқубий 32 марта кўлдирди. Менинг қаҳрамоним эса залдаги санъат шинавандаларини 52 марта кўлдирди. Томошалар формасини ана шу тарзда ўзгартириб, янгилаб туриш ҳозир ҳам фойдали бўларди, менинча.

Раҳим ақанинг театрдаги ижоди ҳажвий образлар яратиш билан бошланган бўлса, кинода 20—30 йиллар давомида у чуқур драматик ролларни ижро этиб келди. Раҳим Пирмуҳаммедов бир вақтнинг ўзида ҳам кинода, ҳам театрда, ҳам лирик-психологик, ҳам ҳажвий-кулиги роллар устида ишлади. Томошабиннинг муҳаббатини, хурматини қозонди. Турли амплуадаги роллар устида ишлаш даврида актёрнинг лаёқати оша борди, профессионал маҳорати намол топди. 1927 йилга келиб кинорежиссёрлар Пирмуҳаммедовга бирданга тўртта роль топширдилар. У «Равот қашқирлари», «Мачит гумбазлари остида», «Сол-бон арава» ва «Чочвон» каби биринчи ўзбек бадиий фильмларида батран, бой, босмачи ва қўрбоши ролларини ўйнаб, «кинобол» актёр эканлигини илм бор исбот этди. Экран актёрнинг муҳлислари сонини ошириб юборди.

— Мен ҳажвий ролларни ўйнаб томошабин дилини хушнуд этиш-ни яхши кўраман, қулги билан эскилик сарингларига қирон келтириш-да қатнашаётганимдан хурсандман. Ленин мен турли характердаги ролларни ўйнашни хоҳлардим. Ўйнайдиган ролим бадиий жиҳатдан пухта ёзилган бўлса ва олдин ўйнаган ролларимга ухшамаса, менга жуда маъқул бўлади.

Кўриниб турибдими, Раҳим ана ўзигагина эмас, балки сценарий авторига ва режиссёрга нисбатан ҳам талабчан. Пирмуҳаммедовга топширилган роль унинг истеъдоди билан бойида. Бу хусусда Раҳим ақанинг «Қасам» (1936 йил), «Абу Али ибн Сино» (1956 йил) филь-ларида яратган икки образини эслаб ўтайлик.

1935-36 йиллар давомида кино ходимларини москвалик режиссёр А. Усовцев раҳбарлигида биринчи ўзбек овозли бадиий фильми «Қа-сам» устида иш олиб бордилар. Усовцев Раҳим акага сценарийдан мос роль топиб бера олмади. Режиссёр Пирмуҳаммедовнинг ижрочилик маҳоратини кўдрлар, унга ишонар, шунинг учун ҳам у билан ишлашни орзу қилар эди. Шунда Усовцев актёрга қараб қатъийлик билан: «Раҳим ана, сценарий билан танишиб чиқдингиз, энди, ана шу фильминг руҳига мос келадиган, асосий қаҳрамонлар образини ойнашга ёрдам берадиган бир роль ёзинг-да, уни ўзингиз ижро этинг. Ишонманки, бу вазифани бажарасиз...», деди.

Режиссёр ҳақ бўлиб чиқди. Ижодий группа фильми суратга олиш учун Тожикистонга отланганда Пирмуҳаммедовнинг қаҳрамони ҳам сценарийда-н ўрин топди. Актёр 20-йиллардаги ўзбек қишлоғида пай-до бўлган биринчи милиционер образини яратди. Унга ўз исмини бер-ди. Ҳозир ҳам «Қасам» фильмининг кўрганимизда Раҳим-милиционер-нинг ҳаётини образи эътиборимизни тортади. Маана, милиционер қиш-лоқ кезиб, қувончи хабарни — ер-сув изоҳоти ҳақидаги хабарни ҳаммага эълон қилмоқда. Пирмуҳаммедовнинг милиционери аста одим ташлайди, масъулятли вазифани бажарётганидан мағрурланади. Қишлоқ жарчиси шийдий оҳангда гапирмоқчи бўлади, унинг қувончи ичига сиғмайди... Бирданга қантланган воқеа юз беради — милиционер сўфининг азон айтаётганини эшитиб қолади. Раҳим-милиционер икки-ланди: қувончли хабар билан барчанинг диққатини ўзига қаратишга ҳам, сўфининг азонини бўлишга ҳам ботина олмайди. Одат буйича, чўнка тушиб номоз ўқишга ҳозирлана бошлайди. Ленин, у ўз бурчини бажаришга, янги тузум гартибларига содиқ қолишга аҳд қилиб, ўрни-дан дадил туради ва сўфининг овозини эшитиб қолиб яна иккиланмас-лик учун икки қулгонини қўллари билан маҳкам бекитиб, илдам қадам ташлайди, унинг жарангли товуши қишлоқ бўйлаб янграйди.

Р. Пирмуҳаммедов биргина эпизодда 20-йилларнинг ўрталаридаги ўзбек қишлоғини, унинг айрим кишиларининг сонини, айрим зиддият-лардан ҳолис бўлмаган характерини рўйроқ оқиб беришга эришди, «Абу Али ибн Сино» кинолентасининг яратилишида Пирмуҳамме-дов яна актёр ва адиб сифатида қатнашди. Раҳим ана яратиши лозим бўлган Абулхайр образи Ибн Синонинг улғувор сиймосига қарама-қарши қўйилиши керак эди. Демак, улуг қомусчи ватандошимизнинг маърифатпарвар гояларининг очилиши кўп жиҳатдан Пирмуҳаммедов талқин этган қаллоб табиб образига боғлиқ бўлади. Уткир зиддият, ҳаётини коллизия донишманд шифофор ва Пирмуҳаммедов яратиши ло-зим бўлган фирибгар табиб ўртасида вужудга келиши лозим эди. Ана шу ҳолни англаган артист Абулхайр образининг фалсафий моҳиятини, уни ранг-баранг бўёқларда тасвирлаш йўлларини излади. Абулхайр иштирон этадиган эпизодларни кенгайтиришга, диалогларни қайта ишлашга қарор қилди. Бу эса Ибн Синонинг феодализм даврида ҳукм сурган хурфот, нодонликка қарши олиб борган курашини очиқ-ойдин кўрсатишга ёрдам берди.



СССР халқ артисти Ра-ҳим ПИРМУҲАММЕДОВ.

Раҳим Пирмуҳаммедов омади келган актёрлардан. Қайси ижрочи Я. Протазанов, Н. Ғаниев, Я. Аъзамов каби режиссёрлар билан ишлаш-ни хоҳламаган дейсиз! Актёр ана шу санъаткорлар раҳбарлигида ижод қилди. Улуғ Ватан уруши йиллари биринчи ўзбек киномеодияси — «Насриддин Бухорода» пайдо бўлди. Миршохид Мирзиёлов билан Раҳим Пирмуҳаммедов бу фильмда завқли номик дуэт яратдилар. Амрининг калтафаҳм, тамагир сочқилари образини сатирик планда ўйнаган ўзбек артистлари фильмининг бош қаҳрамони Насриддин образининг тўлақонли чиқишига ва умуман фильмининг гуманистини голсини ечишда катта ҳисса қўшдилар. Ана шу даврда артист улкан рус санъаткорлари Я. Протазанов ва Л. Свердловдинг узоқ ўтмиш ҳақида ҳиноя қилувчи киномеодияларда ҳажвий образ яратиш йўлларини ўрганди. Худди ана шу тажриба артистга Наби Ғаниев 1946 йили ярат-ган «Насриддиннинг нечмишлари» фильмидаги кўса образи устида иш-лаш даврида жуда қўл келди.

Р. Пирмуҳаммедов ҳамisha ўзи ижро этган ролнинг томошабинга кўрсатган таъсирини билишга қизиқарди.

— Томошабинларнинг экранидаги воқеаларга, фильм қаҳрамонлар-нинг хатти-ҳаракатига бўлган муносабатини ўрганиш жуда завқ-ли,— дейди артист.— Бир неча йил мувадда рафиқам билан «Сен етим эмассан» фильмининг кўриш учун шаҳар марказидаги кинотеатрга бордим. Эсингизда бўлса, бу фильмда мен контролёр ролини ўйнай-ман. Менинг қаҳрамоним бир кичик қизчани кинотеатрга бир зумга кириб чиқиши учун пора талаб қилади. У қизчанин сўнги қачасига-ча юлиб олади. Ана шу дақиқада — контролёр ёш боладан пора олиш учун қўл қўзавтганида — мен билан бир қаторда ўтирган томошабин: «Бераҳм пора:ўр ахир олд-я...», деб нойиб нетди. Бу сўзларни эшитган рафиқам менга сўроқ назари билан боқиб: «Машаққат билан қилган меҳнатингизнинг оқибати шуми энди?», деб қолди. Мен эса «Томошабиннинг ана шу сўзлари артист учун катта мунофот, менинг поражур контролёрим томошабин нафратига сазовор бўлдим, демак, яна бир гуруҳ ўртоқлар поражурларга қарши курашадилар», деб тушунтирдим.

Ана шундай дамларга етишиш учун актёр тинимсиз меҳнат қи-лади, ижрочилик санъатининг сермазмон воситаларини излайди, ўз та-лафтини ва тафачуруни юксак бадиий кучга эга бўлган образ яратишга қаратади. Р. Пирмуҳаммедов талқинида ранг-баранг образлар шу тар-рича вужудга келди. «Икки дил достони» фильмидаги вази, «Ўтган кунлар»даги қўрбоши каби образлар шулар жумласидандир. Пирмуҳам-медов лирик ва психологик драмаларда, тарихий полотноларда, кино-ҳажвийларда ижод этган образлари ҳар галгидек томошабинларнинг ким, профессионал танқидчиларнинг ҳам диққатини тортмоқда.

Раҳим ана ўзининг улкан режалари, ижодий ғайрати, тинимсиз изланишлари билан ҳамон навиқорон ижодкорни эслатади. У ҳали биз-ни янги-янги ажойиб образлар билан қувонтиради.

Ҳамидулла АКБАРОВ,
санъатшунослик фандари кандидати

ИЗЛАНИШДА



МАЛҲАМ ИЗЛАБ...

От устида хаёл суриб, мудраб кетяпман. Қуёш уфққа бош қўяётган бўлса-да, тафти қайтаганича йўқ. Кундузи тандирдек қизиган ернинг яллиғи ҳамон гупиллаб юзга урилади.

Қишлоқдан анча олислаб кетибман. Орқада қолган пахта далалари, улардан ҳам нарироқда гуркираб ётган бог ва дарактзорлар чўлнинг яшил-қўнгир барра ёқасига ўхшайди. Олдинда, йироқ-йироқларда ҳам худди ўшандай соя-сўлим қишлоқ. Бу мен кўзлаб бораётган манзил. Аммо, унинг кучоғига ёриб киргунча, ҳўх-ҳўл...

Тағимдаги қашқа дўнан бир меъёрда йўргалайди. Уни ўз эригга ташлаб қўйганман. Жонивор жуда юрагон чиқиб қолди. Узангига оёғимни қўйганимдан бери бирон марта «чуҳ» деганим йўқ. Тоғамнинг мақтаганича бор экан.

ЧУЛДА

ХИКОЯ

— Қамчи даркор бўлмасу,— деган эди у қишлоқда қўлимга жингил дастали қамчини тутқазиб,— ҳар қалай, ола кет. Қамчисиз суворий милтисиз овчиға ўхшайди.

Фир-ғир шабада эсиб, бўғриққан юзларимни ялай кетди. Шунча ҳуш келдики у менга! Қўйлагимнинг тугмаларини ечиб, тўшимни шабадага тутган эдим, ўзимни анча енгил ҳис эга бошладим. Манзилим яқин қолгандек туюлди. Атрофга кўз ташладим. Бийдай дала, унда-бунда ўртимчақнинг тўридек чигал мезон сузар, кунботарда катта-кичиқ барханлар кўринар эди. Қучли бўрон кезларида ел бориб пайдо бўлган бу барханлар қандайдир сирли туюлиб, Миср эҳромларини эслатар эди. Хаёл мени яна ўз гирдобига тортоқчи. Ундан қутулиш ниятида хиргойи қила бошладим:

Том бошида тоғора,
Тоғорада зогора,
Зогорани ёполмай
Чол... чол...

Ия! Вой кўзингдан акаң!..

Йўлдан ўн қадамча нарида думини гажак қилиб тулкивий кетяпти. Қуёшнинг сўнгги нурларида олтиндек товланётган мўйнаси хотинининг пальтосига ёқа бўлиб кўринди кўзимга. (Хотиним кўпдан бери тулки ёқани ҳавас қилиб юрарди.) «Жуда совгабол экансан, муттаҳам!» деб дилимдан ўтказдим. Этигимнинг кўнжидан қамчини суғуриб олдим. Тулкининг бир кўзи менда шекилли, дарров пайқади. Отимяни унга қараб бурдим-да, устма-уст қамчи босдим.

Яйдоқ дала. От чоптирмаганимга ҳам неча йиллар бўлиб кетган эди, бир хумордан чиқадиган бўлдим. От ўйнатиб жангга кирган баҳодирлардек далани янграгиб ҳайқирдим:

— Қўла тушдинг, тулкивий!

Аммо осонликча тулқич берадиган кўринмайди. Аранг ётиб бориб, қамчини қулочлаганимда елдек учиб кетаётган маҳлуқ шартта ўгирилиб, ўзини орқага отади-да, мен отимни қайтариб келгуминча анча узоққа кетиб қолади.

Дўнан қора терга ботди. Тулкининг ҳам роса тинқаси қуриди шекилли, энди узоққа қочолмас, фақат чеп берар, ҳали ҳам жонини сақлаб қолиш умидида эди.

— Осмон йироқ, ер қаттиқ. Қутулиб бўлсан мандан!

Аммо... минг ажаби, тулки йўқ, ҳа, ёқага мўлжалланган тулки йўқ эди. Кўз очиб юмғунимча-я! Қаярга гойиб бўлди экан! Йқин ўртада бирон гора ё чуқур кўринмайдики, ерга кириб кетди десам; қаноти йўқки, осмонга учсал! Шу пайт... қарадим-у кўзларимга ишонмай қолдим.

Е алҳазар! У мендан уч-тўрт қадам нарида, бир туп ёвшанининг панасида биқиниб турарди.

От бостириб тепасига бордим, мўлт-мўлт жовдираб турган мунчоқдек сариқ-қизғиш кўзларига кўзим тушиб, қамчи кўтарган қўлим ҳавода мўаллақ қолди.

Мўхаммад ХАЙРУЛЛАЕВ

Эшбой ота билан кўнат устида гурунлашиб ўтирибмиз. Атрофимизда моллар бемалол ўтлаб юрибди. Сағрисига тухум қўйса туради, жунлари йилтиллайди. Ота тиззамга туртди:

— Бу ёнча қаранг.

Ота ишора қилган томонга ўғирлидим. Ҳозиргина ўт чимдиб ўтган ички молнинг туёғи остидан узун бир илон тўлганиб, судралиб кетяпти. Илон думи жароҳатланган. Мол туёғи қирқиб юборган бўлса керак.

Унсиз-шарпасиз нузата бошладик. Илон ҳар бир гиёҳ олдида бир зум тўхтаб, гўё уларни ҳидламоқчи бўлгандай бошини кўтариб-кўтариб қўярди. Кўп судралмади. Ярим газча неладиган сариқ поя, инигича гиёҳ олдида тўхтаб қолди.

Унга тирмашиб чиқди. Гавдаси билан ағанатди. Бир муддат нуймаланди-да, сўнгга жарга томон кетди.

— Юринг-чи, нима гап экан?— деди Эшбой ота.

Борсақ боғи ўт ерда ётарди. Илон унинг бир-ички жойидан тишлаган чоғи, кўнимтир-оқиш сувоқлик чакиллаб турибди. Утнинг худди ўша жойларигина қон юқи. Афтидан илон ўз жароҳатини шу ўтнинг шираси билан даволаган эди. Илон судралиб кетган томон қарадим. Хас-хашақда энди қон юқи кўзга чалинмасди.

— Кўрдингми, бўтам,— деди кенса подачи.— Даррандалар ҳам ўз жароҳатига малҳам топаркан.

УККИ

Қорақояга яқинлашдик. Қоя бағридан каттақон оппоқ қуш қўна парвоз қилди. У қоя устингир гири айланаб учди-да, арчазорга шўнғиди.

— Укки,— деди ҳамроҳим.

Қорақоя деганича бор. Қоя кўмирден қол-қора, олд томони моҳир тоштарошининг қўлдан чиққан денк силлиқ. Тағиди туянинг нўзидек булоқдан сув оқиб туради. Сув сероб бўлгани учунми, то кеч нузанича унинг атрофи яшил кўнат билан бурчаниб ётади.

Қоянинг қоқ нўсидидаги уяга кўзим тушди. Унинг орзи гўё қалин ғиров босгандек оппоқ. Боя укиннинг шу уядан учиб чиққанига шубҳам қолмади. Чамалаб кўрдим. Ердан камда элли газ бор. Оёқ ийнимини едим. Ҳаракатини сезган ҳамроҳим сўради:

— Қояга чиқа олсанми?..

— Чикман!— дедим.

Айтишга осон экан. Қўл-оёқларим шилиниб кетди. Алла қаеримга тоқ улаб қўйгандек баданим титрарди. Ай-

ниқса, уянинг пастси жуда ҳам силлиқ экан.

Укиннинг уясида ички одам бемалол қўзилиб ётса бўлади. Унгирининг ўртарида қушнинг майин патлари тўшаб ясалган чоғроқина тўша. Шарпадан чўчиган укки болалари ўнгирининг бир бурчигага қисилиб олишган эди. Уларнинг тумшуги сариқ, кўзлари катта-катта, ўзлари бир тутам оппоқ парга ўхшарди... Қайтиб тушдим.

— Инкита болаеси бор экан,— дедим ҳамроҳимга.

У афсусланганден қўлини силтаб қўйди:

— Чатоқ бўпти. Энди она укки болаларини бу ердан кўчириб нетади.

Эсам қотди. Лекин негаллигини суриштирмадим. Эртаси яна келиди. Дустимнинг башоратини синамоқчи бўлдим. Кеча ҳадисини олиб қолган эканманми, бугун у қадар қийналмай чиқдим. Уя эгалари кўчган ҳовлидек хувиллаб ётарди. Саидмурод НОРБОВЕВ.

Рассом Т. МУҲАМЕДОВ.



— Шунча жойни хира қилиб ётибди-я!

— Хафа бўлма. Урнига янгидан қовун туширишармиш.

Рисолат хола магазиндан чиққунча ариқ ёқасида бир тўп ёшлар пайдо бўлиб қолибди. Улар типпа-тик туриб қувноқ гурунглашар эдилар. Кампир зинада тўхтади. «Вой, Мастурабонунинг ўғли келибди ўқишидан,— деб ўйлади Шокиржонни кўриши билан.— Маҳалла ёшлари ўртага олиб туришибди. Ёнидаги қиз ким экан? Уч бурчак дутори ҳам бор-а? Ҳа-а-а, ҳойнаҳой Шокиржоннинг қайлиги! «Қишлоқ қизларига ҳушим йўқ, шаҳардан уйлана-ман, суйганим бор», деган экан-ку онасига. Айтганини қилибди-да. Олкепти-да!... Новагичина экан. Кийиниши ажабтовур! Ҳа, шаҳар қизи-да, культурний...»

Рисолат хола бориб сўрашди. Шокиржон ҳамроҳини таништирди:

— Курсдош ўртоғим Боря.

— Ҳа, яхши, яхши, тенгингни топибсан.

Рисолат хола даврадан чиқди. Мастурабонундан суюнчи олишга шошилди. У кириб борганда Мастурабону сўрида носвойнинг кайфини суриб ўтирарди.

— Вой, туринг,— деди Рисолат хола ҳовлиқиб.— Шокиржонингиз келди! Қайлиги билан!..

Мастурабону носини туфлаб ташлаб, сапчиб турди:

— Қайлиги билан! Қанақа қайлиги билан?

— Келинингиз билан-да!.. Хў, бирда айтган эдингиз-ку, Шокиржон қишлоқ қизларига уна-маяпти, шаҳарда суйганим бор, деяпти, деб?

— Ҳа, шунақа дедди...

— Ушани олкепти-да! Ҳилвагина, оппоққина экан. Ҳа культурний. Яланг бош. Сочини елкасидан қирқтириб олибди. Эгннда чипор сариқ қўйлак. Ҳамиятли қизга ўхшайди. Бир хил қизлардай калталозим эмас, почаси тор қора шим кийиб олибди. Ботинкаси бамисоли қозик. Қафдай келадиган радиоси, уч бурчак дутори ҳам бор, ўргилай.

— Йўғ-э, унчалик эмасдир-э, унақасини опкелмагандир-э!— қовоғини уйди Мастурабону.— Сиз гапни кўпиртирасиз кўпинча.

Рисолат хола чап қўлининг қафига ўнг қўлининг орқасини «пақ» этиб урди:

— Улай агар кўпиртирган бўлсам! Боринг, кўрасиз. Шокиржонингиз келинингизни йигитларга кўз-кўз қилпяти катта кўнада, ўз кўзим билан кўрдим...

Мастурабонунинг кўзлари олайиб кетди.

— Вой уятсиз-эй! Вой шарманда-ей! Қани қаерда ўзи?

— Магазиннинг олдида.

Мастурабону дока рўмолини апил-тапил ўраб, кўчага отилди.

— Вой, Мастурабону, бу алфозда борманг,— деди Рисолат хола дугонасининг кетидан йўртиб.— Хафа бўлади келин. Ҳаи но-зиқина, культурнийгина қизга ўхшайди, папи-рос чекаркан. Оти Бўйра, Бўйрахан экан, Шокиржонингиз айтди. «Ўртоғим Бўйра» деди.

«КЕЛИН»

«Ҳозирги ёшлар шунақа-да, хотинини ҳам «ўртоғим», «турмуш ўртоғим» дейди.

— Ху, ўртоғи бошидан қолсин!

Кўчанинг ўртасида икки хотин лапанглаб боришар, Мастурабону тўхтовсиз саннар эди.

Қариганда кўрган биттаю битта ўғлим эди. Шу Шокир туфайли юрт олдида дастурхон соламан, орзу-ҳавас кўраман, деган эдим.

Сарвинисонинг неварасини келин қиламан, деган эдим. Попукдай қиз. Орқаси тўла соч.

Қўлли, оёқли... Шундай қизни қўйиб, кашанда қизни келин қиламанми?! Тўйсиз, несиз-а!

Маҳалла-кўй нима дейди? Оти мунча хунук— Бўйра! Вой, отинг бошини эсин, сен ман-жалақини!.. Бўйра эмиш-а! Кўзини сузиб бо-

ламнинг бошини айлантирган-да, отгинанг ўчгур!

Кампирлар халлослаб етиб келганларида, ёшлар гаплашиб турардилар. Шокиржон қарияларни кўриб даврадан чиқди, онасига талпинди. Бироқ Мастурабону ўғлининг қўлини қайириб ташлади. Тўппа-тўғри нотаниш «қиз»-га рўпара бўлди.

— Сизми Бўйра?— деди тўсатдан.

Ҳамма ҳайрон.

— Бўйра эмас, Боря,— деди Шокиржон.

— Нима-нима! — кампир овоз келган томонга қулоғини тутди. Рисолат хола уқтирди:

— Бўйра эмас, Бўри экан келинингизнинг оти...

— Бўри! Ана энди мени ейди бу бўри! Урғочи бўри!— Мастурабону Боряга қўлини пахса қилди.— Ҳой, бетавафик, менга қара, бошқа бўйни йўғонроқ йигит топиладими шаҳарда? А! Келиб-келиб... — у ёғини гапиролмади.

Ҳамма ҳанг-манг бўлиб қолди. Борянинг ранги кув ўчди. Икки-уч елка қисди. Тез-тез киприк қоқиб атрофдагиларга жавдиреди. Лаблари титради. Аммо Бирон садо чиқмади. Шокиржон ўзини ўнглаб онасига ёпишди. Қўлларини тутиб тортиқлади.

— Ҳой, ойи, сизга нима бўлди? Уртоғим бу. Уртоғим! Бирга ўқийдиган ўртоғим!..

— Хе ўртоғинг бошингда қолсин!— Кампир ўнг қўлини бир силтаб бўшатиб олди, бармоғини бизиз қилди.— Шу алвастининг нимаси ёқди сенга?! А, нимаси ёқди! Мен бу ёқда гўдай қизларни гаплашиб юрсам-у, сен...

— Э, нималар деясиз! Ахир, бу ўртоғим-ку!— йиғламсиради Шокиржон.— Уғил бола-ку! Боря! Асли оти Бўрон... Янгичишлоқлик.

Кампир Боряга ял қаради.

— Уғил бола! Қанақа ўғил бола!

Магазин зинасида ўтирган Матқосим бува яқин келди.

— Аммо бир хил вақтда жуда тажанг бўлиб кетасан-да, Мастура!— деди у.— Қанақа ўғил бола бўларди! Уғил бола-да.

Боря нима дейишини, нима қилишини билмади, ранги бўзариб, дир-дир қалтирарди. Кампир унинг бошидан оёғигача синчиклаб қаради. Гоҳ ишонди, гоҳ ишонмади:

— Йўғ-э!

— Нима йўғ-э?— бақирди чол.— Сочи билан кийимини кўриб шунақа деялсанми? Янги чиққан пўрим... Шаҳарда шунақаси расм бўляпти.

Кампир бўшашиб ўтириб қолди. Сўнг мажолсиз товушда:

— Хафа бўлманг, болам,— деди ҳануз эс-ҳушини йиғолмай турган Боряга.— Мен ўл-гур...


Кампир атрофга аланглаб Рисолат хола-ни қидирди. Рисолат хола аллақачон гоёиб бўлган эди.

Анвар МУҚИМОВ

Рассом Э. РУЗИБОВЕВ.

Рассом В. ДУМКИН.

Рассом Э. РУЗИБОВЕВ.



— Ориқлашининг йули бормикан?
— Телефонни ишлашиб кўринг-чи.

Изоҳнинг хожати йўқ.

Қўли очиқ, серҳиммат... давлат ҳисобига.



Хурматли журналхонлар! Фотографимиз С. Безносос олган бу сурати нима деб таърифласа бўлади? Сизларнинг энг қизиқ жавобларингизни журналда эълон қиламиз.



— Амаки, тутатиб олай.
— Менинг болам бўлсанг, бурнингдан чиқарардим!

КИМНИНГ

Мен Нафисани севаман. Нафиса эса Анбарни, Анбар эса Мохиранни ётиради. Мохира бўлса Вали деганда беихтиёр титраб қетади. Вали Дилфузага дилидагини айтолмай доғ-да. Дилфуза асли менга мойилроқ...

КУНГЛИ

Ҳабибулла ШОЯҚОЗОВ

КИМДА...

Сирдарё

НАСИҲАТГА

— Нега Салима юрган йул қолиб, олис йулдан айланиб келдинг, қизим?

АМАЛ

— Ахир, Салиманинг йўлидан юрма, деган эдингиз-ку, ойижон!

Саодат ИРСОЛИЕВА

Гулистон

МУҚОВАЛАРДА:

БИРИНЧИ БЕТДА — «Ойимиз Москвадан келдилар!» (17-бетга қаранг).

Г. Графкин фотоси.

ИККИНЧИ БЕТДА — Асрий Мирзачўл бағрини қуёшдай порлаган нурхоналардан бири — Фарҳод ҒЭС. **УЧИНЧИ БЕТДА** — Фарғона деса арангулик.

ТУРТИНЧИ БЕТДА — Янги ҳаёт тинги отмоқда.

Э. Пенсон ва В. Телегин фотолари.

Рассом Т. МУҲАМЕДОВ.



Изоҳнинг ҳожати йўқ.

Бу сонни тайёрлашда редакциямиз ходимлари Мурод ХИДИРОВ ва Тўхтамурод БАҲРОМОВ ўртоқларга «Сирдарё ҳақиқати» газетаси коллективи яқиндан ёрдам берди.

Бош редактор — Асқад МУХТОР.

Редколлегия: Раҳим АҲМЕДОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Иснандар ИКРОМОВ, Собир МУҲАММЕДОВ, Иброҳим МУМИНОВ, Ҳамидулла НУРУЛЛАЕВ (бош редактор ўринбосари), Унтам ОРИПОВ, Эмиль РУЗИБОВЕВ (бош рассом), Ваҳоб РУЗИМАТОВ (масъул секретарь), Обид СОДИҚОВ, Олим ХУЖАЕВ, Саид ШЕРМУҲАММЕДОВ, Комил ЯШИН, Муҳаммадjon УРОЗБОВЕВ.

«Гулистон» — общественно-политический и литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Корректор М. МУМИНОВА.

Техредактор М. ЕФИМОВА

Адресимиз: Тошкент, 47. Карл Маркс кўчаси, 30-уй. Редакция телефонлари: бош редактор — В-33520, бош редактор ўринбосари — В-33580, масъул секретарь — В-33602, ижтимоий-сиёсий бўлим — В-33602, адабиёт ва санъат бўлими — В-33519, фан ва маданият бўлими — В-33519.

Босмахонага туширилди 5/VI-70 й. Босишга рухсат этилди 14/VII-70 й. Қоғози 70×108¹/₈. Ҳажми 4 босма тобқ. Вуяуртма 2097, Тиражи 178 100. Р 09546. Баҳоси 30 т. Нашр. Г-3611.



